

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” фанидан маърузалар матни

“Маънавият асослари” фанидан мавзулар бўйича
маъруза матнлари. «Ўзбекистон тарихи» кафедраси
профессор - ўқитувчиларининг йиғилишида
муҳокама қилинган ва тасдиқланган.
(2013 йил 25 август, 1 - сонли баённома)

Тузувчилар:Зияев Ф.

Тошкент – 2013

1-мавзу: «Маънавият асослари» фанининг предмети, тушунчалари, тамойиллари, асосий вазифалари ҳамда жамият тараққиётида тутган ўрни.

1.1. Маънавият ва маърифатнинг моҳияти, таърифлари

Фаннинг баҳс юритадиган йўналишлари, унинг қонун-қоидалари ва тушунчаларини аниқлаш ўта муҳимдир. «Маънавият асослари» фанининг шу жиҳатларини мазкур мавзуда ёритиш айниқса долзарбдир.

«Маънавият асослари» фанининг асосий вазифаси комил инсонни шакллантиришга асосий ҳиссани қўшиш бўлиб, бу фан халқимизнинг бой маънавий ва маданий меросига асосланади. Зеро, комил инсон тушунчаси инсоннинг иқтисодий, сиёсий, илмий фаолиятлари билан боғланиб кетади. Комиллик характери билан қуролланган шахс жамиятни баркамол қилиб ривожлантиради, ўзгартиради. Инсонлар фаолиятини ижобий томонларга етаклайди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида Президент И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирига берган жавобларида шундай фикрни айтган эди: «Енди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айти замонда шахсий манфаатларни халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир¹».

Бу фикрлардан аён бўладики, Президент этук инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини назарда тутиб, озод, эркин, ўз ҳақ- ҳуқуқларини ажрата оладиган, муносиб яшаш учун, ўзининг куч-қудрати ва билимларини ҳаракатга келтирадиган, ўз манфаати билан жамоа, жамият манфаатларини муштарак ҳолда биладиган инсон фаолиятини изоҳлайди. Бинобарин, юксак маънавий, баркамол, аъло ахлоқий хусусиятларга эга бўлган бундай шахсларда адолат ҳис-

¹ Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том, 304-бет.

туйғуси такомиллашган бўлиб, яхшилик, шафқат ва мурувват, савобу-саҳоват, хурмату-камтаринлик жиддий хислатга айланган бўлади.

Тарихдан маълумки, бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даври ҳар қандай мамлакатда ҳам осонликча кечган эмас. Мамлакатларда моддий, иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгариш бўлиши билан бирга маънавий ўзгаришлар ҳам рўй берган. Айниқса, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган тоталитар тузумдан бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятга ўтиш даврида бу жараён яққол сезилади. Чунки, бу даврда инсонларнинг нафақат турмуш тарзи, балки уларнинг онги ҳам ўзгара бошлайди. Бинобарин, демократик жараёнлар юқори босқичга кўтарила боргани сабабли, уларнинг дунёқараши ҳам ўзгаради.

Бу пайтда виждон эркинлиги масаласига ёндашиш ҳам кун тартибиде турли муаммоларни келтириб чиқаради. Сиёсий жараёнларни оладиган бўлсак, кўп партиявийликка еҳтиёж туғилади. Ягона мафкуравийликка чек қўйилиб, турли мафкуралар ҳақида фикр юритила бошланади. Яъни плюрализм (кўп фикрлилик) йўналиши пайдо бўлади. Хусусий мулкнинг роли кучаяди. Ижтимоий гуруҳлар тузилиши жиҳатидан ҳам, характери жиҳатидан ҳам ўз мавқеини ўзгартиради. Янги синф, тадбиркорлар синфи шаклланиши учун замин яратила бошланади. Жамоат, давлат, хусусий мулк тузилиши ҳам маконда, ҳам замонда янги характерга эга бўла бошлайди.

Жамоат ташкилотларининг нафақат миқдори, балки уларнинг вазифалари, сифати ҳам ўзгаради. Ўзиқарлиси шуки, инсонларнинг қалбида янгича яшаш эҳтиёжи кучли тус олади. Мустақил фикрлашга ўтадилар. Инсонларнинг онгида табиий ҳолда ўз қадриятларини, маънавий меросини қайта қуриш ва таҳлил қилиш иштиёқи туғилади, шунингдек, ўзликни англаш, ким эдигу, ким бўламиз, деган саволлар қизиқтира бошлайди, маънавий силжиш рўй беради. Қадриятларнинг нима эканлиги, миллий ифтихор, Ватан туйғуси, озодлик, тенглик, биродарлик, Ўзбекистон давлати қаби тушунчалар шу вақтга қадар ҳам ўз мазмунига кўра кенг бўлган бўлса ҳам, улар янада сержило, серқиррали бўла бошлайди.

Эндиликда ўзбек тилига муносабат ўзгариб унга давлат тили мақоми берилгандан сўнг миллионлар қалбини ижобий тўлқинлантириб юборди. Ўн йилликлар давомида ўз тили, санъати, дини, урф-одатлари, қадриятлари, ўз-ўзлиги, фойдали қазилма-ю бойликларидан ажралаётган халқ қаддини кўтара бошлади. Бу жараёнларнинг барчаси инсон фаолияти билан боғланганлиги ендиликда турли муаммоларни келтириб чиқарди. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга тўғри келди. Янги даврда ишлайдиган ходимларни тарбиялаш, вояга етказиш соҳалари долзарб бўлиб қолди. Барча хатти-ҳаракатлар инсон фаолиятига кўра қайта кўриб чиқишга қаратила бошланди. Унинг турмуш тарзини қайта кўриб чиқиш учун республика Президенти ва ҳукумати барча имкониятларни ишга сола бошладилар. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Собиқ иттифоқ давридаги ўзаро муносабатлар янгича характерга эга бўла бошлади. Республика қанчалик бой салоҳиятга, бойликларга ега бўлмасин, собиқ иттифоқ даврида ижтимоий соҳалар бўйича 15 та республика ичида энг охириги ўринлардан биридалиги сезилиб қолинди. Хуллас, республика халқининг турмуш тарзини қайта қуриш учун жиддий ҳаракат бошланиб кетди. Ёш, мустақил давлат ўз Конституциясига ега бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Бу ўзгаришларга тепасида И.А.Каримов бош-қош бўлди. «Каримов жамият осойишталигини бузишга олиб келадиган, билибми-билмайми қилинган ҳар қандай ҳаракатни, ижтимоий омилларни, кучларни пайини қирқиш бўйича жуда ҳам пишиқ-пухта, бир текис иш кўрди...»¹. Ушбу фикрда кўпроқ И.А.Каримовнинг халқимиз барқарорлиги, тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилган ҳаракати тўғрисидаги маъно ётади маънавий, маърифий соҳалар ҳам шу ҳаракат билан боғлиқдир. Айтиш жоизки, ҳали мустақилликнинг илк давридаёқ «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва

¹ Левитин Л., Ислом Каримов - Янги Ўзбекистон Президенти. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 10 - бет.
² Ислом Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 7- бет

ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»² – деб таъкидланди.

Шу боисдан ҳам «Маънавият асослари»га эътибор кучайди. Унинг аҳолини тарбиялашдаги ўрнини белгилаш кун тартибига киритилди.

«Маънавият» сўзи анча қадимий тушунча бўлиб, «Маънавият» сўзига собиқ иттифоқ даврида эътибор қаратилмади, назардан четда қолдирилди. Ҳатто, илмий, илмий-оммабоп китобларда бу сўзга жиддий эътибор берилмаган. «Маънавият» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унда инсоннинг руҳий, ақлий жиҳатлари, ўз хусусияти, моҳияти, ғамхўрлиги, кайғуриш, қувониш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган. Ҳозирги даврда маънавият тушунчасининг фалсафий мазмуни тўғрисида жуда кўп таърифлар берилган. Биз уларнинг баъзиларини ўқувчига ҳавола қиламиз: «Маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир»³. «Маънавият-инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»⁴, «Маънавият-жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»⁵, «Маънавият-инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истъедоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир етадиган муштарак тизимдир»¹. «Маънавият-инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, орномус, ватанпарварлик, гўзаллик, севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлар ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуасидир»². «Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур. Олий ҳақиқат нуридир. Шу сабабли инсон кўнглини «ҳақиқат

³ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 9-бет.

⁴ Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Т.: «Ўқитувчи», 1996, 29-бет

⁵ Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 111- бет.

¹ Юсупов Е. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: «Университет», 1998, 34- бет.

² Еркаев К. Маънавият-миллат нишони. Т.: «Маънавият», 1997, 27- бет.

асрорининг ганжинаси»-демишдир. Фақат инсон қалби ўзида ҳақиқат нурини акс этира олиши учун унга сайқал бермоқ зарур»⁴. «Маънавият инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган олий кадрият»⁵. Кўриб турганимиздек, маънавиятга берилган таърифлар турлича шаклда бўлса ҳам уларнинг барчаси инсон фаолиятига бориб тақалади. Инсон фаолиятининг турли томонларини баҳолайди. Инсоннинг ички ва ташқи хатти-ҳаракати, гўзаллиги, ҳис-туйғулари, кечинмаларини акс эттиради. Т.Махмудов фикрича: «Маънавият-инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир»⁶. Ёки бошқа манбаларда шундай таърифлар бор: «Маънавият-одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир» (Ватан туйғуси китобидан), «Инсон барча тирик мавжудотнинг гултожи, ҳаёт гули дейилганда унинг юксак маънавият эгаси эканлиги назарда тутилади. Маънавият инсонийликка олиб борадиган, инсонни инсон, миллатни миллат қиладиган ажойиб хислат ва фазилатларнинг йиғиндисидир»¹. «Маънавият инсоннинг билими, тажрибаси ва меҳнат малакаси, одоб-ахлоқи, иймон ва еътиқоди, мафкуравий қарашларининг яхлит тизимидир.»². «Маънавий этуклик шундай бир хазинаки, уни эгаллаган одам инсоний кадр-қимматни ҳамма нарсадан устун қўя олади, ўз манфаатини ўзгалар манфаати билан қўша олади, ҳаёт-мамот масалалари ҳал бўлаётган дамларда ақл-идрок доирасидан чиқмайди»³. Бизнингча, **маънавият инсонларда юқори даражада такомил топган инсонпарварлик хислатларининг йиғиндисидир**. Таърифлардан кўриниб турибдики, маънавият кенг қиррали сермазмун ва инсондаги нозик томонларни қамраб олган фалсафий тушунчадир. Маънавият кенг қамровли бўлганлиги туфайли тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода ишлатилганда унинг алоҳида ҳолати инсон кўз олдида гавдаланса, кенг маънода

⁴ Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1996, 6- бет.

⁵ Аъзамов Е. Юксак поғона. Маънавиятнинг ойдin йўли. Т., «Маънавият», 1996, 32-бет.

¹Т. Махмудов. Мустақиллик ва маънавият Т.: 2001, 9-бет.

¹ А. Еркаев. Езгулик сари йўналтирилган ирода. “Тафаккур”, 1997 йил, 3-сон 14-бет.

² З.Ғофуров, С. Тошев. Маънавият сабоқлари Қарши «Насаф» 1998 йил 11-бет

³ А. Ешонқулов.Маънавият тарбияси. «Мулоқот», 1997, 1-сонли, 20-бет.

еса инсон маънавиятининг кенг, умумий қирралари, унга амал қилиш жараёнлари тушунилади.

Ҳа, юқоридаги таърифларда инсоний фазилатларга эътибор қаратилган бўлсада, юксак маънавийлилик жиҳатларни ниҳоятда ноёб хислат эканлигини И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида атрофлича акс этганлигини кўрамиз. Унда: «Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан»⁵.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавият деганда инсонларда шу хислатга оид жараёнларни мужассамлашганлигини эътироф етибгина қолмасдан, балки инсонларни руҳан покланишга, турли ножўя хусусиятлардан узоқ бўлишга ёрдам берадиган хислатларни ҳам тушуниш керак экан. Бинобарин, ҳар бир инсон нафақат жисмонан улғайиш балки, унинг қалбидаги инсонийлик хислатларини ўсиб улғайиши, кенгая бориши, сермазмун бўлиши талаб етилади. Маълумки, инсоннинг ички дунёси ҳам бир уммондир. Бу уммондаги ижобий соҳалар кучлироқ, бақувватроқ бўлгандагина юксак маънавиятли бўла олади. Юксак маънавиятлилик савиясига эга бўлган қанчалик кўп бўлса, бу ўз навбатида қурилаётган янги жамиятни пойдеворини ҳам мустаҳкам бўлишга ёрдам беради. Демак, юксак маънавият бу, Президент айтганларидек, иймон-эътиқодни бутун қиладиган инсонпарварлик, жамиятпарварлик, виждонини кучли қиладиган ҳис-туйғу фазилатларидир.

Юксак маънавиятли бўлиш маърифий соҳаларини қамраб олади. Ҳа, инсоний фазилатларнинг аксарият қисми билимдонликка боғлиқ. Билимдонлик эса маърифатга бориб тақалади.

Инсон ҳаёти ўта кўп қирралидир. У жуда кўп ҳис-туйғу кечинмалар ва ҳаракатларга бой. Шу маънода айтиш мумкинки, бу ҳолатлар инсонни маънавияти билан чамбарчас боғланган. Шу билан бирга инсоннинг жисмоний, биологик ва физиологик томонлари ҳам борки, улар ташқаридан қараганда

⁵ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 302-303 бетлар.

маънавиятга боғлиқ эмасдек туюлади. Лекин бу хислатлар ҳам маънавиятдан ташқарида эмас. Масалан, баъзи бир инсонларда жаҳл чиқиши, жаҳолатпарастлик хислатлари бор. Бундай инсонлар вақти келганда ўзини вазиятдан чиқиб кетиши учун бошқаларга нисбатан жисмоний куч ишлатиб юксак маънавийлик ҳолатини унутади. Натижада, бошқа кишини, яъни мухолифини (муроса йўлини танламасдан) йўқ қилишгача боради. Бундай кишининг фаолиятини юксак маънавиятлилик ҳолатига киритиш мумкин эмас. Ёки баъзи бир киши қўшниси ёки танишининг ютуқларини кўриб, унинг ижобий ҳаракатини ўзига ижобий сингдира олмайди. Кўраолмаслик гирдобига кадам қўяди. Бу ҳолат биологик жараён билан боғланган десак, хато бўлмайди. Сабаби бундай ҳолат ҳайвонот оламида кўпроқ учрайди. Масалан, бир ит ўзига берилган ўлжани қорни очлигидан жон-жаҳди билан истеъмол қила бошлайди. Шу пайтда унга ҳалақит берувчи бошқа ит яқинлашса унга қараб ириллайди ва бошқа итни йўлиқтирмайди. Инсоний фазилатларда шундай хислатлар йўқ дейсизми? Албатта, бор. Фақат ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзгалар билан ҳисоблашмайдиган инсонларни юксак маънавият соҳиби деб бўлмайди. Шу ўринда савол туғилади. Инсонни фирибгар ёки биологик мавжудотдек характерда бўлишида маъно борми? Бор, албатта. Чунки шу ҳолат ҳам маънавият. Лекин қандай маънавият. Маъноли маънавиятми ёки маъносиз? Шунинг учун ҳам инсон фаолиятидаги ҳар қандай маънавият ҳақида эмас, балки юксак маънавият ҳақида фикр юритиш лозим. Зеро, инсоннинг ижобий хислатлари фақат юксак маънавиятлилик билан боғланган.

Ҳар бир инсонни қамраб олган маънавият оддийликдан мураккабликка қараб бориши, яъни юксак маънавиятлиликни мужассамлаштириши лозим. Инсон яшашининг моҳияти юксак маънавиятлиликдadir. Юксак маънавиятлиликни қирралари эса ўта сермазмундир. Юксак маънавиятни ҳали йўргакдаги гўдакдан талаб қилинмасада уни шунга тайёрлаш, инсонийлик хислатларини шакллантириш ўта долзарбдир. Шу сабабли ҳам «гўдак маънавияти» деган ибора халқимиз ўртасида йўқ. «Гўдак одоби» ҳақида фикр юритилади. Демак, одобли бўлишни ўзи юксак маънавиятли бўлиш учун кифоя бўла олмайди.

Аммо юксак маънавиятни инсонда шаклланишида одоб-ахлоқнинг ўрнига тенг келадиган жараён камроқ. Одобли, ахлоқли болалар юксак маънавиятли шахс бўлишга интиладилар. Бола шахсга айланиши учун у ўзини чуқур таний билиши «мен»лигини кўрсатиши керак. Бу «мен»лик аста-секинлик билан амалга ошади. Бола ўзини таниши, яъни инсон бўлиши учун аввало ўз она тили, миллати, миллатининг анъаналари, қадриятлари билан таниша бориши, ўтмишдаги ижодиёт, тарихи, иқтисодиёти, ижтимоий фаолиятини, маданий-маънавий турмуш тарзи билан ўз «мен»лигини бойитиб бориш учун юксак маънавиятли бўлишига замин ҳозирлайди.

Инсон маънавиятининг моҳияти диалектик характердадир. Унинг турли томонлари бир-бири билан боғланган. Шу сабабли маънавиятнинг моҳиятини И.А.Каримов қуйидагича изоҳлайди: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир Олам... Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси, деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандай бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир кадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор»¹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **инсоннинг ички ва ташқи оламини намоён этувчи мураккаб жараён ва ҳис-туйғулар йиғиндиси маънавиятдир.** Бу маънавият ҳали тўлиқ маънавият эмас. Тўлиқ маънавият юксак маънавиятни инсон томонидан қанчалик сингдирилганлигига боғлиқдир. Юксак маънавият инсонни, миллатни ақлий салоҳиятини ўзлаштирганлиги билан ўлчанади.

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.: «Ўзбекистон», 1993, 78 – бет.

Юксак маънавиятни инсонда намоён бўлиши инсонни табиатлашуви, жамиятлашуви, инсонлашуви кабиларни тақозо этиши керак. Бу жараён инсоннинг маърифатлашувига, илмийлигига боғлиқдир. Илмдан тўғри фойдаланиш ундан тўғри хулоса қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келвермайди. Баъзилар ўзлари билган, эътиқод этган илмдан ўзгаларни баҳраманд этмайдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки юксак маънавиятли бўлиш, илм, маърифатликка боғлиқ. Юксак маънавийлилик илм орқали ҳам шаклланар экан, у ҳам ўзининг хусусиятларига эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб бежиз айтилмаган.

Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Оллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Оллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл, йўлланма) сингари илм ҳам кўп ёққан ёмғирга ўхшайдир: баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер курғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонларни ва экинларни суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартирмайдир. Буларни қуйидагича муқояса қилиш мумкиндир: бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан маърифаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчиси мўъмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир». Бу сермазмун ҳадисларни ўрганиш ҳам маърифатга бориб тақалади. Демак, маънавият тушунчаси маърифат билан ҳамоҳангдир. Ёки тушунча маърифат тушунчаси билан ҳам узвий боғланган. Шу туфайли, маърифат, маънавият тушунчалари бир-бирини тўлдирувчилардир дейиш мумкин. Улар диалектик боғланган. «Маърифат» сўзи яқка ва кўплик маънода ишлатилади. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, «билиш», «билим», «таниш» каби маъноларни

билдиради. Кўплик маънода маориф, таълим жараёнларини еслатади. Маърифат «маъруф» сўзи билан алоқададир. «Маъруф» сўзи олий ҳиммат, яхшилик қилувчи маъноларини англатади. Бу сўзни Европада биринчи марта атоқли немис файласуфи И. Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласи босилиб чиққандан сўнг кенг қўлланила бошланган. **Маърифат-инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор бўлган жиҳатларни акс эттирувчи тушунчадир.** Маърифатли инсон-сўзи ишлатилса, демак, у ёки бу инсон билимли, билимдон, ўқимишли, кўп нарсани мушоҳада қиладиган инсон сифатида гавдаланади. «Маърифат»-сиз, деганда шу жараёнлардан хабарсиз киши тушунилади.

Демак, **маърифат деб, инсоннинг умумий маънавий-маданияти, савиясини юксалтиришга қаратилган таълим ва тарбиявий билимларга айтилади.**

Маърифат турли соҳалар, услублар орқали инсонларга сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, жамоалар ва бошқалардир. Маориф сўзига келсак кўплик маънода ҳар-хил билим, ахборотларни қамраб олса ҳам маърифат сўзига нисбатан торроқдир. Маърифат том маъноси билан инсон фаолиятининг аксарият қисмини қамраб олади.

Маърифатли инсон билимлидир. Билим инсоннинг фазилатини улуғловчи хусусиятлардан биридир. Билим олиш, маърифатли бўлиш, турли соҳада маънавий ва моддий ғалаба қилиш учун зарур. Билимсиз, маърифациз киши ҳимоясиздир. Маърифат орқали инсон ўз онгини бойитади ва барча моддий, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлади. «Маърифатнинг мақсади характерни тарбиялашдан иборат» деган эди инглиз файласуфи Герберт Спенсер. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида инсонлар маърифатли бўлмас эканлар, улар ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай, қийналадилар.

Билимли, маърифатли кишиларнинг кўпайиши жамият бойлигидир. Бахтиёр келажак билим билан яратилади. Истикболнинг кафолати билимли кишилардадир. Маънавиятни юксалтириш ҳам маърифатга боғлиқдир. Миллий қадриятларни унинг тарихини, келажagini англаш маърифат орқали амалга

ошади. Бунинг учун билим билан қуролланмоқ керак! Яхши яшаш, бахтли бўлмоқ ҳам билим орқали амалга ошади! Инсон қанчалик кўп билса, унинг куч-қудрати шунчалик ошаверади. Билим орқали инсон улуғвор бўлади. Теварак-атрофни билиш, жамият тараққаётини тушуниш, ҳодисаларга баҳо бериш ҳам билим ва маърифат орқали амалга ошади. Машхур файласуф Ф. Бекон фикрича, «Билим-куч, куч еса билимдир». А. Рудакий айтадики: «Билим-барча кулфатларга қалқон».

Илмли ва маърифатли бўлиш чексиздир. Буюк файласуф Пер Лапласнинг фикрича, «Билганларимизнинг чеки бор, билмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ». Ёки, аллома А. Фирдавсий таъбирича:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён.

Инсон билим орқали дунёни қанчалик кўп билиб борса, ўз фаолиятини ҳам шунчалик яхши англай боради. Умрнинг зийнати, мазмуни ҳам инсоннинг ўз билими орқали юқорига қараб интилишидадир. Билим олиш учун вақтни аямаслик, вақтдан фойдаланиш лозим. Хулоса қилиб айтганда инсон маърифат ва билим орқали юксак маънавийлилик чўққиларини эгаллайди, баркамол, комил инсон бўлиб етишади. Шу сабабли «Маънавият асослари» фани комил инсонни тарбиялаб вояга этказишда муҳим вазифани ташкил этади. Бу вазифа маънавият қирраларидан ташкил топади. Маънавият асосларининг баҳс юритадиган соҳалари ҳам шу қирралардан иборат. Буларга қуйидагилар киради: ахлоқ ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диний эътиқод, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат, мустақилликни мустаҳкамлаш тафаккури, билимдонлик, дўстлик, ростгўйлик, адолатпарварлик, поклик, ҳалоллик, иймон-диёнат, меҳр-шафқат, комил инсон, баркамол авлод, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънавият, маънавий маданият, меҳр-муҳаббат, ёвузлик, золимлик, шуҳратпарастлик, лаганбардорлик, ҳаёлпарастлик, порахўрлик, ҳасислик, урф-одатлар, ёлғончилик, кўрқоқлик, ботирлик, мардлик, одобилик ва одобсизлик, камтаринлик, самимийлик, ҳақгўйлик, дўстлик, соддалик, ҳалоллик, ор-номуслилик, инсонийлик, байналминаллик,

меҳнатсеварлик, бахт-саодатлилик, совуққонлик, тухмат ва мақтов, донолик, олимлик, еркинлик, виждонлилик, инсонийлик, бойлик-камбағаллик, оилавий муносабатлар, севги ва рашк, иродалилик, сабр-тоқатлилик, ичкиликбозлик, икки юзламачилик, такаббурлик, айёрлик, ёшлик, кексалик, мақтанчоқлик, миллий ғурур, миннатдорлик, мансабпарастлик, ғаразғўйлик, беодоблик, кадр-киммат, суҳбатлашиш маданияти, эзмалик, журъатсизлик, димоғдорлик, ақллилик, бекорчилик, ўғит-насихатлар, ва бошқалар.

Тўғри, маънавиятнинг кирралари битмас-туганмасдир. Биз бу ерда инсон маънавиятига тегишли баъзи бир фаолиятларни келтирдик, холос. Маънавият фани мавзуларига киритиладиган бу изоҳловчи тушунчалар, асосий мавзуларни тўлдиришга ёрдам беради. Мазкур тушунчалар «Маънавият» фанининг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бу тушунчалардан асосий мавзулар танлаб олиниб маънавиятнинг асосий таркибий қисмлари шакллантирилади. Булар орқали ҳар бир шахсга «Маънавият асослари» ўргатилади.

1.2. «Маънавият асослари» фанининг тамойиллари, уларни ўрганиш услублари ва бошқа фанлар билан алоқаси

Маълумки, Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида юксак маънавият ҳақида фикр юритганда ХХИ асрдаги маънавиятнинг шакл-шамоиلى, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларининг белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритган эди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, бугунги кунда бу муаммо жамияшунос олимлар, барча зиёлиларнинг диққат марказида турибди. Бинобарин, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, бозор муносабатларига асосланган жамият барпо этилар экан, ана шу жамиятга хос инсонлар тарбияланиши лозим. Шу сабабли «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанида ҳам юксак маънавиятни шакллантириш ғояларига жиддий эътибор қаратилган. Демак, «Маънавият асослари» фани бу - юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашда етакчи ўринларда борар экан, у ўзининг тамойилларига ҳам ега бўлиши зарур. Биз юқорида юксак

маънавиятнинг таркибий қисмлари ҳақида тўхталдик. Мазкур таркибий қисмлар таҳлили ҳам шуни кўрсатадики бу таркибий қисмлардан маънавият асослари тамойилларини шакллантириш ва уларни мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш, айтиш муддаодир. Бизнингча, маънавият тамойиллари қуйидагилардир:

1. Яшашдан мақсадни тўғри белгилаш, ҳаётнинг моҳиятини тўғри тушуниш;
2. Инсон кадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун қўя олиш;
3. Қанча кўп меҳнат қилсанг, шунча тўқ ва бадавлат яшайсан;
4. Инсон қобилиятининг ички имкониятлари чексизлигига ишонч ҳосил қилиш ва шу имкониятларни юзага чиқариш учун жиддий ҳаракат қилиш;
5. Ҳар қандай фисқу фасодга, вайронкор ғояларга берилмаслик, ғийбат, кундалик ташвишларидан юқори кўтарила олиш, ирода, сабр-қаноат, меҳр-мурувват кўрсата олиш;
6. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳиссиётни жиловлаб, ақл идрокка амал қилиш, нафсни тия билиш, комилликка интилиш;
7. Ўзидан кейинги авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришда жонкуяр бўлиш;
8. Миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва уларни ижодий ривожланишига ҳисса қўшишга амал қилиш;
9. Инсон, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда миллатлараро тотувлик учун ҳаракат қилиш;
10. Мамлакат мустақиллигини сақлашда юксак маъсулиятни англаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий юксалишига фаоллик кўрсатиш.

1. Маълумки инсон ҳаётга онгли равишда қадам қўя бошлаганидан бошлаб ўз олдига мақсадлар қўяди. Бу мақсадлар гоҳида асосли, гоҳида тарқоқ, гоҳида ҳавас бўлади. Лекин мақсадлар ичида шундай бир мақсад борки, бу мақсад олий мақсаддир. У ҳам бўлса ҳаётда яшаш мақсадидир. Демак, уни тўғри белгилаш ва моҳиятини тушуниб етиш, тафаккур орқали мушоҳада қилиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон умри тез ўтиб кетади. Ана шундай тез ўтадиган умр қандай ўтиши керак? Инсон, шахс биринчи навбатда ана шунга диққат еътиборини қаратиши лозим. Ҳа, бировлар яшашдан мақсад фарзанд кўришда деб билсалар, яна

бировлар кашфиётлар қилиб ном қолдириш, яна бировлар қандайдир мансабларини эгаллашда, деб тушунадилар. Тўғри булар ҳам инсон учун керак. Аммо яшашдан мақсад тор доирада мужассамлашиб қолмаслиги керак. Шахс фаолиятнинг мақсади фақат ўз соғлигини ўйлаши билан бирга яшашни ўзини, нима учун яшаш керак, ким учун яшаш керак, деган саволларни қўйиб уни моҳияти ва мазмунини таҳлил қилган ҳолда иш юритиши лозим.

Халқнинг бугунги ва келажакдаги вазифалари билан ҳам ўз мақсадларини мужассамлаштириши керак. Демак, инсон ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқнинг асрий қадриятларини ривожлантириш ўз мамлакатининг буюк келажagini яратиши йўлида қайғуриши ва ҳаракат қилиши устувор йўналишлар қилиб белгилаб, ҳаётга қадам ташлаши ўринлидир. Шундагина яшашдан мақсаднинг моҳияти-мазмунга эга бўлади.

2. Инсон кадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун қўйиш юксак маънавиятликдан далолатдир. Инсон қадри бойлик билан белгиланмаслиги керак. Инсон ўзининг хатти-ҳаракати, меҳнати, ақл-идроки билан шу бойликни яратади. Шу жиҳатдан ҳам инсон бойликдан устун бўлишга ҳақлидир. Бойликка берилмаслик инсонийликни устун қўйишга олиб келади. Бойликка еътиқод қўйиб, мол-мулк тўплаш, ўрни келганда уни кўз-кўз қилиш эса тубанликдан нишонадир. Бойлик бу баъзи шахсларни манманликка этаклайди, димоғдор қилади. Баъзида бойликка берилган шахслар ўз мол-мулкнинг қанчалик кўп эканлигини яширишга ҳам ҳаракат қиладилар. Лекин уни барибир кўпдан, оммадан яшира олмайди. Натижада кўпчиликни олдида қинғир-қийшиқ йўллар билан топилган бойлик ошкора бўлабошлайди ва кўпчилик нафратига ҳам учрай бошлайди.

Инсон қадрининг бирламчилигига эътибор бериш хусусиятига эга инсонларни халқ эъзозлайди. Шундай киши вафот этиб кетганда ҳам унинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Бойликка берилган жойда адолат бузилади. Бойлик ҳирси бор инсонда таъмагирлик, порахўрлик, ғаразғўйлик, қатъияцизлик авжига чиқади. Ақл-закавот ўрнини жоҳиллик, манманлик, мақтанчоқлик, кибр-ҳаво эгаллайди.

Булар оддий инсонлар қадрини пайсайтиришга олиб келади. Асосийси инсонлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради. Ғам-ташвиш ортади. Қонун бузилади. Фирибгарлик авжига чиқади. Инсон кадри йўқола бошлайди. Натижада оила, жамоа, жамият ва давлатда норозиликлар пайдо бўлади.

3. Қанча кўп меҳнат қилган киши ўзига ишонч билан яшайди. Қорни оч бўлганда ҳам меҳнатдан завқланади. Ўзини бадавлат кишилардек ҳис қилади. Чунки, у бировдан ўзини кам тутмайди. Меҳнат орқали жамиятнинг маънавий соғломлиги, руҳан тетиклиги ҳам намоён бўлади. Юрт тинчлигига тинчлик қўшилади. Юрт тинчлиги эса улуғ саодат, буюк неъматдир. Шу сабабли ҳар бир фуқаро Ватан тақдири учун меҳнат қилиши, меҳнати орқали буюк давлатни барпо этишидаги масъулиятни сезиш муҳим касб этади. Меҳнат орқали тараққиёт, ривожланиш рўй беради. Оғир ва энгил саноат такомиллашади. Янги ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлади. Маданий-маиший иншоотлар барпо этилади. Ободончилик амалга ошади. Боғ-роғлар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси вақти келиб ҳар бир кишига, жамоага, жамиятга хизмат қилади. Натижада, инсон ўз меҳнати орқали шон-шарафга муяссар бўлади. Хур ва фаровон яшашга имкон яратилади. «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат» деган ўғитларни азалдан халқ ўртасида қўлланишда ҳам олам, олам фалсафа этади.

4. Инсон қобилиятининг ички имкониятлари бойлигига ишонч ҳосил қилиш ва шу имкониятларни юзага чиқариш учун жиддий ҳаракат қилиш ҳар бир юксак маънавиятга интилган кишининг дастурига айланиши лозим. Мазкур ички имкониятлар инсоннинг ўзини қаноатлантириш билан бирга, оилани, ишлаб турган жамоасини, мамлакатини ҳам талабларига жавоб бериши лозим. Инсонларнинг ҳар бир иши, шу инсонларнинг ташқи амалий фаолияти билан ҳам мос тушмоқлиги даркор. Инсонни интеллектуал бойлиги гарчанд шахснинг шахсий фаолиятига боғлиқ бўлсада у Ватан озодлиги, унинг истиқболи, истиқлоли билан чамбарчас боғлиқ бўлгандагина инсондаги ички имкониятларни тўғри баҳолаш мумкин. Юксак маънавиятли инсонларнинг ички имкониятлари, деганда ўша инсондаги мардлик, ваъдага вафо, шижоат, ғайрат, хушёрлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ор-номус, ҳаё, иффат,

камтаринлик, содиқлик, билимдонлик, янгиликлар тарафдорлиги, яхшилик қилиш, тўғри бўлиш каби хислатлар билан биргаликда кўрқоқлик, хиёнат қилиш, ваъдага вафо қилмаслик, ватанни ўйламаслик, вайронкор фикрларга эга бўлиш, мансабпарастлик, лаганбардорлик, порахўрликка ва бошқа хусусиятларга интилиш, ҳис-туйғуларини ҳам тушуниш лозим. Демак, инсонлардаги ички имкониятларни намоён қилишнинг, характериға эътиборни қаратиш шахс фаолиятининг марказий ўринларини эгаллайди. Шу ички имкониятларни ҳаётга татбиқ этишда хатоликлардан холи бўлишга интилиш ҳам юксак маънавиятликдир. Ички имкониятлардан ижобий ишлар учун фойдаланиш олий жонбозликдан далолатдир. Ўзининг ижодини, тафаккурини, билимини, меҳнатини халқ ва Ватан равнақига бағишлаш юксак маънавиятлиликлдан комилликка интилишдан далолатдир.

5. Ҳар қандай фисқу фасод, ғийбатлардан кундалик ташвишлардан юқори туриш, иродаси ва сабр қаноатли бўлиб, меҳр-мурувват кўрсата олиш юксак маънавиятни эгаллаш омиларидандир. Маълумки, ғийбат қилиш бидъатлидир. Инсонни кичик бир ғийбат натижасида бир умрга ношуд қилиб қуйиш мумкин. Ғийбат инсондаги энг ёмон одатлардан биридир. Ғийбат деганда инсонни орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, инсоннинг бола-чақасини, хотини, хулқи, бойлиги, юриш туриши, ақли ва фаросати ҳақида тутуруқсиз, бемаза сўзларни айтишлар тушунилади. Зеро, энг ёвуз ва ярамас одат ғийбатчилик бўлиб, ўзгаларни айбини топишга ҳаракат қилиб, гап ташиб, дўстларни ўртасига нифоқ туширишдир. Булар ўз навбатида инсонни камситади ва ғамга ботиради. Шу сабабли ғийбатга ишонмаслик чораларини кўриш олий фазилатдир. Ғийбатни фисқу фасодчилар, яхши фазилатларни кўраолмайдиганлар, фикри тор одамлар қиладилар. Ана шундай одамлардан устун бўлиш комилликка интилишдир. Инсон фаолияти бахтли дамлар билан бирга ташвишли кунлар ҳам мавжуддир. Ташвишлардан этишмовчиликлардан, бахтга эришаолмасликдан, мавқега эга бўлаолмасликдан устун бўлиш қаноатлиликлдан намунадир. Бу ташвишларни сабр-қаноат ила энгиб ўтиш олийжаноблиликлдан хабар беради.

Сабр ва қаноат қилиш юксак маънавиятли кишиларга хос хусусиятлардандир. Сабр қилишни аввали заҳар, аянчли бўлсада, охири лаззат бўлишини унутмаслик керак. Унда хосият ва манфаат бўлади. Сабр қилишда инсонни феъли ўзгармаслиги, ҳар қандай вазиятда ўзини тутта билиши чидамлилиқдир. Шундай инсон, инсонлар ўртасида камбағалликдан, етишмовчиликдан нолимайди, тоқат ва чидам билан вазиятдан чиқишини ўйлайди. Бунинг ўзи инсон учун улуғ неъматдир. Демак, сабр-қийинчиликдан қутилиш, уни энгиш ва чидамлилиқдир. Сабрда қандай вазият бўлмасин инсон ўзини очик чеҳралилигини йўқотмаслиги лозим. Сабр ва қаноат ўзаро туташган эгизакдир. Қаноат ҳам туганмас бойлиқдир. Қаноатли киши битта қоқ нонига ҳам шукр қилади ва у ўзини камбағалман, деб ҳисоблаймайди. Қаноатчи киши эса кўчадаги гадога ўхшайди, уни кўзи тўймайди. Қанча топса у камлик қилади. Бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатмайди. Тишлам нонидан бировни баҳарманд қилиб шу сабабли ҳам ушбу тамоил маънавиятнинг асосий тамоилларидандир.

6. Юксак маънавиятли бўлиш бу ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳиссиётга берилмасдан ножўя ҳиссиётни жиловлай олиш, ақл-идрокка амал қилиш, нафсни тия билиш комилликка интилиш кабиларга ҳам боғлиқ. Мазкур жиҳатлар ҳар бир шахсда мавжуд бўлган инсоний фазилатлардир. Ушбу фазилатларга диққат-эътиборини қаратган шахслар мўътабар шахслар бўлиб ҳисобланади. Ақл бу- шундай бир бойлиқки, уни пайпаслаб ушлаб ёки кўриб бўлмайди. Ақл одамнинг ёки шахснинг пешонасида ёзиб ҳам қўйилган эмас. Унинг чегарасини ҳам билиш қийин. Ақл шундай бир хусусиятки, агар у баднафслик, ҳасад ва бахилликка йўғрилган бўлса бу тубанлик ақлидир. Ақл зарар келтирувчи жараёнлардан узоқ бўлса ифлосланмаган бўлсагина соф ақлдир. Шу сабабли ақл орқали инсон ўз фаолиятини қатъий идора қилаолса ўзининг ақлий хислатини юксак дейиши мумкин. Аслини олганда, инсоннинг барча ҳаракати ақл фаолиятига муҳтож. Ақл тажриба, ҳаётини кўникмалардан, билимлардан пайдо бўлади. Демак, ақлли киши шундай бир инсонки ўзининг ёмон ҳиссиётларини жиловлай олади, ўзининг ақлига, идрокига амал қилади. Нафсга раҳбарлик қилади. Ақлли инсон тириклигида шундай ишлар қиладики,

бу ишлар ўзи вафот этиб кетгандан сўнг ҳам бошқа кишилар томонидан эъзозланади. Ўлган ақлли киши тириклар қаторида юради. Ақлсиз инсон эса нафси қаяққа бошласа ўша томонга бораверади. Ақл-идрок инсонни улуғлайди. Ақлли инсонлар баъзида хато қилганларида ҳам эъзозланадилар.

Инсонларда ғазаб ҳам мавжуддир. Ғазаб келганда уни сабот ва матонат билан энгиш талаб этилади. Гуноҳ қилган кишидан дарғазаб бўлганда ўйлаб ақл билан иш тутмоқлик инсоннинг юксак фазилатидир. Дўстликка ҳаракат қилганда ўша дўст бўлмоғи бўлган кишини қийинчилик ва дарғазаб бўлганда синаб кўриш ақиллиликдан далолатдир. Қийинчилик ва дарғазабликни боса олмаган дўст, дўст бўла олмайди.

7. Ватан бу инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас маскани. Шу билан бирга уни вояга етказишга ҳисса қўшган, аجدодлари яшаган тарихий хотира бағишловчи макондир. Ватан инсоннинг, халқнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда келажагини белгиловчи жойдир. Ватанга эга бўлган инсон ўз ҳаётини ғурур билан ўтказади. Ертанги кунига ишонч билан қарайди. Ватани борлиги учун қийинчиликларга бардош беради. Инсон ўзини англагандан сўнг Ватан нималигини сеза бошлайди ва унга нисбатан муҳаббат туйғуси илдиз отади. Натижада, ўз тақдирини ана шу Ватан тақдири билан боғлайди. Демак, юксак маънавиятликка интилган инсон ўз Ватанини озодлиги, эркин ва фаровонлиги учун жон қуйдириши лозим. Қалбининг фаолияти ўз Ватани ободлиги, озодлиги учун мужассам бўлиши зарур. Озод ва обод Ватанни авлодларга қолдириш учун ёниб, елиб-югуриб яшаши, меҳнат қилиши талаб этилади. Ватанни моддий бойликларидан, маданий меросидан, кадриятларидан нафақат ўзи фойдаланиши балки, ўзидан кейинги фаолият кўрсатадиган фарзандлар, набиралар, еваралар, чеваралар ва жамият учун қолдирадиган бўлиб яшамоғи керак. Сабаби Ватан фақат биргина шахсни эмас у шу заминда яшаётган барчаники. Унда келажакда ҳам минг-минглаб инсонлар истиқомат қилади, хизмат қилади, нафас олади. Тарихни яратади, ижод қилади. Шу сабабли бу тамоил ҳам энг муҳим тамоилдир.

8. Миллий ва умуминсоний қадрият инсон фаолиятида амал қиладиган юксак маънавиятлиликнинг ажралмас қисмидир. Шу сабабли бу тамойил мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаши, эъозлаши, ўзидан кейинги авлодга уни янги-янги анъаналар билан етказиши юксак маънавиятнинг муҳим қисмидир. Ўтмишдаги аجدодларимиз қолдирган миллий мерос, маданий бойликлар мумтоз қадрият ва урф-одатларни эъозлаш, уларни обдон ўрганиб ижодий ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг кундалик турмуш тарзига сингиши лозим. Миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан муштараклигини сезиш керак. Миллий қадриятлар дунёвий тараққиёт тамойилларидан орқада қолмаслигига эътиборни қаратиш давр талабидир. Жаҳон тажрибасидаги умуминсоний демократик қадриятларнинг моҳиятини таҳлил қилабориш ва ҳаётга татбиқ этабориш миллий қадриятларни ривожлантиришга ёрдам беришини унутмаслик ҳар бир юксак маънавиятли шахсни диққат эътиборида туриши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир шахснинг, фуқаронинг сиёсий маданиятини такомиллаштириш, дунёвий муаммоларни тўғри тушунишга этаклаш кун тартибига қўйилади.

9. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига амал қилиб инсонлар ўртасида ижтимоий адолатни барқарор қилиш учун талайгина вазифалар амалга ошириладики, улар тинчлик, миллий тотувликни барқарор қилишга ёрдам берилади. Инсон ҳуқуқларига амал қилиш юксак маънавият егасининг фаолиятидаги қирраларнинг ажралмас қисмидир. Инсон ўз фаолиятини рўёбга чиқариши учун ҳуқуқий жараёнларни ўзида мужассамлаштириши талаб этилади. Қонун кафолатларни англаш ва унга амал қилиш турмуш тарзини барқарор ўтишига ёрдам беради. Демак, ҳуқуқий маданиятни англаб этиш комилликка интилишнинг намунасидир. Шу муносабат билан бу тамойил ҳар бир шахсдан ўз устида мазкур соҳада доимий ишлашни, билим савиясини ошириб боришни талаб этади. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларига оид жараёнларни, барча ҳуқуқий асосларни халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш масъулиятини юклайди. Масъулият ўз навбатида инсоннинг ҳар бир амали,

фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда инсоннинг ўзига ва бошқалар олдида жавобгар эканлигини тасдиқлайди. Фаолиятни ривожлантиради, оқибатларни олдини олишга кўмаклашади. Ана шу маънода ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги учун курашда тотувликни таъминлайди.

10. Миллий мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эди. Бу орзунини амалга ошириш йўлида жон фидо қилганлар оз эмас. Эндиликда миллий мустақиллик туфайли янги тарихий ривожланиш даврига қадам ташланади. Бу қадам авлодларимиз учун хизмат қилади. Халқимизнинг ҳозирги даврда мустақил сиёсатдан, қарамлик ва итоаткорликдан «иттифок» пайтидаги майда миллатликдан халос бўлганлиги қувончли ҳолдир. Эндиликда кўп асрлик тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз тикланди. Зеро, бу давлатчиликнинг ижобий томонлари сақланган ҳолда, замон талабларига мослашган ҳолда янгидан қурилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, ўз Ватанимизда еркин ва озод яшаш, фаровон турмуш қуришга киришдик. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий қуликдан озод бўлдик. Табиий ва маданий, маънавий бойликларимизга эришдик. Маънавий меросимиздан, азалий инсоний қадриятларимиздан баҳраманд бўла бошладик. Эркин ва мустақил фикрлайдиган бўлдик. Бинобарин, шундай экан, янгича ҳаёт биздан янгича ҳаракат, янгича англаш ва фикрлашни, ташаббускор ва шижоаткор бўлишни, мустақиллик ғояларига содиқ бўлишни талаб этади. Янгича масъулият юклайди. Юксак маънавийатлилик шунчаки бир талаб бўлиб қолмасдан, балки уни янада мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиш ҳар бир шахснинг бурчидир.

Ҳар бир фан ёки курсни ўрганишнинг хусусий жиҳатлари бўлгани сингари «Маънавият асослари»нинг ҳам хусусий жиҳатлари мавжуд. Аввало, бу фан ҳам фанлар методологиясига суянади. Фанларнинг методологияси-(услугият тўғрисида таълимот) бу фалсафадир, аниқроғи диалектикадир. «Маънавият асослари» фани ҳам ўз мавзуларини шу диалектик услубга суянган ҳолда таҳлил қилади ва назарий хулосалар чиқаради.

«Маънавият асослари» фанини ўрганишда асосан авлод-аждодаларимиздан етишиб чиққан буюк алломалар, саркардалар, давлат ва жамоат арбобларидан

бизгача етиб келган маънавий меросидан, маданият ва турмуш тарзидан фойдаланилади.

Қадимий маънавий мерос, миллий урф-одатлар, қадриятлар ранг-барангдир. Улар ҳозирги давр билан боғланган ҳолда, фан ва техника тараққиётини ҳисобга олишни тақозо этади. Шунини таъкидлаш лозимки, халқимиз урф-одатлари, қадриятлари умуминсоний қадриятлар билан боғлиқдир. Ҳар бир шахс ўз тушунча доирасидагина қолмай, балки дунёвий маънавиятдан ҳам хабардор бўларди.

Бу жиҳатларни яхшироқ ҳис этиши, учун аввало ҳар бир инсон маърифатли бўлиши, унга интиломоғи лозим. Маърифатли бўлгандагина инсон умуминсоний қадриятлар билан таниш бўла олади. Унинг ўзига керакли томонларини олиб ўз ҳаётига татбиқ этади.

Маънавият асослари фани ҳам алоҳида услубларга амал қилса-да, унинг мавзу ва тушунчалари бойиб боради. Бу услублар маънавият асосларини мустаҳкамлашда, ўз қонуниятларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Шу сабабли Маънавият асослари фани қуйидаги услублардан фойдаланади:

- Диалектик фалсафий.
- Тарихий-мантиқий.
- Ўхшатиш ва таққослаш.
- Кузатув.
- Индуктив ва дедуктив.
- Тажриба ўтказиш.
- Социологик тадқиқот (сўров, анкета тўлдириш).
- Назарий.
- Изоҳлаш.
- Тахмин қилиш услублари ва бошқалар.

Маънавий ҳислатларнинг мазмуни, ҳаётийлиги, инсонга мослиги шу услублар орқали яққол кўзга ташланади. Ушбу услублар маълумки, бошқа фанларда ҳам қўлланилади. Шу сабабли, бу услублардан фойдаланилганда «Маънавият асослари» фанининг махсус томонлари ҳам ҳисобга олинади.

«Маънавият асослари» ҳозир дунёда ўқитилаётган 2000 дан ортиқ фанлар ва махсус курсларнинг барчаси билан алоқада десак, хато бўлмайди.

«Маънавият асослари» фалсафа фани билан боғланган бўлиб, фалсафанинг категория ёки тушунчаларидан, қонунларидан фойдаланади. Фалсафа берган умумий хулосалар «Маънавият асослари» учун жуда муҳимдир.

Фалсафада ўқитиладиган ижтимоий онг шакллари санъат, маданият, ахлоқ, эстетика, дин каби соҳаларсиз инсонларда юксак маънавиятни шакллантириб бўлмайди. Бу соҳаларда фалсафа берган умумий, назарий фикрлар «Маънавият асослари» учун мушоҳада объектларидир. Шунингдек, «Маънавият асослари» фанини ўқитиш жараёнида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», диншунослик, тарих, сиёсатшунослик, адабиёт, она тили, иқтисодиёт назарияси, одобнома, мантиқ, этика, психология, ахлоқшунослик, социология, экология ва бошқа фанларга ҳам мурожаат қилинади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу «Маънавият асослари» фани табиий фанлар билан алоқада эмас, деган фикрни билдирмайди. Бинобарин, табиий фанлардаги ўзгаришлар, кашфиётлар ҳам инсон маънавияти билан алоқадорлигини унутмаслигимиз керак. Кашфиёт қилувчи олимларнинг фаолияти маърифат билан боғланган. Маърифат эса маънавиятнинг таркибий қисмидир. Демак, «Маънавият асослари» фани тушунча ва қонуниятларни ривожлантириш учун табиий фанларга ҳам суянади.

«Маънавият асослари» фани тушунчалари хилма-хилдир. Уларнинг баъзи бир характер ва хусусияти ҳам фалсафий, ҳам маънавийдир. Улар ўзаро боғлангандир. Шундай бўлишидан қатъи назар, «Маънавият асослари» фанининг ўзига хос ривожланиш қонуниятларини қуйидагича акс эттириш мумкин: шахс, жамоа, жамият ва миллат маънавиятларини юксалтириш.

Булар маънавий-маърифий жараёнлар билан боғлиқ қонуниятлардир. Бу соҳаларни ҳар бирига ўзгача махсус ёндошиш йўллари ва услублари, жараёнлари бор. Мазкур маънавий юксалишларга умумий ҳолда ёндошиб бўлмайди. Лекин, уларнинг ўзаро алоқадорлигини унутмаслигимиз талаб

этилади. Юсак маънавиятли инсонни шакллантириш қонуниятлардан ташқари миллий ва умуминсоний маънавият қонуниятлари ҳам мавжуд, жумладан:

- а) турли ижтимоий гуруҳлар маънавиятини юксалтириш қонуниятлари;
- б) миллатлар ўртасидаги маънавият хислатларини юксалтириш қонуниятлари;
- в) умуминсоний урф-одатлар, қадриятларни яқинлаштириш қонуниятлари ва ҳоказолар.

Бу кўрсатилган қонуниятлар ҳам ўзларининг хусусий жиҳатларига эга бўлиб, баъзи соҳалар чуқур таҳлилни талаб этади. Шу сабабли, бу қонуниятлар кейинги мавзуларда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

«Маънавият асослари» фани кўпроқ инсоннинг ҳис-туйғуси, ички кечинмалари, ўзаро инсоний муносабатлари, инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган ихтиёрий туйғулари билан боғланган. Бу жараёнларнинг ҳар бири инсон онгига мукамал сингдирилиши «Маънавият асослари» фани билан боғлиқ бўлади. Ахлоқшунослик фанидаги тушунчалар «Маънавият асослари» фани тушунчалари билан узвий алоқада. «Маънавият асослари» айниқса, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани билан ҳам яқиндан алоқада ва боғланишдадир. Маълумки, «Миллий истиқлол ғояси» фанида ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг инсоният тарихи ва тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, ҳозирги даврнинг мафкуравий манзараси, дунёни бўлиб олиш учун кураш, ёш ғояларнинг минтақа ва мамлакатимиз аҳолисига таъсири, мамлакатда барпо этилаётган жамият ва бу жараёнда миллий ва умуминсоний ғояларнинг қай тарзда аҳамият касб этиши ўз аксини топган. Лекин бу зикр этилган соҳалар инсоннинг руҳияти ва маънавияти билан боғланган. Юзаки қараганда бу фанлар нисбатан бир-биридан узоқ туюлсада аслида чамбарчас боғлангандир. Бу фанлар тушунчалари ўзаро боғланган ҳолда таҳлил қилинса уларнинг таъсирчанлиги ошади. Ўқувчи томонидан энгилроқ қабул қилинади. Масалан, миллий истиқлол ғояси аввало маърифат орқали сингдирилади. Маърифациз миллий истиқлол ғоясининг кенг қирралари тушунилмайди. Шу билан бирга миллий истиқлол ғоясидаги Ватан равнақи, комил инсон фаолияти,

миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, халқ фаровонлигини таъминлашдаги омиллар ҳақида сўз юритилганда, бу соҳаларни юксак маънавиятли кишиларда акс этиши ҳақида фикр юритилади. Зеро, истиқлол ғоясининг олий мақсади эзгу ғояларга таянган ҳолда халқни буюк келажагини бунёд этишга сафарбар қилишдир. Ўзбекистон аҳолисини ҳозирги ҳаёт талабларига жавоб берадиган, ғоя ва мустаҳкам иродаси, юксак эътиқоди, эҳтиётли ва ватанпарвар, инсонпарвар шахсларни тарбиялаб вояга етказиш юксак маънавият билан боғланган. Юксак маънавиятга эга бўлган кишилар юқоридаги жараёнларга халқ манфаати нуқтаи-назардан ёндошади.

Иккала фанда ҳам инсонларда эзгу ниятларни таркиб топтирган ғоя мужассамдир. Миллий истиқлол ғояси фани фуқароларда мустақиллик дунёқарашини ва еркин фикр юритиш, мустақил тафаккурга эга бўлиш, соғлом ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам берса, «Маънавият асослари» мазкур фан учун замин тайёрлайди. Шу йўналишда барчани тарбиялашда кўмаклашади. Истиқлол ғояси жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳаракат қилса маънавият асослари фани инсонларда Ватан туйғуси, меҳнацеварлик, инсонпарварлик, саҳоват-яхшилик, поклик, ҳалоллик каби юксак маънавийлик туйғулари назарияларини ишлаб чиқади ва миллий истиқлол ғоясини ёшларга сингдиришни тезлаштиради. Бу фанлар ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик нисбий бўлсада, иккала фаннинг баҳс мавзулари турличадир. Юқорида таъкидланганидек,... ахлоқшунослик фани тушунчаларини баъзилари билан яқин алоқададир. Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги, ахлоқий хислатлари, донишмандлар ҳикматлари, ривоятлар, ахлоқшунослик фанида ҳам ўрганилади. Аммо, бунда уларнинг тарихий келиб чиқиши, мансублик доиралари чуқурроқ ўрганилса, маънавият асосларида эса буларни амал қилишдаги натижаларига кўпроқ эътибор қаратилади. Ёки сиёсатшунослик фанини олсак, у ҳам маънавият асослари билан алоқададир. Сабаби, сиёсат билан шуғулланувчиларнинг маънавияти «Маънавият асослари» фанида муҳокама қилинади. Шу билан бирга, сиёсатнинг ўзи маънавият билан алоқада бўлиб,

жамиятни руҳий ҳолатини шаклланишида бу иккала соҳа муҳим ўринни егаллайди. Жамият сиёсатини тўлалигича қабул қилмаган ва ўз маънавиятини сиёсатдан устун қўйган шахслар кам эмас.

Сиёсатда талаблар ўзига хос хусусиятга эга. Шахсий интилишлар, давлат ва жамият-манфаатларига мос тушмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан ҳақиқий сиёсатдонлар маънавият асосларига эътиборни қаратиб, ундан ўз мақсадларида фойдаланиши зарурдир. Оқилона сиёсат юргизиш учун юксак маънавиятлилик талаб этилади.

“Маънавият асослари” “Диншунослик” фани билан ҳам яқиндан алоқададир. Диншуносликдаги иймон, эътиқод, ҳалоллик, инсонпарварлик, илм, меҳнатсеварлик, яхшилик ва бошқалар тўғрисидаги соҳалар «Маънавият асослари» фанида таҳлил қилинади ва бу соҳалар жамиятнинг маънавий муҳити билан боғланади. Маънавий, диний соҳалар ўзаро муносабатда эканлиги, уларни аксарият қисми мужассам бўлган шахслар, жамиятнинг келажаги “Маънавият асослари” фанида таъкидланади.

Ёки педагогика фанини оладиган бўлсак, бу фан таълим-тарбиянинг назарий асосларини ҳал этиб берса, бу назарияларнинг амалиётдаги тасдиқлари «Маънавият асослари» фанида ўз аксини топади ва ҳоказолар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу фанлар шаклан ҳар хил бўлсада, мазмунан бир-бирини бойитади ва тўлдиради.

1.3. «Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратувчилар юксак маънавиятга ега бўлмоқлари заруриятдир. Зеро, улардан, аввало, ақлли, одобли, меҳнацевар, билимли, сиёсатчи, миллий ғурурли, ватанпарвар, инсонпарвар, ҳалол, қўрқмас, байналмилал, софдил бўлишлари талаб этилади. Бу хислатларни ҳар бир шахсда шакллантириш мазкур фаннинг мақсадидир.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли, Президент Ислом Каримовнинг улкан саъй-ҳаракатлари ёрдамида, дунёвий билимларни ривожлантирган

аждодларимизнинг ҳурмати ва ўрнига қўйиш, илм-маърифат, маънавиятни юксаклигини тараннум этган шахсларни муборак эканликлари ҳақида ёшларга айтиш ва улуғлаш пайти келди. Бунинг учун «Маънавият асослари» фанига мурожат этилади.

Халқимиз миллий ғурурини кўтариш, жамиятнинг маънавий ҳолатини ўзгартиришга олиб келади. «Маънавият асослари» фани ана шу долзарб муаммони ҳам ўртага қўяди ва уни ҳаётга татбиқ этади. Ўзбек халқининг қадимий тарихи, урф-одатлари, қадриятлари ҳақида ҳозирги авлод кўпроқ билишни истайди, бунга ушбу фан ёрдамлашади.

Мамлакатимизда Ватанига ва халқига жонкуяр, мустақил фикрлайдиган, Республика муаммоларини онгли равишда масъулият билан ҳал эта оладиган ижодкор, янгиликка интилувчан, истиқлол ғоялари ва мафкурасига садоқатли авлодни вояга етказиш вазифаси “Маънавият асослари” фанининг диққат марказида туради.

Барча ислохотларнинг тақдири ва уларнинг самараси учун жавоб берадиган, мамлакатимизнинг ертанги куни ва истиқболи учун фидойи инсонларни тарбиялаш борасида устувор давлат сиёсати юритилмоқда. Шу сабабли, «Маънавият асослари» фани дастурида кўзда тутилган мавзулар моҳият жиҳатидан улкан мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу фан мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солишга, миллий истиқлол мафкураси ғоясини тушунтиришга, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга, олижаноблик туйғуларини чуқурлаштиришга, буюк ўтмишга ҳурмат ва порлоқ келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Ушбу фан қадимги Ўрта Осиё халқлари маънавияти шаклланган жараёнларни, ислом динидаги юксак жамият маънавияти ва шахс маънавиятини, Ўрта Осиё ўрта аср фалсафий тафаккуридаги маънавий муаммоларни, Амир Темур ва темурийлар сулоласи давридаги маънавиятни, жадиличилик давридаги маънавият ва маърифатпарварликни, мустамлакачилик ва қарамлик йилларидаги маънавият масалаларини таҳлил қилибгина қолмасдан, уларнинг назарий, амалий жиҳатларини ҳам ўртага қўяди.

Баркамол инсон ҳақида сўз юритганда аввало, маънавият фани унинг қирраларини очиб беради. Шу билан бирга баркамол инсон тушунчаси орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги алоқадорликни ўртага қўяди, таҳлил қилади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлардаги ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини чамбарчас боғлиқлиги ва фарқларини тушунтиришда «Маънавият асослари» фанидан фойдаланилади. «Маънавият асослари» инсонлардаги иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик, меҳнацеварлик хислатларини ўзига хос хусусиятларини, миллий ўзлигини англаш ва уни мустаҳкамлаш, байналмилаллик жараёнларини шахс фаолиятидаги ўрнини, ҳуқуқий жараёнларни маънавиятга таъсирини, умуман шахсни баркамоллик чўққиларига чиқиши йўллари кўрсатувчи фандир.

Асосан, «Маънавият асослари» фани мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг пайдо бўлди. Унинг муаммолари қанчалик қадимий бўлса ўзи навқирондир. У муаммоларни ўртага қўйибгина қолмайди, балки, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг янги замонавий соҳаларини пайдо бўлаётганлигини кўрсатиб беради. Тўғри, XX аср техника тараққиётининг олға қараб боришини таъминлаган бўлса, XXI аср ҳам шундай бўлади. Инсоният қадриятларсиз яшай олмайди. Техника тараққиёти эса инсоннинг маънавий ва ахлоқий муҳитига таъсир этади. Компютер, ракета, видеотелефон, кимёвий дори-дармонлар, асаб системаларининг ўзгариши, экологик жараёнлар, телевидение, космосни ўзлаштирилиши кабилар шулар жумласидандир. Маълумки, инсонлар техника ёрдамида бошқа сайёралар тўғрисида тасаввурларга эга бўлаётир. Демак, инсонлар тафаккури ҳам ўзгараётир. Тафаккур ва маънавият эса бир-бири билан чамбарчасдир. Шу сабабли, айтиш мумкинки, маънавият фанининг мақсад ва вазифалари янада кенгайиб боради, жиддий тус ола бошлайди. Унинг муаммолари ижтимоий ҳодиса сифатида инсон фаолиятининг барча қирраларини қамраб олади.

Оламни салбий ёки ижобий томонга ўзгариши инсон фаолияти билан боғлиқ. Бу фаолият эса маънавиятимиз амалга ошмайди. Табиат ва жамиятнинг ўзгариши инсон руҳияти билан ҳам боғлиқдир. Руҳият ўз навбатида яшаш

шароитлари, инсоннинг турмуш тарзи билан доимий алоқада. Шу шароитларни инсонга мос қилиб яратиш жамият тараққиётига боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг маънавий юксалиши шу жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Ана шу жиҳатлар «Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

2-Мавзу. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси, унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти

2.1 Миллий–маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқиши ва унинг назарий ҳамда амалий аҳамияти.

Мамлакат ва миллий тараққиёт унга раҳбарлик қилувчи етакчига боғлиқ бўлади. Чунки, у мамлакатнинг қайси йўлдан бориши, қандай мақсадларни кўзлаши ва бажариладиган ишларни амалга оширишнинг стратегиясини белгилаб беради ҳамда уни реал ҳаётга татбиқ қилиш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олишга қодир бўлади. Шунинг билан бирга раҳбар учун хос бўлган муҳим хусусияти шундаки, у ўзи танлаган йўлнинг аниқ мўлжалини, унинг келажақда мамлакатни тараққиёт қилдиришига хизмат қиладиган имкониятларни аниқ билиш муҳим аҳамиятига эга бўлади. Бундан ташқари, у ўзи белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш учун мамлакат аҳолисини ўз орқасидан эргаштириш қобилиятига эга бўлиши лозим бўлади.

Мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган етакчи учун яна бир шарти шуки, у ўзи белгилаб берган вазифалар ичидан асосий халқани топа билиши ва уни белгилаб мақсадларни амалга оширишга хизмат қилдира билишига салоҳияти етарли бўлиши лозим бўлади. Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган, етакчи уни тараққий қилдиришга хизмат қилоладиган илмий ғоялар мажмуаси ҳисобланадиган тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишнинг имкониятларини белгилаб бериши талаб этилади.

Ислом Каримов кўрсатилган барча хусусиятлар ва салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган раҳбар бўлганлиги учун ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик вазифаларини аниқ белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг йўналишлари, услубларини ҳамда имкониятларини юзага чиқара олади.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-

маънавий тикланиш устувор ўринни эгаллади. Бу албатта, бежимз эмас. Маънавият жамият тараққиёти, миллий камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади.

Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришнинг миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолда бўлиши кераклигини ҳам илмий-асослаб беради. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлсада, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини кўрсатиб берар экан, “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўғрисида асосий негизга асосланади”,-деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон : Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислон Каримов шундай ёзади:

“Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний кадрятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда. Ўзбекистоннинг янгиланишининг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағшлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.”²

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдишлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, Президентимиз кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизнинг қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислон Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратди. Жумладан, “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”.

Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир”

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон

² Ўша асар.

халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган”².

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган.

“Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”³.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ана шу концептуал ғоялар бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа сифатида белгиланишига хизмат қилиб келмоқда.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб, қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади, “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият инсоннинг, халқнинг жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди....

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, бу билан муаллиф-собик шуролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учунчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий маърифий инқирознинг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий руҳиятининг ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берди.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахс (маънавий баркамоллиги)нинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англлатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

² Ўша асар

³ Ўша асар

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериши алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Шу ўринда бир муҳим масалага аниқлик киритиш лозим бўлади. У ҳам бўлса “Миллий тараққиёт” ва “Миллий тикланиш” тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва мезони масалаларидир. Аслида улар бир-бирларини инкор қилувчи тушунчалар эмас. Аксинча, мерос”, тарихий хотираси ва заминлари мустаҳкам миллатлар учун бу тушунчаларнинг ўзаро уйғун ҳолатигина миллий тараққиётни таъминлайди. Лекин фалсафий категория (тушунча) сифатида ва ўлчамлари (мезонлари) жиҳатдан улар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Миллий тараққиёт –эволюцион характерга эга. У пасидан юқорига томон кўтарилишдан иборат бўлган жараёндир. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашуви ва юксалиши каби ўзлуксиз жараён сифатида намоён бўлади.

Миллий тикланиш эса, миллат тараққиёти тарихимизнинг маълум бир босқичда, маълум бир объектив ва субъектив сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, миллий тикланиш -у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадрятлардан махрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзлигини англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, ҳуқуқлари паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиши яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтиришга қаратилган умуминсоний фаолият ҳисобланади.

Президентимизнинг асарларидаги миллий-маънавий тикланиш ғоясини мазмунини ҳам зўравонлик йилларида меросимизни ўзлаштириш, урф-

одатларимизни, анъаналаримизни ривожлантириш, кадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида бой берилган имкониятларни бугунги тараққиётимизга йўналтириш, ўзимизнинг миллий заминларимиз имкониятларини юзага чиқариш, уларни умуммиллий дунёқарашимизнинг ажралмас қисмига айлантириш борасида ҳар биримизнинг тинмай фидойилик кўрсатишимиз зарурлиги кўрсатиб берилган.

Шунинг учун ҳам Президентимиз дастлабки ёзган асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирилган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага, келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Президентимиз юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор тўйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишга эришиш;

- қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш,

- жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни вояга етказиш;

- миллий -маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, таҳқиқ, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавият тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

-инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истикболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз “ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва таббаррук тупроқдан буюк алломалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди¹” деб таъкидлайди. Унинг “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир²” деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўзрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жаҳмиат қуришдаги-аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жаҳмият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишига қодир бўлади¹, деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатинда миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб берди: “... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарвар ва одамийлик

¹ И.А. Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998. 3-4-бетлар.

² Ўша асар 5,10 - бетлар

¹ И.А.Каримов Жаҳмиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.; “Ўзбекистон” 1998, 2, 4,15-бетлар

фазилатлилиги пайванд қилишлик, олий жаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур²”лигини белгилаб берди.

Жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳти билан қаршилиқ кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда кўрилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидоийлик билан меҳнат қилишларини талаб қилади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият тафаккурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни муваффиқиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди, ҳамда уни муваффиқиятли амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. Олий Мажлиснинг IX-сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлайди: “Лунда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”.¹

² Ўша асар. 15-бет.

¹ Баркамол авлод орзуси. Т: “Шарқ”, 1999, 9-бет.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, рухан баққуват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидоий ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлод назарда тутилади. Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бериши тезлашади.

Миллий тараққиёт учун яна бир қонуният ҳам борки, жиҳонда эришилган ютуқлардан ва тажрибалардан фойдаланишга ҳаракат қилмаган миллатнинг ўзи ҳам умумжаҳон цивилизациясига ўзининг ҳиссасини ҳам қўшаолмайди.

Шу маънода ҳам Президентимиз миллий-маънавий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида жаҳон халқларининг маънавий тараққиётида эришган ютуқларидан кенг фойдаланишимиз, уларни кенг ўзлартиришимиз зурурлигини илмий асослаб берган.

У Ўзбекистонда ишлаб-чиқилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепциясига ёзган сўз бошисида “.... мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган тахликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун

жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан”², - деган ғояни таъкидлади.

Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятимизнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонларини ҳар томонлама қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этган.

Унда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Китобда бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вижудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, асарда маънавият соҳасидаги долзарб муаммолар ва вазифалар теран таҳлил этилиб, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар қилиш ҳамда бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этиши қайд қилинган.

Асарда ер юзида турфа миллатлар, турли эллатлар, халқлар, давлатлар бўлгани каби, инсонларнинг табиати ва хусусиятни ҳам турфа экани, уларнинг бир-биридан фарқли ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, маданияти борлиги ва уларнинг барчаси ранг-баранг маънавиятларни шакллантиришга хизмат қилиши ҳаётий мисоллар орқали тарихлил этилган. Бу дунёда ҳаёт бор экан, турфа хил одамлар, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзаро тафовут ва зиддиятлар сақланиб қолавериши, турли дунёқарашлар, оқим ва йўналишлар мавжудлигини табиий бир ҳол деб қабул қилиш зарурлиги атрофлича асослаб берилган.

Муаллиф маънавиятини шакллантирадиган асосий мезон бўлган маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти, инсон ва жамият тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланган маънавий ва моддий ҳаёт муштарклиги, айнан ушбу тамойиллар бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши ҳамда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилишини асослаб берган.

Асарда маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, бу борада асрлар давомида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган муҳим масалалар, масалан, одамларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятидаги моддий ҳамда маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрганилган. Миллий ғоя ва маънавият, мафкуравий жараёнлар ва маънавий ҳаёт ўртасидаги диалектик боғлиқлик, ўзаро ҳамоҳанглик, давлат ва жамиятнинг олий мақсади халқнинг, инсонларнинг ҳар томонлама фаровон ҳаёт кечиришдан иборат экани билан боғлиқ долзарб вазифалар таҳлил қилинган.

Айни пайтда китобда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга экани, глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашишнинг аҳамияти, ҳозирги дунёнинг геополитик, иқтисодий-ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасидаги ўзгаришлар ҳар томонлама таҳлил этилган.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепциясининг амалий аҳамияти шундаки, у бугун миллий ва жаҳон маънавияти тараққиёти эҳтиёжларини ўзида тўла ифода эттирган бу ғояда миллийлик ва умуминсоний маънавияти уйғун ҳолда асосланган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимиз барқарор жараён сифатида намоён бўлиб келмоқда. Бу ўз

навбатида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий- маънавий тикланиш концепциясининг ҳаётилилигини тасдиқлади.

2.2. Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамияти

Маънавиятнинг инсон ва миллат камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳияти, мазмунини илмий таҳлил қилишни тақозо этади. Чунки, маънавиятнинг моҳияти ва мазмунини билиб олмасдан туриб, унинг инсон, миллат, халқ ва жамиятга кўрсатадиган таъсир имкониятларини ҳам аниқ тасаввур этиб бўлмайди.

Маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ҳамда шаклан ва мазмунан уйғун ҳолатда ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди.

Уни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидан миллий тафаккур тараққиётимизда янги йўналишдир. Бу йўналишининг пайдо бўлишини ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг - асарлари, рисоалари, маърузаларида маънавият тушунчаси моҳияти очиқ берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиқ берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президентимиз миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”даёқ маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиқ бериб, шундай ёзган эди: “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди”¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993. 78-бет.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президентимиз яна маънавийни ривожлантириш масаласига қайтиб шундай ёзади: “Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар –ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислохотлар- қуллик, муътелик исканчасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда”². Яни бу ерда Президентимиз ўтказилаётганг ислохотларнинг асосий томонини миллий-маънавий тикланиш ташкил қилишни таъкидламоқда. Уларнинг бу ғояларига мувофиқ қуллик, муътелик исканжасидан озод бўлган, ўзининг кимлигини англаган, миллатининг ўзлигини тараннум этган инсонгина мамлакатнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш мумкин.

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: “Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”¹. деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол фидоийлик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз “Маънавият- тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак”²лигини таъкидлайди.

Президентимиз асарларини кунт билан ўрганиб борар экансиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамыз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитилган жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган

² Ўша жойни кучириш 202-бет.

¹. Қаримоа И.А.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993. 78-бет

² Ўша жой 79-бет.

янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” маърузасида маънавият тушунчасига қўйидаги фундаментал таърифни беради. “Маънавият... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли бойитиш куч...”³ дир.

Бу тариф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс эттирилган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта куч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятимизнинг жамиятини ривожлантиришидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қўйидаги фикрларининг моҳиятини тушунтириб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз, миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.”¹

Ҳақиқатдан ҳам маънавий қашшоқлик билан ҳеч қачон миллат иқтисодий ва ижтимоий сиёсий тараққиётга эриша олмайди. Маънавият ҳар қандай тараққиёт учун манба бўлиб хизмат қилади. Чунки маънавият қанча юксак бўлса, қилинадиган ишларнинг самарадорлигини ва унуми ҳам шу даражада юксак бўлди. Маънавият орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини қувонч ҳамда тараққиёт оламига айлантиришга эришади.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., “Ўзбекистон” 1999. 17-бет.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.Т., “Ўзбекистон” 18-бет.

Шу ўринда ҳам Президентимиз маънавиятни ислоҳ қилишни биринчи даражали вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга ошириши керак бўлган ислохотларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан у “Флодокор”, газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: “... авваламбор ёшларимизнинг имон-этикодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашга эришишдир”²

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ана шу қўйилган вазифаларнинг амалга оширилаётганлиги миллий-маънавий ривожланиш борасида катта мувоффақиятларни қўлга киритишимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, эришилган ютуқлар Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепцияси бугунги давр учун яна ҳам катта амалий аҳамият касб этмоқда. Чунки тараққиётимизнинг бугунги босқичи маънавиятни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини яна ҳам ошириб бормоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга.

Иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона ҳатти-ҳаракатларига қарамасдан миллий-маънавий

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси –халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон”, 2000. 12-13-бетлар.

меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўровонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

Учичидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий-маънавиятни сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишига, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фидойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беришга;

Тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, “маънавият” тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини белгилаб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган “куч-билим ва тафаккурда”-деган илмий ва амалий аҳамиятига эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимизга;

Бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар қўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлигини англашимизга;

Олтинчидан, талаба-ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб вазифаларни

шакллантириш-мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушиниб етишимизга;

Еттинчидан, миллий истиқлол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгилашимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиши концепциясининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти фақат юқорида кўрсатилганлар билан чегараланмайди. Унинг халқаро аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир. Бунда қўйилган ҳар бир кадам бугунги кунда тоталитаризмдан қутилиб, демократик жамиятни қуриш томон бораётган бир қатор мамлакатларда ҳам миллий-маънавий тикланиш учун катта амалий аҳамиятга моликдир.

2.3. Миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари

Ўзбек халқи салкам бир ярим аср мустамлакачилик зулми остида азоб тортди. Бунинг икки асосий сабаби бор. Мустамлакачилар Ватанимизга тасодиқий бостириб келмаган, асло.

Биринчи сабаб хонликлар салтанати босқичи давлатлар куз ўнгида ички низолар туфайли тобора заифлашиб борди. Буни диққат билан кузатиб бораётган Чор Россияси айнан улар ўртасида низо, нифоқ уруғларини сочиб, бу сиёсатни ўта маҳорат тарзда амалга ошириб борди.

Хонликлардаги сиёсий арбоблар ташқи сиёсат масалалари, давлат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон сиёсатининг йўналиши Туркистон сари бурилаётганлигига, шу билан эртами – ёхуд индин бу сиёсат босқинчилик урушига ўз ўрнини бўшатиб беришини сиёсий зийраклик, мантиқ кучи билан англашдек масъулятдан узоқлашган эдилар.

Туркистонга офат булути бўлиб ёғилган босқин учун Ватанни, давлатни катта жангларга тайёрлай олмаган ҳукумдорлар бу сиёсий хатолар, қондош, диндош ва миллатдош бўлиб, ўзаро тил топиша олмаганликлари учун тарих олдида жавобгардирлар.

Уларнинг мана шу хатолари боис миллатнинг бир ярим аср ғурури топталиб, миллий қадриятлари аёқ ости қилиниб, миллатнинг марду майдон баҳодирлари йўқ қилинди, миллат учун ғам чеккан маърифат эгалари кати этилди ёки ўзга юртларга умрбод сургин қилинди. Биринчи сабаб шу тариқа иккинчи сабабга йўл очиб берар экан, босқинчилар Туркистоннинг хўжайини бўлдилар. Бошқарувнинг тўлақонли зўрлик ва қонли жабр-зулм усули жорий қилинди. Мустамлакачилик тизимининг асосий хусусияти ва шиори адолатсизлик, бўйсинувчи халқларни хору зорлик батқоғига улоқтириш эди.

Нотовон аҳволга тушган халқнинг ҳолини тасаввур қилмоқчи бўлган инсон мозийга боқсин, буюкларидан ажралган, тарихий илдизлари қирқилган, миллий маънавияти қақшатишган, мисли қуриб бораётган дарахт тусига кираётган оломонсифат халқ хотирасига дуоий такбир айта олмаган, қўли қуллик кишанига боғлаган туфайли номлари тақиб рўйхатига тушган улуғларимиз: Имом Бухорий, Хожа Ахмад Яссавий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний. Баҳоуддин Нақшбанд ва яна анча азиз авлиёлар тафаккури ҳосиласи бўлган маънавий хазинамизнинг ҳақиқий меросхўрларидан бебахра қилинди. Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларнинг Ватан, Эл-юрт учун тортган баҳодирлик наъралари мустабид тузум сиёсатдонларига аҳамиятсиз эдигина эмас, балки коммунистик мафкуранинг занифлашувини кучайтирувчи жанговор восита, авлодларни эрк ва озодлик учун курашга чорловчи ҳайқирик, миллатни уйғотувчи акс садо эди.

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий мероси, буюк тарбия воситаси-Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар билан халқимиз ўртасида тиканли майдон ҳосил қилиш ва бу майдон коммунистик мафкуранинг худосизликка асосланган девори билан тусилди. Худосизлик руҳида тарбияланган қалбнинг инсонийлик

харорати йўқолиб, ёввойлик ҳислари шакилланади, ботинийлик ўла боради. Совет давлати исломий иймон-эътиқод бўлоғи, ахлоқи барқ урган не-не улуг алломаларни етиштирган ватанимиз худудини мафкуравий эксперимент, яъни, тажриба майдонига айлантириб, ушбу заминни коммунистик тузумнинг худосизлик муҳити ҳукмрон бўлган чангалзор майдонига айлантирмоқчи бўлдилар. Бу мудҳишликни сезиб қолган миллатимиз фахрлари Муновварқори, Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чулпон, Усмон Носир каби ватанпарвар зотларимизга диндор, миллатчи тамғаси босилиб, қатлга жўнатилди. Бундай адолатсизлик, қонунсизлик, зўравонликларнинг чеки бўлмаган, аксинча эса унинг ижодкори бўлган тузум миллатни ҳам, унинг миллий-маънавий ҳаётини ҳам шафқатсиз давлат террорига мубтало қилди. Уларнинг бу қабоҳатларидан дунё ларзага келди. Мустамлакачи тузумни тарих ва замон рад қилди. Унинг харобалари ўрнида миллий озодлик ва миллий тикланиш байроғи кўтарилди.

Юртбошимиз зиммасига оғир ва ҳаддан ташқари мураккаб вазифалар тушди. Иқтисодий ва сиёсий таназул ботқоғига узоқ мустамлакачилик сиёсати туфайли ботирилган, маънавияти емирилган халқни, Ватанни озод ва фаровонлик кенгликларига олиб чиқиш, миллий тикланишга етакчилик қилиш, демократияга асосланган давлат қуриш, уни чуқур ислоҳот ва янгиланиш жараёнига тортиш каби улугвор ишларга йўлбошчилик қилиш яратганнинг назари тушган давлат арбобибагина насиб этади.

Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлигина маънавий меросимизни, кўҳна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Мустақилликни қўлга киритшимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсат ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб, миллий-маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишимиз борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юртганда уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ Республикамизда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳномалари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллиги. Ахмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланишида бош-қош ўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг турт жилдлик ҳадисалари, Хожа Ахмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” тўплами, кўплаб Қуръони Карим шарҳларига оид китоблар чоп этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари диний қадриятларимизнинг байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак хаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари Муновварқори, Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқаларнинг номлари тикланди, асарлари чоп этилди. Уларнинг таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонланмоқда.

Қатағон йилларида миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида курбон бўлган халқимизнинг ана шу севикли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шахидлар хиёбони барпо этилди. Бу ўзликнинг англашнинг тарих билан уйғонган миллат таржимаи ҳолининг мустақиллик кўзгусида намоён бўлишининг бир қаррасидир.

Узоқ ва бой тарихимиз ҳамда маданиятимиз, шунингдек маънавиятимизнинг илдизи қадим мозий қаърига бориб тақалишидан гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик тўйининг ўтказилиши жаҳон шаҳарсозлик маданияти тарихининг ибтидоси сифатида ҳам эътироф этилган эди. 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 - 2006 йилда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 Қарши шаҳрининг 2700 , Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилон шаҳрининг 2000 ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тўйларининг жаҳон миқёсида нишонлаши маънавиятимиз томирлари нақадар бақувватлигининг далиллариidir. Авестонинг 3 минг йилликка яқинлашган ёши цивилизация уфқларимиз мозий тонгида бўй кўрсатганлигидан далолат.

Ўзбек тилининг давлат тилига айланиши борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларнинг номланишида тарихий ҳақиқат тикланди. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима этилмоқда. Мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг, давлатимизнинг кадр-қиммати мустаҳкамланди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини русийзабон ёшларининг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мустақиллик йиллари маънавиятимизнинг муҳим буғини ҳисобланган таълим ва тарбия тизимига миллий руҳ бағишлашда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси, бевосита раҳбарлиги остида “Таълим тўғрисида” Қонун ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши миллий маънавиятимизнинг юксалишида, мамлакатимизнинг

келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллатимизнинг обрў-эътиборининг ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг иқтидорли ёшлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олмоқда. “Махалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, Нуруний, “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” каби жамғармалар ҳам Президентимиз ташаббуси билан вужудга келди. Улар бугунги кунда таълим, тарбия ва миллий маънавиятимизни ривожлантириш ишларига катта ёрдам бермоқда. Энг муҳими бугунги кунда мустақиллигимиз таъминланди, миллатимиз кадрини, ғурурини, ор-номусини, миллий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги ҳаракатимиз Президентимиз раҳнамолигида ҳақиқатга айланди. Бу муваффақиятларимиз ўтмишда фақат орзу эди, холос. Қилинган ишлар, маънавий меросимизни ўзлаштириш, миллий ўзлигимизни англаш ва бошқа кўплаб маънавий ҳаётимизда содир этилган ўзгаришлар мустақиллигимизнинг меваси ҳисобланади.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш борасида қўлами жиҳатдан жуда катта вазифалар турибди. Биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти – орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”¹

Юқорида келтирилган ютуқларни қўлга киритишимиз адолатли равишда Президентимиз номи билан боғлайди.

Миллий – маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қуйидаги илмий жиҳатдан янги назарий концепция яратганлигида намоён бўлди.

¹ Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1997. 9-бет.

Улар: а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг ххī асрдаги вазифаларини белгилаб берганлигида;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлигида ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигида ҳам намоён бўлди.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган барча ишлар халқимизнинг каддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз абадийлигини мустаҳкамламоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимиз ишлаб чиққан концептуал ғояларни чуқур ўзлаштириш ва уни реал ҳаётимизга татбиқ қилишда фидоийлик кўрсатиш, мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлаш катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий-маънавий деганда нимани тушунасиш?
2. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
3. Ислом Каримов томонидан “маънавият” тушунчасиги берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
5. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимизда Ислом Каримовнинг хизматлари нималардан иборат?
6. Нима учун Ислом Каримов маънавиятни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қарамокда?
7. Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон ХХІ асрда маънавиятни ривожлантиришнинг қандай вазифалари белгилаб берилди?
8. Миллий-маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантиришнинг мукамал ғоялари Ислом Каримовнинг қайси асарларида асослаб берилган?

3-Мавзу. Миллий маънавият назариясининг шакллантирилишининг умумметодологик асослари

3.1. Миллий ғоя, мафкура ва маънавий уйғунлик

Миллий ғоя - миллатнинг етакчи мақсади, “халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ”. Бу мақсаднинг аниқ ифодасини Президент И.А.Каримов 2000 йил 8 июндаги “Фидокор”газетаси мухбири билан суҳбатида шундай баён қилади:

“Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади – ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.

Юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш. Ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида, муносиб ўрин эгаллашига эришиш”.

Бунинг учун сиёсат соҳасида, иқтисодий ва маънавий йўналишларда нималар қилиш лозим эканлиги тўғрисида ҳам ўша суҳбатда батафсил жавоблар берилган.

2008 йили нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли рисоласининг “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш”деб аталган иккинчи бобида Президент Ислам Каримов миллий ғоянинг янада мукаммал таърифини беради:

“Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.”

Дарҳақиқат, миллий ғоя 130 йиллик асоратдан қутулиб, мустақилликнинг ойдин йўлига чиқиб олган, ҳаётида эркинлик сари туб ўзгаришларни дадил амалга

ошираётган миллатнинг бош мақсади, интилиши. Уни Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бир жумлада ёрқин ифодалаб берган эди: *“Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш”* Бу - ўз иззати ва қадрини билган миллат ўзини ҳам ҳўрлатиб қўймайди, ўзгаларнинг ҳам ҳўрматини жойига қўяди, дегани. Ўзбек доим жаҳон сахнасида ўзининг салмоқли мавқеига эга бўлиб келган халқ. Жаҳон тарихини ҳолис варақлаган одам бунга амин бўлади. Айни шу сабабдан элимиз бағрикенглиги билан машҳур. Аму ва Сир оралиғида доимо турли элат, турли эътиқод вакиллари иноқ-иттифоқ яшаб келишган. Агар урушган бўлса, сулоалар урушган, ака-укалар тахт талашган, халқлар ёки миллатлар эмас. Аجدодларимиз қўшни халқлар маданиятига, турмуш тарзига эътибор билан қараган, ўзларидан мерос қолдирган ўлмас маънавий обидаларни турли тилларда яратишган. *“Ўз кучига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади”*, дейди Президент.

Миллий мафкура миллатнинг фикр майдони, унинг асрий орзулари, келажак режаларининг муназзам бир ифодасидир. Маънавиятимиз анъаналаридан келиб чиқиб, тушуниб етишимиз лозимки, биз ишлатадиган *“мафкура”* сўзи совет даври тарғиботчиларининг тилидан тушмай келган *“идеология”* тушунчасининг айний таржимаси эмас. Мафкура - фикр майдони, уни хоҳ тор қолип қилиб олинг, хоҳ жаҳон цивилизацияси ва миллий маънавиятимиз қадриятларини уйғунлаштирувчи кенг тафаккур олами сифатида ёндошинг. Албатта, ҳар бир ижтимоий тоифанинг, сиёсий ҳаракатнинг, гуруҳнинг ўз мафкураси бўлиши мумкин. Бу табиий ҳолат. Аммо миллат мафкураси унинг таркибига кирувчи барча тоифалар ва гуруҳларнинг мақсад йўналиши, тафаккуридаги энг умумий томонларни бирлаштиради. Унинг аҳамияти ҳам шунда. Элни Ватан манфаати бирлаштиради, деган қутлуғ ибора бор. Миллий истиқлол мафкураси бизга эл-юртимиз, Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчимизни теран англаб етишимизга ёрдам беради, ёш авлоднинг ҳар бир вакилини ҳақиқий миллат фарзанди бўлиб улғайишига қўмаклашади. Миллий истиқлол мафкураси қонун моддаси кучи билан эмас, маънавий камолот орқали эришиладиган ҳидоят йўлидир.

Мустақилликнинг иккинчи йилида асосий қонунимиз қабул қилинди. Унинг иккинчи боби 12-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас,” деб ёзиб қўйилган. Етмиш йил тоталитаризм жабрини тортган халқимиз бу қонданинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунади. *“Узоқ ва яқин тарихдан яхши маълумки,- деб таъкид этади Президент,- бирон мамлакатда, бирон давлатда яккаю ягона зоя ёки мафкура ҳукмронлик қилар экан, бу жамият, бу давлат, албатта инқирозга юз тутади.”* Чунки ҳаёт доимо ўзгаришда, ривожланишда. Инсон тафаккури, унинг интилишлари, олдига қўйган мақсадлари ҳам доимо ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу сабабли унга ҳарқандай ғоявий, мафкуравий таъйиқ ўтказишга уриниш акс таъсир кўрсатиши, нохуш оқибатларга олиб келиши табиий. Қолаверса, жамиятнинг ривожланиш жараёни ҳам ундаги етакчи тамойилларнинг вақти-вақти билан янгиланиб, ўзгача маъно, ўзгача таркиблар ҳосил қилиб туришини тақозо қилади. Ундаги ижтимоий тоифаларнинг мавқеи ва аҳамияти ҳам турли даврларда турли ҳолатда бўлади. Шунга мувофиқ сиёсий кучлар нисбати ҳам муайян ўзгаришларга учраши мумкин. Шундай экан, ҳеч қайси мафкура, жумладан, хатто миллий мафкура ҳам ҳаётини эҳтиёжлардан узоқлашиб, қотиб қолган ақида ҳолига тушмаслиги учун *“давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак”*

“Миллий истиқлол мафкураси халқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак”,- дейди Президент. Миллий мафкурани ўзлаштириш, бир томондан, тафаккуримизнинг миллий маънавиятимиз илдизларидан мунтазам озиқланиб, қувват олиб туриши билан боғлиқ. Иккинчи томондан, жаҳон маданияти самараларидан баҳраманд бўлмаган, замон руҳини ҳис қилмаган одам ҳеч қачон миллий мафкуранинг моҳиятини яхши англаб ета олмайди. Чунки одам ўз қудратини тўғри белгилаши учун майдонга чиқиб, мардлар билан куч синаши керак. Шу икки жиҳатнинг уйғунлигига эришиш миллий мафкурани ҳар бир инсон руҳида воқеан

шакллантириш бўлади. Асли миллий мафкура йўқ жойдан сунъий ҳосил қилинмайди, аллақандай кабинетларда ўтириб тўкиб чиқарилмайди. Бу ҳақиқатни Президент Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида 1994 йил ёзида сўзлаган нутқидаёқ батафсил тушунтириб берган эди. Унда исломий қадриятлар, маънавий мерос, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш ҳақида сўзлаб, Юртбошимиз яқин ўтмишдаги қарамлик мафкурасидан халос бўлиш учун *“ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш вазифамиз”* эканлигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик 2000 йил 6 апрелда Оқсарой қароргоҳидаги суҳбат асносида бу ҳақда мукамал таъриф шаклланди. Президент унда юқоридаги фикрни батафсил ифодалаб айтдики, *"миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараш ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор."*

Миллий мафкуранинг маънавиятга нисбати қандай? Бу нисбатни тўғри аниқлаш учун яна бир нарсани эътиборга олиш лозим бўлади. Мустақиллигимизнинг уч асосий жиҳати мавжуд. Сиёсий мустақиллик, иқтисодий мустақиллик, маънавий мустақиллик. Буларни бир-биридан жудо қилиб бўлмайди. Аммо ҳар бирининг ўзига хос масалалари ҳам бор. Биз уларни кейинроқ яна батафсил кўздан кечирамиз. Ҳозирча таъкидлаш ўринлики, сиёсат, иқтисод ва маънавият соҳаларида бизнинг бугунгача эришган ютуқларимиз даражаси баробар эмас. Ундан ташқари ҳар бир соҳанинг моҳиятидан келиб чиқсак, миллийлик унсурининг салмоғида ҳам фарқ бор. Демак, дунё халқлари тажрибасидан биз ўрганишимиз, балки бевосита ўзлаштиришимиз керак бўлган нарсалар турли йўналишда турлича миқёсда бўлиши табиийдир. Шундай экан, миллий мафкурамиз тизимини фақат ёки асосан маънавий меросимизда мавжуд

кадриятларга боғлаб қўйиш воқелик талабларига тўлиқ жавоб бериши қийин. Чунки мафкурамиз, яъни келажак режаларимизни белгиловчи ва аниқлаштирувчи мақсад йўналишларимиз тизимида юқорида санаб ўтилган ҳар уч йўналиш: сиёсат, иқтисод ва маънавият соҳасига оид муаммолар барчаси ўзаро уйғунликда камраб олинади. Маънавият шулар ичида фақат бир йўналишдир. Албатта, жуда муҳим йўналиш, асли маънавият масалаларини ечмай туриб, на иқтисодий, на сиёсий вазифаларимизни тугал ҳал қилиб бўлмайди; аммо барибир уч йўналишнинг бири, холос. Иқтисод ёки сиёсат соҳаларидаги долзарб юмушларни ҳам ҳеч қачон, ҳалқ маънавиятини талаб даражасида юксалтириб олиб кейин амалга оширамиз, деб орқага ташлаб бўлмайди. Бу соҳалар бир-бири билан олдин-кейин эмас, бир пайтнинг ўзида, тенг ривожлантирилиб бориладиган соҳалардир.

Қарамлик даврида марксизм фалсафаси тоталитар тузум имкониятларидан фойдаланиб, ягона ҳақиқатга даъво қилиши оқибатида унинг методологик асоси қилиб олинган диалектика хусусида ҳам бир тарафлама тасаввурлар шаклланди. Собик “СССР” ҳудудида диалектикадан бошқа методлар ғайри илмий деб эълон қилинди. Файласуфларимиз Форобийдан ҳам «диалектика» топишди, ўша даврларда. Асли бу ерда атамаларни чалкаштириш бор, холос. Қадим Юнон фалсафасидан ислом илмига ўтган нарса – «илми жадал», шунинг юнончаси «диалектика» дейилади. «Илми жадал» - баҳс мантиғи, ўзига хос илмий баҳс юритиш методологияси. У барча фанлар учун «ягона» методологик замин бўла олмайди.

Аммо методология муаммоси барибир илмий воқеликда мавжуд, ундан қутулиб бўлмайди. 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётининг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, илмий-фалсафий ва маънавий асослари бўйича номзодлик ва докторлик илмий даражалари, доцентлик ва профессорлик илмий унвонларига даъвогарлар учун махсус имтиҳонлар киритилди. Бу бежиз эмас. Маълумки, ушбу фаннинг асосини Президент И.А.Каримов асарлари ташкил этади. Демак, Президент асарлари мамлакатимиз миқёсида бугунги кун ижтимоий фанлар соҳаси учун

методологик замин бўлиб хизмат қилиши назарда тутилмоқда. Бу тўғрими? Ниҳоятда тўғри. Чунки Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини И.А.Каримов эълон қилди. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли концепциясини И.А.Каримов ишлаб чиқди.

Президент И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган ғоялар ва қарашлар бугунгача миллатимиз ва бутун инсоният босиб ўтган тараққиёт йўллари тажрибасини имкон ва зарурат даражасида ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Демак, унинг асарларида таклиф этилаётган методологик асослар ҳам бугунгача башарият илми эришган ютуқларга бегона эмас. Шу билан бирга бизнинг йўлимиз муайян даражада ўзига хос ички яхлитликка эга ва бирор-бир замон ва маконда ишлаб чиқилган методологик асосларнинг ҳеч бирини ҳеч қандай ўзгаришсиз, тақлидий шаклда бугунги биздаги ижтимоий илмга бевосита пойдевор қилиб, кўчириб олиб келиб, ўрнатиб бўлмайди. Қиёсий таҳлил учун жалб этиш бошқа нарсас. Нега шундай? Чунки ҳар бир миллатнинг тарихи, маънавий қиёфаси, устун қадриятлар тизими бетакрордир. Аллоҳ шундай яратган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президент Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўли асосларини ишлаб чиқар экан, биринчи марта “*дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаши андазалар йўқ*” эканлигини эътироф этиб, ўзимизнинг миллий “*бетакрор яхлит андазамизни ишлаб чиқиши*”ни мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун миллий тафаккур анъаналаримизни инсонлар онгида қайта тиклаш зарур эди. “*Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислохотлар муваффақиятга эришади*”, деб таъкидлади Президент. Асосий қонунимизни яратиш жараёнида ҳам шу жиҳатга катта эътибор берилди. Шу сабабли мустақил Ўзбекистон Конституцияси “*умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, Амир Тимур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради*”.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи умумметодологик асослар Президент И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган бўлиб, қуйида биз ушбу асосларнинг ўз мавзуимизга бевосита алоқадор бўлган баъзи муҳим жиҳатларини қисқача кўздан кечириб ўтамиз.

3.2. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий негизлари

“Биз, - дейди Президент, - иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз”. Чунки халқ маънавияти ўнгланмагунча, на ижтимоий-сиёсий жараёнларда, на иқтисодий соҳада жиддий янгиланишлар қувватга кириши қийин.

Маънавият жуда мураккаб, серқирра, шу билан бирга халқ дилига ниҳоятда яқин, тушунарли ҳодиса. Уни, бир томондан, сохта «илмий» мураккаб таърифлар билан мавҳумлаштирмай, шу билан бир пайтда сийқа, одми «тарғибот»га айлантirmaй, халқ онгига тиниқ етказмоқ, ёш авлод руҳига эш қилмоқ лозим. Бунда қандай меъёрларга риоя этиш зарурлигини 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Президенти аниқ тавсифлаб берган эди:

*“Умуминсоний қадриятларга содиқлик;
Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
Ватанпарварлик”.*

Мустақиллик маънавиятининг асосини ташкил этувчи бу тўрт негиз ўзаро чуқур ички уйғунликка эга. Шу билан бирга бугунги кун учун долзарблиги жиҳатидан алоҳида инсон шахсининг ўз ички имкониятларини эркин намоён қилиши масаласи биринчи ўринга чиқиб турипти. *“Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир”*, деб таъкидлади И.А.Каримов 1999 йили 14 апрелдаги маърузасида. Давлатимиз ва Президентимизнинг миллий маънавиятимизни ривожлантиришга эътибори, аслида ва биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг

хақиқий эркинлигини таъминлашга бўлган асосли эътиборини кўрсатади. Чунки ўзлигини англамаган одам, унга қанча имкон ва шароит яратиб берманг, воқеан хур ва озод бўла олмайди. Аммо ўзлигини англаш дегани, ўзининг Ватанга, миллатга, башариятга, Борлиқ ҳақиқатига нисбатини тўғри белгилай билиш дегани, бунга эришиш осонлик билан бўлмайди. “Маънавият асослари” фани айна шу йўналишда билим беришга қаратилган.

Президентнинг миллий маънавиятимизни ривожлантириш ва ёш авлод маънавий тарбиясига эътибори кейинги йилларда ҳам сусайгани йўқ. Унинг 2008 йили “Маънавият” нашриётида чоп этилган *“Юксак маънавият – енгилмас куч”* номли алоҳида рисоласи бунга яна бир ёрқин далилдир. Бу китобда “маънавият” тушунчасига оид Президентнинг олдин билдирган мулоҳазалари ва таърифлари чуқурлаштирилган ва мукамаллаштириб бир тизимга келтирилган, маънавиятни шакллантирувчи мезонлар, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги каби масалалар кенг омма учун тушунарли шаклда батафсил баён қилинган, юксак маънавиятли инсонларнинг ҳаётга муносабатлари ва уларнинг маънавияти саёз, ҳаётга енгил-елпи қаровчи кишилардан фарқи очиқ кўрсатилган. Президент ўз асарида миллий ғоя ва маънавият нисбати, мустақиллик даври жамиятимиздаги миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш жараёни, ислохотларнинг маънавий аҳамияти ҳақидагина эмас, балки бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида маънавий тарбия масалалари нақадар долзарбланиши ва энди бу масалалар фақат миллий ҳудудда чегараланиб қолмай умумбашарий муаммога айланаётганига жиддий эътибор қаратади. Президентнинг чуқур ишончига кўра, бугун биз маънавий тарбия масаласида асло бепарво ва лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ, ижтимоий фанлар соҳасида фаолият олиб бораётган зиё ва илм аҳли бу соҳада жиддий иш олиб бориши ва жаҳон миқёсида авж олиб бораётган маънавий ва ахлоқий жаҳолатга қарши аждодларимиз бизга мерос қолдирган миллий маънавиятимизнинг қудратли кучидан барча маърифий воситаларни ишга солиб унумли фойдаланишлари керак. Дунёдаги энг буюк жасорат

маънавий жасоратдир, деб хулоса қилади И.Каримов ва ёш авлоднинг маънавий тарбиясини Ватан тараққиётининг мустаҳкам пойдевори сифатида баҳолайди.

Айтилганлардан хулоса шуки, ўз миллий маънавиятимизни тиклашга астойдил киришганимиз асло ўзгага ғайирлик маъносини билдирмайди, балки умумбашарий мувозанатни, уйғунликни, демакки, адолатни тиклашга уринишдир. Зотан, уйғунлик бузилса, башар маънавияти ҳам тўқис бўлмайди. Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Маънавият доимо миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарса ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзақ томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Маънавиятнинг юқорида эслаб ўтилган таърифини миллат маънавиятига татбиқ этадиган бўлсак, уни бемалол миллат руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик, деб аташ жоиздир. Шундай экан, айна миллатимизни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи моҳиятлар эмас, балки бирлаштирувчи омиллар миллий маънавият замирини ташкил этади. Фақат бунинг жўн тушуниш ҳам, жўнлаштириб талқин этиш ҳам –хато. Маънавиятимиздаги энг умуминсоний ғоялар ҳам ниҳоятда миллий бир тарзда ўзлигини намоён қилади, улар бошқа миллат маънавияти унсурларидан нусха кўчириш шаклида намоён бўлмайди.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда

олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо бир нарсани эсдан чиқармайлик: биз миллий маънавиятимизни кадрласак, уни ривожлантиришга уринсак, қайсидир ўзга халқлар, сиёсий кучлар, биздан гумондор бўлиши мумкин, бизнинг тилимиз, динимиз, кийган кийимимиз ёки урф-одатларимиз уларнинг дидига ўтиришмаслиги, танлаган мустақил йўлимиз улар назарда тутган қолипларга мос келмай қолиши мумкин деб, ошиқча «андиша»ларга берилсак, демак, бу ҳануз онгимиздаги қарамлик асоратидир. Кўнглимизда Ҳақ нури билан бир ишга жазм қилар эканмиз, ўзгаларнинг ноўрин шубҳа-гумонлари билан ҳисоблашиш, чумчуқдан қўрқиб тарик экмаслик билан баробар.

Европа халқлари ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, аجدодлари қолдирган меросга мос қилиб, илмий андоза ва ўлчовлар яратганлар, таъриф ва тизимлар шакллантирганлар. Агар улар яратган мерос таъсирида, унга эргашиб бошқа бир халқ маданий бойлик ҳосил қилган бўлса (масалан, совет даврида СССР халқлари вакиллари яратган кўпчилик асарларни олайлик), албатта, Европа маданияти андоза ва ўлчовларини унга тадбиқ этса бўлар. Аммо ўзбекнинг миллий тафаккури охириги 70 йилда шаклланган деб бўлмаганидек, бугун энди ижтимоийёт мавзуларида илмий мулоҳазалар юритиш учун онгимизга кечаги зўраки жойлаштирилган сунъий қолиплардан ўйламай-нетмай фойдаланишга уринишимиз ҳам ўринли эмас.

Мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Қандай миллат, қандай халқ бўлмасин, барибир, уни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятларига эга. Аммо уларнинг барчаси Аллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси - бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян

қадриятлар мажмуи ҳам мавжуддир. Бу қадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўр-кўрона инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини жаҳон тарихи тажрибаси кўп марта исботлаган. Албатта, бундай қадриятлар барча инсонлар, барча миллатлар томонидан бирданига, азал-ибтидодан англаб етилган, идрок қилинган деб бўлмайди. Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллатнинг маънавий мулкига айланиши учун асрлар, балки минг йиллар керак бўлди. Хатто бугун ҳам барча инсонлар, барча элат ва тоифалар уларни тугал англаб етган, дейиш қийин.

Масалан, энг асосий умуминсоний қадрият - ҳар бир дунё юзига келган инсоннинг яшаш ҳуқуқини олайлик. Барча илоҳий китоблар инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади, ўзгаларга ноҳақ озор етказмасликка, инсонни нобуд этмасликка чақиради. Аммо инсонлар доимо ушбу даъватга риоя этиб келмоқдами? Қайтага, астаффурулло, ўша китоблар қатидан ўзларига мақбул бўлмаган ўзга инсонларни йўқ қилиш учун фатволар излайдилар, ўзларини “мусулмон”, ўзгаларни “кофир” деб эълон қиладилар. Ҳолбуки, инсонлар эътиқоди ҳақида ҳукм чиқариш фақат Аллоҳга тегишлидир. Аллоҳ ҳатто ўз пайғамбарларига ҳам ўзгалар устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқини берган эмас, Аллоҳнинг расуллари фақат унинг ҳидоятини бандаларга етказишга масъул этилган, яъни пайғом (хабар) элтувчидирлар. “Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг ўзига хосдир”, дейилади Қуръони каримнинг “Анъом” сураси 57-оятда. Атроф-муҳит, табиатга беҳуда зиён етказмаслик яна бир умуминсоний қадрият бўлиб, афсуски, бу ҳам ҳанузгача кўпчилик инсонлар томонидан амалда риоя этилаётган қоидага айлангани йўқ. Инсонлар, одатда, арзимас ҳою-ҳаваслари йўлида ўз келажаклари илдизига аёвсиз болта урадилар. Яна бир умуминсоний қадрият адолат туйғуси бўлиб, ўзбек халқининг “пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга”, деган ўткир рамзий мақоли бу қадриятни кучли бир тарзда ифодалайди. Инсон кофирга ҳам, мусулмонга ҳам, дўстига ҳам, душманига ҳам адолат юзасидан муомала қилиши зарурлиги илоҳий китобларда ҳам очиқ-ойдин баён этилган. Аллоҳ таолонинг “Раҳмон” исм-сифатида унинг Олий

адолати ёрқин ифодасини топган ва бу ҳам инсонга табаррук ибрат бўлмоғи керак. Аммо адолат тарозуси паллаларини доимо тенг тутиш жуда кам одамларга насиб этиб келмоқда. Яратувчилик меҳнати билан шуғулланиб, ўз моддий эҳтиёжларини таъмин этиш ҳам умуминсоний қадрият ва табиий заруратдир. Бу қадриятни тан олгиси келмай, айланиб ўтишга, ўзгалар меҳнати ҳисобидан ўз бахтини қуришга уринган кимсалар ҳам ҳануз керагидан ошиқ учрайди. 130 йиллик асоратдан сўнг янгидан мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз муно-сиб ўрнини эгаллашга интилар экан, аввал-бошдан ўз бахтини ўзгалар ҳисобига қуришга умид боғламасдан, барча халқлар билан тенг, адолатли, дўстона ва самимий муносабатлар ўрнатишга тарафдор бўлиб чиқмоқда, башариятнинг келажаги учун ўзини ҳам бошқалар қатори масъул ҳис этмоқда. Бундай ёндошув ўзбек халқининг минг йиллик маънавий тажрибасига кўп жиҳатдан мувофиқ келади.

3.3. Ижтимоий фанлар методологияси ва миллий маънавий мерос.

Инсон илми ҳеч қачон Борлиқ ҳақиқатининг охирига ета олмайди. Шундай экан, ҳарқандай илм бирор-бир аниқ мақсад сари йўналмаса, чексиз-чегарасиз, ибтидо-интиҳосиз бўлиб қолиб, бирор самарага муяссар бўлиши қийин. “Методология” тушунчаси воқеликни илмий идрок этишнинг айнаи шу муайян мақсадга қаратилган мантиқий тизимини англатади. Маълумки, аждодларимиз - буюк тасаввуф пирлари - Ҳаққа етишишнинг ирфоний йўлларини ишлаб чиққанлар ва уларни “тариқат” ёки “сулук” деб атаганлар. “Метод” атамаси ҳам аслида юнонча “методос” сўзидан бўлиб, “йўл”, “ҳақиқатни англаб етиш йўли” маъноларини ифодалайди. Араб тилида бу сўзнинг муқобили “тариқ” ёки “тариқа” бўлади. “Тариқат” атамасининг келиб чиқиши шундан. Алишер Навоий XV асрда айнаи шу анъанага таянган ҳолда адабиётда “бадий метод” муаммосини ҳал қилиб берди ва “ҳақиқат тариқи”, “мажоз тариқи” тушунчаларини илмий истеъмолга киритди.

Марксизм-ленинизмга сўнгги ҳақиқат деб қараган пайтимизда ижтимоий фанлар соҳаси жуда жўнлашиб кетган эди. Чунки мутлақ ҳақиқатлар аллақачон аниқланган, энди нисбий, иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишгина қолгандай тасаввур ҳукмрон эди. Ҳозир ҳам яқин ўтмишда марксистик фалсафани яхши ўзлаштириб олганлар учун эски андаза ва қолиплардан воз кечиш қийин бўлмоқда. Аммо бугун, кўзимизни каттароқ очиб қарасак, биргина Европа минтақасида шунча кўп бир-биридан кескин фарқ қилувчи фалсафий тизимлар яратилган экан-ки, уларнинг ҳар бирини жиддий англаб етиш учун бир инсоннинг умри ё етади, ёки етмайди. Шундай шароитда собиқ совет даврида кимки марксистик диалектиканинг тарғиботи билан илмий даражаларга эришган бўлса, бугун ҳам кечаги билимларини «илмий фалсафий таълимот» сифатида талабаларга тақдим қилишга уриниши, юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас, қолаверса, бундай “ўжарлик”нинг оқибатини ҳам ўйлаш керак. Кечаги биз бошдан кечирган “савдолар”дан беҳабар ёшларимиз бундай масъулиятсизлигимиз туфайли яна ёлғон “ҳақиқат”ларни чин деб ўзлаштирадими? Бундай методологик чалкашликлар фақат фалсафа эмас, бошқа қатор ижтимоий фанларга ҳам оид бўлиб, 70 йиллик марксистик мафкура асорати уларнинг барчасига ўз “тамға”сини босиб кетганлиги биз катта авлодга сир эмас.

Президент И.А.Каримов ўз вақтида “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида бу ҳақда шундай дейган эди:

“Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятишунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатишунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга. Лекин бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган гоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Афсуски, биз

мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожини замон талабларидан ортида қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиши чораларини кўришимиз лозим”.

Табиий, техник ва аниқ фанларнинг дини, миллати бўлмайди. Ўзбекнинг физикаси, арабнинг химияси, ҳинднинг математикаси деган тушунчалар ўша халқ вакилларининг ушбу фан соҳасига қўшган хиссаси маъносида балки ишлатилиши мумкиндир, аммо қайси халқ вакили кашф этганлигидан қатъий назар, сувнинг химиявий таркиби, бирор ўсимликнинг ривожланиш қонуниятлари, геометрик шаклларнинг хоссалари ёки компьютернинг иш принциплари турли миллатлар учун турлича бўлмайди, Яъни модданинг сифатий хусусиятлари ва миқдорий ўлчовлари объектив ҳодиса бўлиб, эътиқод, анъана, миллий ва ижтимоий ўзига хосликларга эга эмас. Шу сабабли бу соҳаларда эришилган барча ютуқлар умумжаҳон илмига муайян хисса бўлиб қўшилиб бора беради.

Ижтимоий, яъни инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар эса иложсиз равишда ҳар бир минтақа, миллат ва элат, баъзан ҳатто алоҳида ижтимоий тоифа учун ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон тарихини Олмония ёхуд Хитой тарихи принциплари асосида яратиб бўлмайди, ёки рус тили луғатшунослигини араб тили учун ишлаб чиқилган моделлар асосида курсак, миллий тил моҳиятига зид иш қилган бўламиз. Чунки ҳар бир минтақа, миллат ва элатга хос эътиқод тизими, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, маданияти, ахлоқий принциплари бўлади. Масалага янада аниқроқ ёндошилса, ҳатто ҳар бир ижтимоий тоифанинг ҳаётга ёндошувида ўзига хос жиҳатлар бўлади-ки, уларни ҳисобга олмаслик умумбашарий миқёсда оғир оқибатларга олиб келувчи чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Марксизмнинг фақат ишчилар синфи манфаатларини кўзда тутиб (аниқроғи, энг камбағал ва паст тоифали ишчилар, яъни пролетариатнинг муайян бир тарихий шароитдаги нуқтаи назари ва тор доира манфаатларинигина ҳисобга олиб) ишлаб чиқилган дунёқараш тизими бутун жамиятга зўрлик билан татбиқ этилиши натижасида инсоният бошига

қандай кулфатлар ёғилганлиги бу масалада тарихнинг аччиқ сабоғи бўлганлигини эслаш кифоя.

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ(математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий тақомилига татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан ўзини оқламади. Россиядаги крепостнойлик тузуми, Ўрта асрлар Европасидаги феодализм тизими, ёки Юнонистондаги кулдорлик айни ўша ўлка ва минтақаларга хос бўлган бетакрор ижтимоий ҳодисалар эди. Уларни Хитой ёки Ҳиндистондан қидириш ҳеч қачон қониқарли натижа берган эмас. Шундай экан, бугунги кунда яна муайян замон ва маконда туғилаётган долзарб муаммоларга «жаҳоншумул» миқёсда жавоб беришга беҳуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм тарихининг аччиқ сабоқларини бироз инобатга олиб режа тузсак ва ҳаракат қилсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитмай иш тутган бўлур эдик.

Ижтимоий фанлар соҳасида фақат мантиқий таҳлил кифоя қилмайди. Ҳар бир халқ ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, ахлоқий қарашларини назарий ўрганиш учун бошқа халқлар тарихшунослиги, маданиятшунослиги, адабиётшунослиги ва ахлоқшунослигида асрлар давомида ўша халқлар тарихи, маданияти, дини, адабиёти, урф-одатлари тарихий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган принциплар, тушунча ва тимсолларни шундайича кўчириб олиб келиб, ўша бегона қолипларга ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, маънавий ва ахлоқий қадриятларини қандай қилиб бўлса ҳам тикиштиришга уринмай, бу соҳада аждодларининг тажрибаларини чуқур ўрганиши, уларни ўзаро қиёслаб, ҳозирги замон талабларини, кейинги даврда бу соҳада эришилган ютуқлар ёки йўқотишларни ҳисобга олиб, ўзга минтақалардаги аҳволни ҳам назарда тутган ҳолда мустақил қонун-қоидалар, тушунча ва тимсоллар

тизимини аниқлаш ва уни мустақил йўналишда такомиллаштириб боришга ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу, албатта, қийин ва машаққатли изланишлар йўли, аммо бу соҳада осон йўлни қидирган олим охир-натижада халқни гумроҳликка маҳкум қилади.

Президент И.А.Каримов ўзининг янги китобида бу масалага яна алоҳида урғу беради: *“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. “Президент асарида, жумладан, маънавий меросимизга, “умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида”* беқиёс хизматлари сингган она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг боқий меросларига махсус эътибор қаратилади.

Илм хоҳ жузъий масалага бағишлансин, хоҳ умумметодологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлсин, агар холис бўлмаса, илм бўлмайди, реал натижага эришилмайди. Қандай мақсадни олдиға қўйганлигидан қатъи назар, холис изланишларга таянмаган илм - илм эмас. Шу нуқтаи назардан, бир аччиқ ҳақиқатни ниҳоят тан олишимиз керак: собиқ СССР шароитидаги ижтимоий фанлар соҳасида ўтказилган «тадқиқотлар»нинг аксарият қисми ҳақиқий илм эмас, мафкурабозлик эди, холос. Шундай экан, кечагина ўтмиш мафкурасига содиқ хизмат қилиб, турли “илмий” даража ва унвонларга сазовор бўлганлар, ҳеч бўлмаса, ҳали ҳам адабиётчи, тарихчи, ва ҳ.к. бошқа фанлар намоёндаларига беписандлик билан юқоридан қарашга уринмасалар, дунё илмининг ривожига дурустроқ назар солиб, аждодларимиз маънавий меросига жиддийроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилсалар ёмон бўлмас эди. Уларнинг кўпи яхшигина фикрлаш қобилиятига эга одамлар, демак, аниқ мавзулар устида бинойидек тадқиқот ўтказишлари мумкин. Аммо «умумметодологик асосга» ўтганда бир вақтлар хотирага жойлаштирилган эски андаза ва қолиплар яна ўз таъсирини кўрсата бошлаши ишни мураккаблаштиради.

Яқин ўтмишда, яъни қарамлик даврида миллий маънавий меросни ўрганишга қандай ёндошилди, деган масалада баъзан баҳс туғилиб қолади. Баъзилар шундай фикрлашади: “Ахир ўша йиллар давомида ҳам ўтмиш мерос озми-кўп ўрганилди-ку! Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа қатор алломаларнинг асарлари рус ва ўзбек тилларида босилиб чиқди, тадқиқ ва тарғиб этилди. Бу улкан ижодий меҳнат бир неча авлод олимларнинг умр мазмунини ташкил этмадими?” Ниҳоятда тўғри. Устозларимиз бу йўлда чинакам фидойилик намуналарини кўрсатишди. Бугунги миллий маънавиятимизни тиклаш йўлидаги уринишлар кўп жиҳатдан ўша заҳматкаш устозлар яратган залворли пойдеворга таяниб турипти. Аммо айрим инсонларнинг миллат маънавияти йўлидаги фидойилиги билан ҳукмрон тузум ва унинг мафкураси кўзлаган асл мақсад, бу соҳада юритган қатъий сиёсати орасида жиддий фарқ бор эканлигини ҳам бугун ўзимизга ойдинлаштириб олишимиз керак. Биз ўтмишни ёппа инкор қилиш йўлидан борсак, яна “большевикча” иш тутган бўламиз. Ётмиш йил ичида нималар ютдик ва нималарни ютқиздик - унинг сарҳисоби алоҳида. Бу ўринда яхши англаб етишимиз керак бўлган масала шуки, собиқ ҳукмрон тузум ўтмиш меросни ўрганишда ҳам ўз сиёсати, етакчи ғояси, мафкураси илдизларини мустаҳкамлашни ният қилди. Ўзбекнинг асл миллий маънавияти, аجدодларимиз яратган бойлик бевосита уларни ҳеч қачон ва мутлақо қизиқтирган эмас.

Большевиклар диктатураси агар олимларимиз учун ўтмиш аجدодлар меросини ўрганишга заррача имкон берган бўлса, бунинг эвазига улар олдиға улкан шарт ва талаблар ҳам қўйган эдилар. Бир сўз билан “коммунистик партиявийлик” деб аташ мумкин бўлган талабнинг мазмуни шунда эди-ки, ўтмиш меросимизда марксизм ғояларини қувватловчи, бу ғояларнинг кенг халқ оммаси онгига пухта ва мустаҳкам ўрнашувига хизмат қилувчи ҳар қандай нарса топилса, барчасини яққол очиб бериш, тарғиб қилиш, аждодларимиз билдирган фикр ва мулоҳазаларни иложи борица “марксистик руҳда” талқин қилиш, аммо агар нимаики “пролетар диктатураси” ғояларига зид келиш эҳтимоли бўлса рад этиш, инкор қилиш, қора ёрлиқлар ёпиштириш, зарур ҳолатларда эса кўриб туриб

кўрмасликка солиб ўтиб кетиш лозим эди. Меросни ўрганиш ишига марксизм “фалсафа”сини чуқур ва жиддий ўзлаштирган, тоталитар сиёсатга содиқлиги тажрибада исбот этилган, мавжуд тузумга чин дилдан тарафдор кишилар дарға қилиб белгиланар, уларга ҳар бир соҳа тадқиқотчиларининг “диалектик ва тарихий материализм”, “илмий коммунизм” принципларидан заррача ўнг ё сўлга оғишмай бораётганлигини қатъий назорат этиш ва таъминлаш ишониб топширилган эди. Қатағонлар одамларнинг юрагини олиб қўйган, кўплар ҳукмрон “партия” нима деса, “ҳа, шу тўғри экан-да” деб қўя қоладиган бўлиб қолишган эди.

Собиқ тузум даврида аجدодларимиз меросини ўрганиш бўйича бажарилган ишларни баҳолашда унутмаслик лозимки, буюк алломаларимизнинг қарашлари уларда асли ҳолидек акс этган эмас, балки бегона қолиплар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган. Бунинг учун турли усуллардан фойдаланилган. Масалан, оммавий нашрларда уларнинг асарларидаги “коммунистик партиявийлик” қолипига тушмай қолган жойлари (кўпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланиши шундай “усул”лардан бири эди. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аجدодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўғри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатганлар, аجدодларимиз сўзини холис, минтақа маънавиятининг амалий ва назарий тақомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафкура талабларига мос йўналишда талқин этганлар. Натижада ўтмиш меросимиз намуналари билан асл қўлёзмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона ҳукмрон идеология рухсат берган “ҳақиқатлар”дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли беҳабар тарбия топганлар. Бугун зиёлиларимизнинг кўпчилиги маънавий меросни тўғри идрок қилишга қийналаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шунда. Демак, ўтган 70 йиллик даврда маънавий меросни ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг амалий томонлари - нашрлар,

маълумотлар - бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, ғоявий-назарий йўналишлар, талқин ва хулосалар, андаза ва тушунчалар - барчаси жиддий ва диққат билан қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва бу миллий маънавиятимиз назариясини тўғри, аслига мувофиқ шакллантиришда ўта муҳим муаммолардан биридир.

Бугунги кунда диёнат, ахлоқ тушунчалари имон-этикоддан ажралмас эканлиги равшан бўлиб қолди. Аммо ислом маърифати масаласида хануз жиддий хулосага кела олмай, гумон аралаш турибмиз. Онгимизни марксизм ақидалари тугал тарк этмас экан, бу масалада узил-кесил хулосага келишимиз, албатта, мушкул. Чунки туғилганимиздан буён марксистик мафкура бизнинг ёшимиздаги авлодга бирдан-бир ҳақиқий илм - фақат ҳаётни материалистик идрок этишга асосланган илмдир деб уқдириб келган. Яқин ўтмишда шундай ялпи тарғибот таъсирида таълим олган кўпчилик тенгдошларимиз (устозларимиз ҳам) “илм бошқа, дин бошқа” деган ақидани тарк этишга ботинмай туришипти. Диний илмларни ҳақиқий илм қаторига қўшиш мумкинлигига шубҳалари тўлиқ тарқаган эмас. Туппа-тузук академикларимизнинг китобларида бугун ҳам Пайғамбаримизга “ваҳий” келишини сиёсий мақсадлар билан изоҳлашга интилиш кузатилади. Аслида эса илм фақат ақлга таянмайди. Айниқса, ижтимоий соҳа, маънавиятга алоқадор соҳаларда ақлий ва нақлий илмлар мутаносиблиги муҳим ўрин тутди. Бизгача ўтмишдан етиб келган китоблар ҳам икки тоифа – 1) илоҳий матнларга таянувчи, яъни “ваҳий” орқали етиб келган, 2) инсоний матнлар асосидаги, яъни инсонлар ижод этган китоблар. Булардан биринчиларининг мазмуни азалий ва абадий моҳиятга туташади, иккинчилари эса муайян замон ва маконда яшаб ўтган инсонларга тегишли бўлгани туфайли, айна ўша замон ва маконнинг таъсиридан холи эмас, яъни уларга мутлақ ҳақиқат сифатида ёндошиш нотўғри бўлади. Масалан, Қуръон оятлари мазмуни ўзида мутлақ ҳақиқат сирини яширгандир, аммо унинг турли тафсирлари муфассирлар шахси билан, уларнинг турлича талқини билан боғлиқ. Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳақ йўлида қилинадиган ҳар қандай илм ҳақиқий илмдир ва у инсон руҳини поклашга

хизмат қилади, илмда ҳақиқатдан ҳар қандай чекиниш эса жаҳолатга олиб келади.

Илмларни турларга ажратадиган бўлсак, масалан, мақсад йўналишига кўра фарқлаш мумкин. Шунда дунёвий мақсадларга йўналган ёки ухравий (охиратга, яъни бу дунёдаги фаолиятимизнинг у дунёдаги оқибатига оид) мақсадларга йўналган илмлар ҳақида гапириш мумкин бўлади. Диний ва дунёвий илмлар дейилганда биринчи навбатда айти шу масалани назарда тутиш керак. Масалан, Имом Ғаззолий фикҳ илмини (ислом ҳуқуқшунослигини) диний манбаларга таянувчи дунёвий илм деб ҳисоблайди, чунки унда мусулмон кишининг бу дунёга оид ишлари ҳақида гап кетади. Ғаззолийнинг “Ихёи улум ад-дин” китоби эса мўминнинг диққатини охират ишига қаратади, яъни “Илм китоби”да аллома назарда тутган “муомала илми” инсонлар аро муомалага эмас, банданинг Аллоҳ билан муомаласини тўғри йўлга қўйишга қаратилган, бу эса бугунги кун тилида “ислом маънавияти” тушунчасига тўғри келади.

Ислом минтақасида “филология” ва “герменевтика” га оид фанлар жуда қадимдан кенг ривожланган ва муайян маънода барча инсон ва жамиятга оид фанларнинг аввалига қўйилган. Бунинг асосий сабаби илоҳий китобларга ва маънавий меросга айрича аҳамият билан боғлиқ бўлиб, Янги давр Европа одами илмда ҳам, бадиий ижодда ҳам кўпроқ оригиналликка, бетакрорликка интилса, Ислом минтақасида ҳар бир алоҳида инсон ўз билимларини ягона ва чексиз (ғайбга уланиб кетувчи) Борлиқ ҳақиқатининг жузвий қисми, хусусий шарҳи деб ёндошган. Европада ҳар бир шахс ўз фикрини ўзгалар қарашидан фарқ қилиб туришига эътибор қаратса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра ҳар бир улуғ аллома ўзи англаб етган ҳақиқатларни илоҳий калом ва ўзидан олдинги ўтган салафларга аён бўлган ҳақиқатлар билан уйғун жиҳатларини таъкидлашга уринган. Бунинг натижасида, баъзан Европа кишилари Шарқни оригинал (янгича) фикрлай олмасликда айблаш сингари ҳолатлар ҳам учрайдики, бу ҳаётга ёндошувдаги ўзига хосликларни тушунмасликдан келиб чиқади.

Аслида маънавиятга оид фанларнинг методологияси масаласи аллақачон улуғ аجدодларимиз томонидан ҳал қилинган. Бу илм ва имон бирлиги,

аниқроғи, нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги, яъни илоҳий китоблар ва аجدодларимиз меросида баён қилинган, тарихий тажрибага асосланган билимлар билан рационал (мантикий) тафаккурга асосланган хулосаларнинг ўзаро мувофиқлигидир.

4-Мавзу. Қадимги ва ўрта аср Осиё халқлари маънавиятнинг шакилланиш жараёнлари

4.1. Маънавият ва маърифатнинг қадимийлиги

Маънавият ва маърифат соҳасида Республикамизда диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётир. Натижада, Ўзбекистон аҳолиси янги инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб вояга етказмасдан туриб эришиш мумкин бўлмаслигини кун-сайин сезиб турмоқда.

Бинобарин, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг.... ўрни бекиёс»¹

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида маънавият ва маърифатнинг ўзаро яқинлиги кўрсатилиб, уларнинг ўз ўрнидаги аҳамиятлари таъкидланган. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги қарорида тарғибот ишларига жиддий аҳамият қаратилиб, «Социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш» назарда тутилган.

Маънавият, маърифат бу бир бутуннинг икки томонидир. Маънавият муайян ижтимоий тузум замирида ривожланади. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичида ўзига хос маънавият хусусиятлари таркиб топганки, уни тарих зарварақларини очиб таҳлил қилганда яққол кўзга ташланади. Маънавият ва маърифат ўша ижтимоий ҳаётда ўз аксини топган ва шу ҳаётга гоҳида салбий, гоҳида ижобий таъсирини кўрсатган. Бинобарин, ижтимоий борлиқ инсоният

¹ И. А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ еътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: "Ўзбекистон", 2000, 26-бет.

хаётида етакчи ўринни эгалласа ҳам аслида инсонларнинг онгли фаолияти, маънавий хислатлари, шу борлиқни ўзгартиришга олиб келган. Шунитаякдлаш керакки, ҳамма вақт ҳам кишиларни моддий тараққиёт юксак маънавиятли қилиб боравермайди. Бой бўлиб кетган инсоннинг ҳаммаси ҳам бирданига юксак маънавиятли бўлган эмас. Инсон маънавияти маълум тарихий, ижтимоий замин асосида, атроф-муҳит, шарт-шароитдан келиб чиқиб такомиллашади.

Маънавият манбалари «Авесто», исломий фикрлар, ўтмишнинг илғор қадриятлари, удумлар, Қобуснома, Темурнома, Зафарнома, Ҳотамнома, Бобурнома, Шайбонийнома, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Синонинг «Донишнома», Баҳовуддин Нақшбанд тариқати, Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари, Амир Темур ўғитлари ва бошқа минглаб асарлар маърифат орқали аҳолига сингдирилган. Демак, халқимиз азалдан маърифатга интилган эканки, бу бебаҳо маънавият масканларини, маданий ёдгорликларни, удум ва қадриятларини кўз қорачиғидай сақлаб келмоқдалар. Гўзал ва нафис обидаларни меъморчилик сирларини эса авлоддан-авлодга ўтказиб, мерос сифатида эъзозлайдилар.

Маънавиятнинг таркиб топиши халқимизга монанд бўлган удумларда ҳам ўз мазмунини топган. Удумларимиз болаларда беғуборлик, ўсмирликда баркамоллик, инсонийликда камолот ва эътиқод каби ҳаётий жараёнларни шакллантиради. Маънавий удумларимиздан турли ўйинлар, ашулалар, кўпқари, кураш, дастурхон ёзиш, ҳашар, фотиҳа қилиш, яхшилик қилиш, ҳайитлар, совчилик, тўйлар, тўёнлар, онт ичиш, иримлар, худойи, хайр садақа, ибодат ва бошқа соҳалар маънавиятни табиий шакллантириш соҳаларидек туйилса ҳам, уларни инсонга сингиши маърифатга бориб тақаладики, бу соҳалар маърифатсиз инсонга сингмайди. Маънавият ва маърифат соҳасидаги узоқлик нисбатандир. Уларни бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Маънавият бирламчи, маърифат иккиламчи дейиш ҳам бу аснода ўринсиздек. Организм яримта бўлмагани сингари маънавият маърифатсиз бир бутун бўла олмайди. Бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги даврда мустақиллигимизни

мустаҳкамлаш даврида, маънавият ва маърифатни юксалтириш ҳамманинг иши ва бурчидир. Алломаларимиз таъкидлаганларидек, «Нажот маърифатдадир». Умуминсоний маънавият билан умуминсоний маърифат бирикканда жамият тараққиёти янада юксалади. Умуминсоний маънавиятлардан узоқлашмаслик маърифатга боғлиқ. Умуминсоний маънавият билан танишиш эса тил билишга боғлиқ. Чет тилларини билиш, ҳар бир маърифат эгаси бўламан деган шахснинг асосий вазифаси бўлмоғи зарур.

Юксак маънавиятли бўлишни орзу қилган инсон қадимий умуминсоний маънавий хислатлар билан ҳам бойиши зарур. Маълумки, жамиятда яратувчиликнинг икки тури мавжуд. Биринчиси моддий яратувчанлик бўлса, иккинчиси маънавий яратувчанликдир. Маънавий яратиш маърифат орқалидир. Жамиятнинг етуклиги маънавият даражасига боғлиқ. Истеъдод эгаларида маънавиятнинг юксак даражалари кўпроқ ўз аксини топади. Улар инсон истеъдодининг турли соҳалари: меҳнати, ҳаракати, қобилияти, ватанпарварлиги, миллат учун жонкуярлиги, ақл идроки орқали намоён бўлади. Бошқаларга таъсир этиб, уларни ҳам маънавий бойитади. Инсон маънавият ва маърифатдан лаззат олади.

Инсонлардаги одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, яхшилик, меҳнасеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик, дўстлик, ахлоқ каби маънавий мезонлар она қорнида шаклланмайди, гарчи бу хислат ва мезонлар инсон боласининг қон томирлари, биологик тил билан ифодаланганда, генларда мужассам бўлган бўлса ҳам, жамият умуман ижтимоий муҳит таъсирида яққол шаклланади.

Бозор иқтисодиётига асосланган, ўзимизга хос шарқона урф-одат, қадриятларга мос инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, давр талабига жавоб берадиган юксак маънавият соҳибларини тайёрлаш - жамият талабидир.

Маънавият сўзи ўта кенг қамровли фалсафий тушунча сифатида, халқимиз онгига эндиликда чуқур сингиб бораётир. Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилганда баъзи кишилар ва ҳатто баъзи бир раҳбар ходимлар ҳам маънавият сўзини маъносини таҳлил қила олмай

эсанкираб қолган пайтлар бўлди. Унинг бой сержило мазмунини тушуниб етмадилар. Бу соҳада олиб бориладиган ишларни пайсалга солдилар. Бундай муносабатлар баралла айтамик, собиқ совет давлати олиб борган сиёсатнинг маҳсули эди. Буни сезган Президентимиз Ислам Каримов яна ташаббусни қўлга олиб маънавият ва маърифатни «бош ҳомийси» сифатида ўрнатди. Тадбирлар ишлаб чиқиш ҳақида йўл-йўриқларни белгилаб берди. Алломаларнинг маънавият ва маърифатга муносабатини истиқлолга эришган ҳозирги давлатимиз аҳолиси ўртасида тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади. Одоблилик, ахлоқийлик, виждонлилик, камтаринлик, табиий-маънавий ҳислатларни янгилаш шакллантирибгина қолмай балки, эндиликда, озодлик қадри, Ватан туйғуси, миллийлик ғоялари ҳам, маънавият қирралари сифатида барчага сингдирилиши ўта зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолди. Янгилаш миллий, умуминсоний маънавий қадриятларни халқ ўртасида тиклаш осонликча бўлаётгани йўқ. Бунинг учун жамият аҳолиси ўта маърифатли бўлиши кераклиги талаб қилинаётир. Тарихимиздан маълумки, маърифат, илм соҳасида ва унинг мазмуни, таъсири, аҳамияти тўғрисида буюк алломалар ҳамиша халқ эътиборини қаратганлар. Масалан, Абу Наср Фарабийнинг «Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон, машаққат, меҳнатни енгади инсон», Абу Ҳамид Ғаззолийнинг «Маърифатнинг энг юқори даражаси инсоннинг ўзини ва мартабасини билишидир», Юсуф Хос Ҳожиб «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим кимда бўлса буюклик бўлар», каби фалсафий фикрлари бежиз айтилмаган. Бас, шундай экан, энди маърифатпарварлик ўзи нима? Унинг маънавиятга таъсири ва муносабати қандай?

Маърифатиз маънавиятнинг кенг қирралари очилмайди, усиз юксак даражадаги маънавиятга эришиб бўлмайди.

Маърифатда инсоннинг ақлий, ахлоқий, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари мужассамлашади. Зеро, бу йўналишлар, инсонларнинг маънавий қиёфасини турли қирралари бўлса ҳам,

буларни маърифий жараёнсиз эгаллаб бўлмайди. Маънавий юксаклилик, маърифат кирраларисиз гўёки япроксиз дарахтдир. Сабаби дарахт танаси япроксиз ривожланмайди, куриб қолади. Маърифат маънавий қиёфага сайқал бериб уни ўткирлаштириб боради. Шу сабабли ҳам инсоният тарихига эътиборни қаратсак, ижтимоий тараққиётнинг барча даврларида бой маънавиятга эга бўлиш учун, ўша даврнинг алломалари, давлат раҳбарлари ўз хоҳишлари билан маърифатли бўлишга интиланлар. Бинобарин, тарихдаги инқилобий ўзгаришлар, янги бир тараққиёт босқичидан иккинчи босқичга ўтиш даврида дастлаб маърифатпарварликдан бошланган.

Инсон бошқа соҳаларда бўлгани сингари ўзининг маънавий ҳаётида ҳам, амалий ва кундалик фаолиятида ҳам, билим, маърифатга таянса, унга интилса тўхтовсиз камол топади, ақлий ривожланади.

Маърифат инсонни озод, эркин ва улуғвор қилиб тайёрлайди. Бинобарин, теварак атрофдаги барча предмет ва ҳодисаларни билиш инсон заковати, ақлига хосдир. Бу билиш кўпинча тажриба орқали амалга ошади.

Амалиётни билим билан такомиллаштириш зарур. Такомиллаштириш ҳам маърифатни қай даражада кучли эканлигига боғлиқ бўлади. Илм-маърифат бор жойда истиқбол бордир. Шунинг учун ҳам ўз замонаси ва халқи учун жонкуяр кишилар Ватанининг фаровонлиги йўлида қурбон бўлганлар. Маънавиятли бўлиш билан бирга маърифатли ҳам бўлганлар. Маърифатпарварлик эса ҳамиша ўз давр тақозосидан келиб чиқиб заруриятга айланган, натижада маърифатли алломалар муаммоларни ўртага ташлаганлар ва уларни амалга ошириш учун тинмай кураш олиб борганлар, жамият учун қайғурганлар, қолаверса эртанги кун равнақини маърифат орқали белгилаганлар.

Маънавият, маърифат тўғрисида фикр юритганда маърифатпарварлик тушунчасига ҳам жиддий эътиборни қаратмоқ лозим. Маълумки, бу сўз ҳам инсоният ҳаётида янгича сўз эмас, юқоридаги инсонийликка хос бўлган тушунчалар сингари қадимийдир, фақат давр ўтиши билан унинг мазмуни, мавқеи янгича тус олган холос. Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларига назар ташлайдиган бўлсак, бунинг айнан тўғрилигига иқдор бўламиз.

Кўпгина олимлар маърифатпарварликнинг Ватани бу Ғарбий Европа мамлакатларидир деган тор фикрни ўртага ташлайдилар.

«Европацентризм» деб аталувчи оқимнинг фаолиятига бир ёқлама баҳо бериб уни қўллаб қувватлайдилар. Аслини олганда эса, маърифатпарварликнинг илдизлари (бошқа соҳаларда бўлгани сингари), Шарқ мамлакатлари, айнан, Марказий Осиё мамлакатлари донишмандлари фаолиятига ҳам бориб тақалади. Лекин, баъзилар маънавият ва маърифат муаммолари, яъни фан, санъат, адабиёт, философия, маданият европадагина ривожланган деб тарғиб қиладилар, уларнинг фикрича, тараққиётнинг маркази ҳам Европадир. «Евроцентризм» оқими рим-юнон тараққиётидаги маънавий, марказий «папачилик» деб юритилувчи католиклар фикрларига қарши чиқиш натижасида пайдо бўлган бўлиб, кўпроқ немис файласуфи Георг Гегел (1770-1831) таълимотида яққол кўзга ташланади. Бундай қарашга ўз вақтида «востокоцентризм» тарафдорлари қарши чиқиб «Европацентризм»ни салбий томонларини очиб ташлаганлар. Ҳатто, европалик олимларнинг ўзлари жумладан, Монтеске, Готфрид, Волтерлар маънавий ривожланиш ҳар бир миллатга тааллуқли ва уни ҳар бир миллат ривожлантиришга қодир деб, чиқдилар. Умуминсоний қадриятлар барчага тааллуқли эканлигини тарғиб қилдилар. Ҳақиқатда эса инсоният даврини илк бошланишидаёқ Шарқ, умуман, Осиё мамлакатларида йирик-йирик кашфиётлар бўлганлигига инсоният гувоҳидир. Жумладан, биргина Хитойнинг ўзида дунёда биринчи бўлиб яратилган кўплаб кашфиётлар фикримизни тасдиқлайди. Масалан, Бишен ёзув шрифти эрамиздан олдинги 1045 йилдаёқ яратилган. Илк қоғоз пулнинг ватани ҳам Хитойдир. Чунки, эрамиздан 1900 йил олдин ундан фойдаланилган. Европада эса қоғоз пул саккиз юз йил кейин пайдо бўлган. Дунёда ер силкиниши ҳодисаси ҳам биринчи Хитойда аниқланган. Чинни буюмлар европаликлардан 1000 йил илгари ясалган. 2000 йил аввал дунёда ягона ҳисобланган 40 машқдан иборат яхлит бадантарбия машғулотлари ўйлаб топилган. Хитой халқи Исо Масих туғилишидан 300 йил олдин оҳанграбо компасни кашф этган. Европада бу қурилма 1400 йил кейин пайдо бўлди. Хулоса шундан иборатки, Европацентризм оқимининг

тарафдорлари кўпгина жиҳатлардан Шарқ мамлакатлари маънавиятини, маданиятини, маърифатини тан оладиларми, йўқми, тарих эса ҳақиқий ўлчовдир.

Хитойдаги фан, маданият, маърифат соҳасидаги ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам жиддий таъсир қилмай қолмаган. Натижада Марказий Осиёда буюк алломалар етишиб чикдики, улар маърифат соҳасида, диний эътиқод ҳамда маънавий соҳаларда дунёда етакчи ўринларни олдилар. Масалан, Ватандошимиз Замахшарий «Жоруллоҳ» деган (Аллоҳ қўшниси) мўътабар номга сазовор бўлган. Ундан аввалроқ аллома Абу Наср Форобий эса Аристотелдан сўнг, «иккинчи Муаллим» деган фахрий номни олдилар. Эндиликда маълум бўлаётирки, Ўрта асрларда маънавият ва маърифатни тарғиб қилувчилар айнан Марказий Осиёда кўп мингликни ташкил қилади. Яқин йилларгача, минг афсуслар бўлсинки, биз улардан хабардор бўлмай келдик. Буларга мисол: Юсуф Ҳамадоний, Замахшарий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абу Мансур Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқалар. Бу улуғ зотларнинг ҳар бири битмас-туганмас билим жараёнларини эгаллабгина қолмадилар, балки илғор ғояларни ўртага ташлаб юксак маънавият ва маърифатпарварликни олдинги сафларида бордилар.

Собиқ совет давлатининг баъзи бир «ўткир» идеологлари эса мазкур буюк шахсларни, маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларини фақат динга тақаб танқид қилдилар ва улар фаолиятини (асл нусхада) ўрганишга йўл қўймадилар. Совет давридаги луғатларда, энциклопедияларда фақат француз, инглиз, рус маърифатпарварлари тўғрисида фикр юритилди, холос. Тўғри, жаҳон маънавияти, маданияти, илм фаннинг ривожига Европалик алломаларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Аммо, ҳар бир замон ва маконнинг ўз хусусияти, мавқеи бор.

Маърифатпарварликни баъзи адабиётларда, жумладан, совет энциклопедиясида феодализмдан капитализмга ўтиш даврида ривожланган деб

кўрсатилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида ҳали кулдорлик, феодализм жамиятларида ҳам маърифатчилик, иқтисодиёт, сиёсат, санъат билан шуғулланилган. Маълум бўлдики, ўша даврларда ҳам маънавият маърифатчиликдан ажралмаган ҳолда улар бир бутун ақлий ва жисмоний ишлаб чиқаришни ташкил қилган. Бинобарин, уларнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб такалади. Маърифатчиликнинг илдизлари узоқ бўлмаганда эди, Шарқ мамлакатларидаги (Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё мамлакатлари) ҳозирги, бизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари, иншоотлари, қадимий қўлёзмалар, адабиёт, санъат асарлари бўлмаган бўларди. Маънавият ва маърифатнинг мавжудлигини унинг ўрнини жиддий баҳолаш нисбатан ўша вақтларда ҳам назардан четда қолган ҳолос.

Тўғри, бизга маълум бўлган адабиётлар ва манбаларнинг кўпчилиги маърифатпарварлик фақат XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европада жиддий тус олган деган фикрни беради. Аслида ундай эмас.

4.2. Маънавиятнинг шаклланиш жараёнлари босқичлари

Мустақиллик шарофати билан бошқа соҳаларда бўлгани сингари, оила ва унда тарбияланадиган баркамол фарзанд ҳақида тез-тез фикр алмашиналидиган бўлди. Айниқса, бу муаммони давлат сиёсати даражасигача кўтарилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чиқириқ IX сессиясида И.А.Каримов томонидан қилинган маърузаси баркамол, соғлом авлодларнинг ўтган вақтдаги ва бугунги ҳамда келажакдаги ҳолатини таҳлил қилиб бердики, эндиликда бу эса тарбия ва таълимни асосий дастурини ташкил қилади, десак хато бўлмайди. Чунки юртбошимиз бола туғилганидан бошлаб то унинг юқори малакали кадр бўлишига қадар ҳамда унинг меҳнат фаолиятидаги юксак маърифат ва маънавиятлилиги ҳақида сўз юритади: «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади».

Ўзбек халқи урф-одатлари, қадриятлари ўзига хос нозиклик билан шаклланганки, уларда инсоний хислатлари устувор. Бу инсонийлик хислатлари асрлар оша силсилаларга бардош бериб, ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. У ўзининг фалсафий теранлигини ҳамиша намоён қилади. Шу сабабли ҳам ота-она билан фарзандлар ўртасида илиқ муносабатлар, ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибатлар марказий ўринни олади. Улар ўртасидаги бу ҳолатлар зарурий даврда бири-бирини тўлдиради ҳам. Тўғри, ота-она фаолияти фарзанд учун тенги йўқ меҳр-оқибат билан йўғрилган асосли ҳис-туйғулар йиғиндисидир. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину-диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйли - жойли қилиш.

Ана шу истаклар заминида ота-она ўз фарзандларини келажагини мустаҳкамлаш учун ҳали уларни турмуш қуришидан олдинроқ, ҳаётга тайёрлашни унутмайди. Аввало оила қуришга ундалаётган фарзандларни ўзаро мослиги, соғлиғи, руҳий тайёрлиги, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлиги, касб-хунарига эғаликлари таҳлил қилинади. Бу ўринда бобоқолонларимиздан Амир Темур фаолиятига назар ташласак, у киши фарзандларининг уйланишини нафақат бир оила учун кераклиги балки, жамият миқёсидаги вазифа эканлигини сезган ҳолда:

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насли-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар

орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насибаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча кусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим», - дейди.

Амир Темури яшаган даврда ҳозирги замон медицинасининг янги ютуқлари ҳали тушуниб етилмаган бўлсада, узоқни кўра билган Соҳибқирон ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб мазкур фикрларни билдирганки, уларга ҳозирги кунда ҳам амал қилиниш бўлажак оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун шундай фаолиятлар қўл келади.

Фарзандларни тарбиялаш ҳомиладорлик давридан бошлаб муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бўлажак инсон, шахс ўзини шаклланишини асосини шу даврларда пойдеворини қўяди. Баъзи халқларда инсонга ёш берганда она қорнидаги 9 ойни ҳам эътироф этиб айтишлари бежиз эмас. Албатта, ота-она фарзанди тўғрисида соғлом фикр юритиб уни ардоқлаши, севиши, қайғуриши даркор. Болага таъсир қиладиган ҳар қандай ножўя ҳаракатдан ҳимоя қилади. Мутахассислар фикрича, ҳомиладорликнинг иккинчи ойидан тўртинчи ойигача кўп оналарнинг ўзига нисбатан лоқайдлиги натижасида бола тушириш ҳодисалари бўлиб туради. Оғир юмушлар билан машғул бўлиши, кўркув босиши, камқувватлилик, изтироб чекиш, қайғуриш кабилар нохуш ҳолатни пайдо қилади. Бундай жараённинг олдини олиш кўпроқ аёлнинг турмуш ўртоғи бўлмиш эркакка боғлиқ. Яъни ўз турмуш ўртоғига ғамхўрлик қилиш, уни узоқ муддатда ёлғиз қолдирмаслик, оғир ишларни буюрмаслик, аёлнинг истаган озиқ-овқатларидан ўз вақтида истеъмол қилдириш, сайрларга олиб чиқиш, ёқимсиз ҳолатлардан асраш бўлажак «ота» исмини олувчига боғлиқ. Акс ҳолда ҳаёт юзини кўрадиган фарзанд ҳаётига зомин бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур вазифаларни ўз бўйнига олмаган эркак фарзанд тарбиясидан узоқлигини билдиради. Фарзандлари жонига қасд қиладилар. Айниқса бу пайтларда эр ва хотиннинг бирга ётиб туриши ҳам эҳтиёткорликни талаб этади. Бундай пайтларда қизиққонлик билан иш тутиш, темпераментни жиловлаш айниқса муҳимдир. Сабр ва эҳтиёткорлик ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.

Ҳомиладор аёл ана шу пайтларда турли жиҳатдан нозиклашган бўлади. Ҳар хил вазиятни тушунишда инжиқлик ҳолатлари рўй беради. Натижада қайғуришга молик бўлади. Бу ҳолатларнинг таъсири пайдо бўлаётган болага ҳам ўтади ва уни ривожланишини қийинлаштиради. Шу сабабли эркак киши ўз турмуш ўртоғини асраб-авайлаши, ардоқлаши яхши натижалар беради. Аёллар ўзини парваришига еътиборини қаратганда биринчи галда парҳезни ҳам унутмаслиги лозим. Қийин ҳазм бўлувчи овқатлардан истеъмол қилишдан огоҳ бўлишлари талаб этилади. Мабодо касал бўлганларида дўхтирлар қармоғида вақти- вақти билан маслаҳатлар олиб туришлари соғлом бола кўришнинг асосий сабабларидандир.

Боланинг она қорнида ривожланиши жуда тез ва мураккаб тараққиёт даврини босиб ўтади. Унинг ривожланиши она қорнидаги физиологик ҳаракатга ҳам боғлиқ. Бола она қорнида ривожлансада у маълум даражада ташқи муҳит таъсирида ҳам бўлади. Шунинг учун бу ташқи таъсирни ижобий бўлишини таъминлаш зарур. Мутахассисларни кўрсатишича, соғлом туғилган боланинг ўртача оғирлик вазни 2,8-3,5 кг, бўйи эса 45-52 см. бўлади. У олти ойга этганда эса уч баробар ортади. Бир ёшли соғлом болани оғирлиги 9 кг етади. Бир ёш атрофида боланинг вазни ва бўйи тез ўсади. Агар бола бир ёшгача 25 см.га ўсса, кейинги икки йил давомида 18 смга ўсади. Бу ҳолатда ривожланиш болада маънавий хислатларни яхши шаклланишига ёрдам беради.

Маълумки, бола туғилгандан сўнг бир неча кун ўтиши билан она овозини таний бошлайди. Турли ҳаракатларни амалга ошира бошлайди. Онанинг ўзига хос ҳидини ҳам аниқлайди. Ҳатто 15 кунлик бола она кайфияти, ҳис-туйғусини ҳам сеза бошлайди. 20-25 кунлигида эса ўзига кўрсатилаётган меҳр-оқибатни сезиб йиғлаши ёки кулиши мумкин. Ўзининг безовталигини ҳис-туйғуси билан билдира бошлайди. Бу айтилган фикрлар қуруқ бир гап, сўз эмас, балки илмий изланишлар, ҳаётий тажрибаларга асосланган фикрлардир. Демак, бола ҳис-туйғуси жуда нозик бўлиб ана шу даврлардаёқ унинг эгилувчанлиги ёки ўжарлиги шаклланди. Бинобарин, бола ҳулқининг шаклланиши ҳам кўпроқ шу даврнинг маҳсулидир. Шу сабабли ота-она гўдакнинг ҳулқ- атвориға қараб нима

истаётганини ҳам сезиши даркор. Бунинг учун ота-она зийрак ва ўта хушёр бўлиши керак. Бола хулқини сезадиган ва шаклланаётган хулққа қараб тарбия устида бош қотириши лозим. Зеро, туғилган фарзандларнинг баъзилари фаол бўлса фаолликка қараб ювош бўлса ювошликка қараб хулосалар чиқариш айти муддао бўлади. Боланинг ҳис-туйғуларига жавоб қайтариши тарбия қасқа кетаётганидан далолат беради. Чунки боланинг таъсирчанлиги нозиклик даврини бошдан ўтказаетганлигини билдиради. Мабодо шу даврларда болани кўп кулдирадиган бўлсангиз катта бўлганида ҳам кўп куладиган, йиғлаш жараёни болада кўп кечган бўлса, йиғлайдиган бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Фарзандда шаклланаётган ҳис-туйғуда севилиш ва ардоқланиш устувордир. Шу билан бирга болада ҳам бошқаларни, айтиқса ота- онани севиш туйғуси шакллана бошлайди. Демак, боладаги бу жараёнларни меъёрида билмаслик тарбияда ҳам кеч қолишлик демакдир. Боладаги бу давр ва ҳолатлар маънавият шаклланишининг биринчи босқичларидан биридир. Шу муносабат билан айтиш керакки, бу даврларда фарзандга ёқадиган ишларни бажариш унда маълум бир малакани шакллантиришга олиб келади. 1-3 ёшдаги болани ҳатто саноқли вақтларда ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Улардаги сезгирлик ўта шиддат билан шаклланади. Шу пайтлардан бола билан мулоқот умр давомидаги (ижобийми ёки салбийми ундан қатъи назар) мулоқотни белгилаб беради. Чунки бола айнан ана шу даврларда улкан эътиборни талаб қилади ва шундан хулоса қила бошлайди. Алла айтадиган бўлса, аллани бола томондан ҳис қилишини сезилдими, демак тарбияни ҳам қабул қилиши шу даврдан бошланган. Ана шу пайтларда болани фақат ардоқлаш севиш ёки яхши тўйинтириш, кийинтириш билан машғул бўлиб қолиш келажакда кўп хатоларга олиб келади. Тўғри, болани она сути билан тўйдириш, бу бебаҳо жараёндир. Она сути гўдак организмни нафақат чиниқтиради, балки болага бир умрли меҳр, оқибатни таъминлайди, маънавий озукани ҳам беради. Шу сабабли, ҳам болани 2 ёшга тўлганига қадар эмизиш талаби ўта муҳимдир.

Болани етук, юксак маънавиятли бўлишини таъминловчи асосий омиллардан бири оналик-оталик қобилиятини ижобий ҳолда намоён қилишга боғлиқ.

Масалан, оналар «Алла болам»ни айтиш билан бирга болани бешикка белаш пайтида «эгалари кирсин, ёмонлари чиқсин», «болам вақтида ётсин, вақтида турсин» деган илиқ сўзларни кўплаб айтиши боладаги интилишларга сабаб бўлади. Она ўз боласини турли эркалашлар билан маънавий юксалтирса, ота еса турли ўйинчоқлар орқали зарурий характери шакллантиради.

1-3 ёшли болаларда нутқни ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, уларда турли ҳаракат ва кўникмаларни ҳосил қилиш, тасвирий жараёнларга эътиборини қаратиш, мусиқа машғулотларини сирлари билан таништириш йўлга қўйилади. Ана шу жараёнларда болани маънавий юксалишига таъсир этувчи омиллардан тўғри фойдаланилмас экан тарбия етарли берилади, деб бўлмайди.

Мазкур ёшларда турли кўникмаларни шакллантиришда болани овутишда қўлланиладиган ўғитларнинг ўрни жуда аҳамиятлидир. Жумладан, чапак чалиш «Бармоққа бармоқ», «Ғоз-ғоз», «Той-той», «Ачом-ачом», «эсонмисиз-омонмисиз», «Қайси қўлимдагини топ», «Кўзингни юм, оғзингни оч» каби соҳалар орқали ҳам болани хатти- ҳаракатларига таъсир этилади. Ушбу ўйинлар билан биринчидан болани соғломлаштиришга ҳаракат қилинса, иккинчидан ўйлашга, тафаккур эллеметларини пайдо қилишга кўмаклашилади. Ўз навбатида тафаккур эллеметлари болада пайдо бўлар экан, демак маънавий шаклланиши учун ҳам шарт-шароит яратила бошланади. Бу ёшларда айниқса, нутқ ўстиришга кўпроқ эътибор бериш зарур. Нутқ бўлажак инсон, шахс фаолиятини негизидир.

Бунинг учун қўғирчоқлар, копток, машиналар, турли тасвирлар айниқса муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали болага турли саволларни берилиши, ўртоқларини фаоллиятини мисол қилиниши, табиатдаги нарсаларни сўралиши расмлар билан машғулот ўтказилиши болада фикрлаш қобиллиятини ўстирибгина қолмасдан, унинг нутқига ҳам таъсир қилади.

Бола тарбияси узлуксизликни талаб этади. 1-3 ёшдаги болалар тарбияси 3-7 ёшдаги болаларда юқорида босқичда давом этади. Айниқса, боланинг кўп сўраш ва кўп гапириш даври шу ёшларга тўғри келади. Шу сабабли бу даврда

саломлашиш одобидан бошлаб бола нуткидаги грамматик тузилишини шакллантириш теварак-атроф билан таништириш, она Ватан ҳақида, Буюк сиймолар ва байрамлар, катталар меҳнати, буюмлар ҳақида суҳбат шеърларидан ёд олдириш, ҳикоя айтиш, ифодали ўқиш, миқдор ва сифат ҳақида тушунча бериш, фазо ҳақида тасаввурлашга интиштириш, расмлар чиздириш, турли объектлар қуриш, яшаш, жисмоний тарбияга ўргатиш кабилар орқали амалга оширилиши лозим.

Зеро, Ватан туйғуси ватанпарварлик хислари миллий ғурур, миллий истиқлол ғояси ҳамда Ватан ҳудуди, ўлкаси, халқига меҳр ва садоқати боланинг ёшига мос равишда шакллантирилиши маънавий вазифаларнинг негизини ташкил қилади.

5-7 ёшдаги болалар тарбияси, 3-4 ёшдаги тарбиянинг мураккаброқ босқичларини камраб олади. Бу даврда ҳам болаларда луғат ёки сўз бойлигини ошириш мақсадида «Ўзбекистон мустақил давлат» мавзусида суҳбат уюштириш бола маънавияти юксалишига ҳам таъсир этади. Маълум малакага эга қилади.

Болада маънавият юксалиш мактабга борганда янада юқорироқ босқичга кўтарилади. энди бола, оила ва боғчада олган тарбиявий малака мактабда ўз самарасини бера бошлайди. Бу самарани тўғри баҳолаш, ижобийларини болада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мактаб ўқитувчисига боғлиқ. Мактаб ўқитувчиси бераётган маънавий тарбия олдинги олинган тарбия билан узвий алоқада бўлиши лозим. Мактаб ёшидаги болани тарбия қилишда, болани ҳаракатини ўта чегараламаслик, жаҳл ва зулм қилмаслик лозим. Ёш болани ўта қаттиқ қўллик ва зулм, баджаҳллик билан тарбияласа болани хотирасига, шодлигига, мавқеига путур етказилади. Бундай тарбия натижасида унинг маънавий юксалиши ҳам кўнгилдагидек натижа бермайди. Болада кўрқувлик аломатлари пайдо бўлади. Паришонхотирлик, ғамгинлик, хафсаласизлик элементлари пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида тарбия ва билим олишга ўта салбий таъсир этади. Унда сусткашлик хислатлари мужассамлаша бошлайди. Ўз устидан нафратланган ўқувчи ёлғонлик, риёкор, ҳийлагар, руҳияти пас, ножўя

ишларга эгилувчан бўлиб қолади. Юксак маънавийликка элтадиган хислатлар иккинчи ўринга тушиб қолади.

7-12 ёшларда болаларга жисмоний тарбияни аҳамиятини йўқотмаган ҳолда кўпроқ ақлий ва ахлоқий тарбияни шакллантириш ўта муҳимдир.

Юқорида биз болаларнинг 3–7 ёшларидаги тарбиясига таалукли омиллар устида тўхталган эдик. Энди айтмоқчимизки, юқоридаги ёшдаги болаларга бериладиган ақлий тарбия боланинг кейинги, яъни етуклик даврини кўпроқ белгилаб беришга асос бўла олади. Инсоннинг ақли фаросатини юксаклик даражаси нимада, деб савол қўйилганда, инсоннинг яхши билимга эга бўлиши, билимни чуқур ўрганиши ва ўрганган билимни тўғри фикрлашидир, десак хато бўлмас. Бунинг учун мактабда ўқитилаётган фанлар айниқса катта рол ўйнайди. Мазкур фанлардаги тарбиявий жиҳатлар устувор бўлса юксак маънавиятни шаклланиши ҳам осон кечади. Айниқса, биринчи ва иккинчи синфлар дастурларида кўрсатилган мавзулар ўта эҳтиёткорлик билан болаларга сингдирилса, унинг келажакдаги натижаси ёмон бўлмайди. Бу синфларда ўқиётган болаларга саводхонликни ўргатиш, ҳикоялар айтиш буюк сиймолар фаолияти билан таништириш, байрамлар ҳақида, халқ ижодидан сўзлаб, меҳнат қилиш ҳақидаги бадиий адабиётдан мисоллар олиш, шеърлар ўқиб бериб, улардан намуналар ёдлатиш, ифодали ўқишларига интиштириш юксак маънавият шакллантиришнинг асосий омилларидандир. Жумладан: саводхонликка ўргатиш учун гап ҳақида тушунча бериш, гапнинг сўз таркиби ҳақида суҳбат уюштириш учун халқ эртакларида «Эгри ва тўғри», «Зумрад ва Қиммат», А. Навоийнинг «Шер билан Дуррож», А. Авлониининг «Хўроз ва бўри», теварак атроф билан таништирганда «Она юртим Тошкентим», «Самарқанд қадимий шаҳар», «Ўлкамизда олтин куз» кабилар юксак маънавийлик шакллантиришни илк босқичларидир, ёки буюк сиймолар ҳақида гапирганда Мирзо Улуғбек, Абу Али Ибн Сино фикрлари, Беҳзод расмлари, Амир Темур, Жалоллидин Мангуберди фаолиятлари маънавийликни сингдиришда ёрқин мисоллардир. Тарбия ва билим бериш жараёнида яқиндан ёрдам берадиган соҳалар: меҳнат ва она тили ҳақида суҳбат ва шеърлар борки

болаларни завқ ва шавқини оширишга ёрдам беради. Бинобарин, деҳқончилик ва чорвачилик, тадбиркорлик, ўймакорлик ва бўёқчилик, кийим-кечак ва тикишлар, шеърлардан А. Ориповнинг «Она тилимга», Барот Исроилнинг «Шундай ўлка бор», Сафо Очилнинг «Ота-она дуоси», «Ўз тилим», Нурбекнинг «Менинг Ватаним» каби шеърлари шулар жумласидандир. Номлари зикр қилинган ушбу асарлар орқали болани ички дунёсига таъсир этиш мумкин. Бу даврда болалар характери ўта эгилувчан бўлганлиги учун асарларни мазмуни ва моҳияти ҳам танланиши зарур. Мазкур ёшларда ақлий тарбия сингдирилар экан салбий хислатларни эслатадиган (ишқий ёки чекишлик) асар ва ҳикоялардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Сабаби бундай ҳолатларни изоҳлайдиган соҳалар умумий тарбияни салбий томонга етаклаб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас. Мактабда мазкур соҳага оид бўлган кўргазмали ашёлар-таъсирчан видеофилмлардан фойдаланиш лозим. Мактаб ўқувчисини руҳий ҳолатини синчиклаб ўрганишнинг самарали воситалари ҳақида бошқотириш улардан унумли фойдаланишда кеч қолмаслик тарбияда муҳимдир. Ижобий руҳни 3-12 ёшли болаларда шакллантириш юксак маънавиятни шакллантириш учун асосий замин бўлади. 7-13 ёшлардаги болалар фаолиятига кўпроқ мактаб ўқитувчиси, жамоаси масъул бўлсада, бу пайтларда ота-оналарнинг масъулияти янада ошади. Болани бу ёшларда қуруқ сўзлар, дўқ-пўписалар билан эмас, ҳақиқий далиллар, тўғри сўзлик, жонқуярлик билан қўлга олиш мумкин.

Юксак маънавиятни шаклланишида ахлоқий тарбия асосий негизни ташкил этади. Ахлоқий тарбия ҳам кўпроқ боланинг 3-12 ёшларда изчил ҳолда берилиши унинг кейинги бутун умри билан боғланган. Инсоннинг бахтли ёки бахтисз бўлиши кўп жиҳатлардан ўзига боғлиқдир. Аввало таъкидлаш лозимки, ёшлиқдан бошлаб ҳамма ҳам бахтли бўлишга интилади. Тўғри, 7-12 ёшли болаларга энг муҳими ўша бахт ҳақида фикрларни содда қилиб сингдирилиши ютуқларга олиб келиши мумкин. Болада ана шу бахт ҳақидаги тасаввур ахлоқий нормалар билан бирга тушунтирилса, у самарали бўлади. Мазкур ёшдаги болалар орзулар қилишга жуда мойилдирлар. Ана шу мойилликнинг ўз вақтида англаб уни бошқариш имкониятига эга бўлинса, боладаги ахлоқий

хусусиятларни ижобий томонга бориши учун қулайлик яратилади. ёмон ишларнинг оқибатини болага ҳаётӣ воқеалардан келиб чиқиб англатиш керак. Бахт изловчи бола, баъзида, «шу бахт эҳтиёжи» жирканч ҳолатларга олиб келишини ўқитувчи томонидан моҳирлик билан тушунтира олсагина мақсадга эриша олади. Айниқса, бу ёшлардаги болаларга қимор ўйнаш, шароб ичиш, ахлоқсиз ўйинларни қилиш, вақтни бекорга кетказиш хатти-ҳолатларга дучор бўлиш натижасида, вақтинча бахтга эришиши, аммо охири «вой бўлиши» ҳақидаги таъсирчан фикрлар берилганда ҳар бир боланинг умр бўйи эсида қолади. Бу ёшдаги болаларни турли ножўя сўзлар ёки қўрқитиш йўллари билан тарбиялаш натижа бермайди. Урушиш, сўқишиш натижасида қалби лат еган боладан яхшилик чиқмайди. Юксак маънавий қирраларидан узоқлашади. Шу сабабли, бу ёшдаги болалар тарбияси ўта нозик лекин шарафлидир.

4.3. Ўрта Осиё- Шарқнинг юксак маънавий ва тафаккур маркази

Ўрта Осиё тарихий вақеаларга ғоят бой ўлка бўлиши билан бирга азалдан илм-фан, маданият ва маънавийнинг марказидан бири бўлиб келган. Бу ўлка дунёга маънавий ва маърифатнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини тарбиялаб берган. Умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда буюк аجدодларимиз бевосита иштирок этганлар унинг тараққиёти ва бойишга улкан ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиё маданий мероси жаҳон маданияти ва маърифатининг узвий ажралмас таркибий қисмидир.

Эндиликда жаҳон маънавияти ва маърифати салтанатида ўз ўринларига эга бўлган улуғларимизни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш вақти келди. Афсуски, салкам 150 йиллик мустамлакачилик, 70 йиллик тоталитар тузум ҳукумронлиги даврида мамлакатимиз навқирон авлоди, Ислом Каримов айтганидек, неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар, натижада улар ўз халқининг тарихини,

унинг бой табиий илмий, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий маданиятдан бахраманд бўлиш, ўрганишдан махрум бўлиб келди¹.

Аждодларимиз эъзозлаб келган, асрлар қаъридан олиб ўтилган фалсафий-ахлоқий панд-насихатлар, қадриятлар атайлаб, мақсадни кўзлаб юргизилган сиёсат қурбони бўлди, эътибордан четда қолди. Бу эса ёш авлоднинг маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Ваҳоланки, Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобида таъкидлаганидек: “...ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”²

Мустақиллик туфайли она заминимизнинг маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш, таҳлил этиш имкониятига эга бўлдик. Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Она заминимизда бундан неча асрлар аввал яратилиб, то ҳануз юртимизга кўрк бағишлаб турган қадимий обидалар, асори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналари ҳақида, Ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади.¹

IX-XII асрларни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида “Ренессанс” (Уйғониш) даври деб аташади. Маънавият ва маърифатнинг ғоят гуллаб-яшнаганлиги бу давр учун характерли бўлган. Бу даврда қомусий илм эгалари, ажойиб шоирлар, буюк давлат арбоблари етишиб чиққан. дунёвий фанларнинг тез суръатларда тараққий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир этди. Бу жараён, айниқса, халифа Маъмун ибн Харун ар Рашид (813-833йй) даврида Боғдодда “Бай тул-ҳикмат (Донишмандла уйи ташкил этилган пайтда тезлашди. Юнон фалсафаси ва табобати, ҳинд ҳисоби, ал-Химия ва илми Нужумга оид асарлар араб тилига ўгрилди. Бунда Марказий Осиёдан етишиб чиққан

¹ И.А.Каримовнинг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. 1997 йил 21-октябр.

² И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз. 12-бет

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон” 2000. 47-бет.

мутафаккирлар Аббос ибн Саид Жавҳарий, Ахмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Ахмад, ал –Фарғоний, Муҳаммад ал Хоразмийлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Ренессанс – уйғониш даври маданияти, маънавияти ва маърифати моҳият-эҳтибори билан дунёвий гуманистик дунёқараши, антик давр мадиний меросига мурожаат қилиш бамисоли унинг қайта уйғонишини англатади, табиий фанлар ривож, фанда универсаллик (қомусийлик)ни, гуманизмни тарғиб этиш ва бошқаларда намоён бўлади.

Шарқ ренессанси даври қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

1. маданият, дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигининг тараққиёти;
2. юнон, рум, форс, ҳинд ва бошқа маданиятлар ютуқларига суянии;
3. астраномия, математика, минерология, жўғрофия, кимё ва бошқа табиий фанлар ривож;
4. услуб (методология)да –рационализм, мантиқнинг устунлиги;
5. инсоний дўстлик, юксак ахлоқийликнинг тарғиб этилиши;
6. фалсафанинг кенг даражада ривож топиши;
7. адабиёт, шеърият, риториканинг кенг миқёсда ривожланиши;
8. билимдонликнинг қомусий характерда эканлиги.

Ўрта Осиёнинг кўҳна ва ҳамиша навқурон Бухоро, Хива, Самарқанд каби шаҳарларида қадимдан фан, маданият ва маънавиятнинг маркази бўлиб келганлиги билан ажралиб туради. Ўрта Осиё табиий-илмий тафаккури ривожининг бошланиши буюк алломалар Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Ахмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг номи билан боғлиқ.

Ахмад ал-Фағоний (798-861йй.) машҳур фалакиётшунос олим. Унинг асосий асарлари “Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида” китоб, “Ахмад ал-Фарғоний жадвали”, “Устурлаб билан амал қилиш ҳақида” китоб, “Устурлаб яшаш ҳақида” китоб, “Симовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида” китоб ва бошқалар. Ахмад ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари” китоби ўша даврдаги астрономия соҳасидаги билимларнинг қомуси бўлган. Унда қадимги фалакиётшунослик билимлари, унинг қоидалари, усуллари баён

қилинган. Асар XII асрдаёқ лотин тилига таржима этилиб, кўп асрлар давомида Европада астрономия бўйича қўлланма, дарслик сифатида хизмат қилиб келган.

Мухаммад ал-Хоразмий (783-850 йй).

Олимга дастлабки буюк шуҳратни “Ҳисоб ал-Ҳинд” “Ҳинд ҳисоби” номли рисоласи олиб келди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта унлик система ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ахмад ал-Фарғонийнинг бу асарларидаги илмий кашфиётлари билан жаҳон фани ва маданияти тарақиётига муносиб ҳисса қўшди. Қуёш тутилишини олдиндан айтиб берди. Ернинг шарсимон эканлигини кашф этилиши олимга катта шуҳрат келтиради. 1998 йил ЮНЕСКО томонидан алломнинг таволлуд топганлигини 1200 йиллиги кенг нишонланди.

Ал-Хоразмий томонидан “О” (Нул Цифр)нинг кашф қилиниши инсоният илмий тафаккурининг беқиёс улкан ютуғидир. ал-Хоразмий томонидан ёзилган “Ҳисоб ал –Ҳинд” китобида энг муҳим олтита арифметик амаллар – қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар ишлаб чиқилган ва унинг услуб ва қонунлари кашф этилган эди.

ал-Хоразмийнинг яна бир буюк хизмати алгебра фанининг кашф этганидир. Алгебранинг мустақил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши ал-Хоразмий фаолияти билан боғлиқ. “Алгебра” атамасининг ўзи ал-Хоразмий томонидан ёзилган (“Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) номли рисоладаги “ал-жабр” сўзининг лотинча талаффуз ифодасидан келиб чиққан.

Алгоритмлар азариясини ҳам ал-Хоразмий номи билан боғланганлиги, ҳатто “Алгоритм” атамаси ҳам лотинча ифода этилган “Дихи Алгоритмик” (дедики ал-Хоразмий) сўзидан келиб чиққанлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

“Алгоритм” тушунчаси ҳозирги замон кибернетика ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) ва ҳозирги замон информацион технология ҳамда жараёнларнинг асосий категориясига айланди.

Мухаммад ал-Хоразмий “Ҳисоб ал-Қинд”, “Зижи Хоразмий”, “Астролябия бўйича рисола”, “Қуёш соати ҳақида рисола”, “Ернинг шакли ҳақида” китоб, “Тригономитрик жадваллар”, “музыка бўйича рисола”, “Тарих ҳақида” ва бошқа асарларнинг муаллифи.

Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий фикри ривожини Абу Наср Фаробий (873-950 й) сиз тасаввур этиш қийин. У “Шарқ Аристотели”, “Иккинчи муаллим” деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккирлар. Шарқда қадам Юнонистоннинг энг машҳур файласуфи. Аристотел “Биринчи муаллим” деб юритилган. Фаробий 70 дан ортиқ тил билган қомусий омил. У яратган асарларнинг умумий сони 160 дан ортиқ бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Қадимий Юнон файласуфлари ва табиатшунослари-Аристотел, Платон, Евклид, Гален ва бошқаларнинг илмий меросини таржима қилиш, шархлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар:

2. Ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий-фалсафий соҳаларига оид рисоалар.

Жумладан “Аристотелнинг” “Метафизика” китобининг мақсади тўғрисида”, Аристотелнинг “Осмон системаси” китобига изох”, Аристотелнинг Этика “китобига шарх”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Бушлиқ ҳақида китоб”, “Музыка ҳақида сўз”, “Фалсафани бўлишдан олдин нималарни билиш кераклиги тўғрисида”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Донолик асослари”, “Мантиқ илмига кириш”, “Ақл тўғрисида”, “Фозил одамлар шахри” ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин. Фаробийнинг фикрича инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви яхшилиқни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукамалликка кўтарилиши инсон ва жамоатининг ўз қўлидадир.

У давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳарларда илм фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимли, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қаровчи, адолатни яхши

кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак деб айтади. Фаробий инсоннинг камолоти учун хизмат қилган, хайр – эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалар, бекорчилар каби ёмон одатлар билимсизлик, онгсизлик, касб-хунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик ва, кишиларни ундан огоҳлантиради.

Фаробий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-хунар ва илмларни ўзлаштириш-маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” китобида инсон тақомилини тўрт босқичга бўлади.

1. Илк босқичда инсон қалби гуёки ўрмон бўлиб, унда ғазаб, ёлғон ва Шаҳолат ҳукмрон бўлади.

2. Комиллик йўлига киришга аҳд қилган инсонда ўзини-ўзи англашга қатъий уриниш эҳтиёжи тўғилади.

Тинимсиз меҳнат натижасида инсон тақомиллигининг иккинчи босқичига кўтарилади. Бу даврда ўзини тия билиш ва адолат каби хусусиятларни асосий мезонга айлантиради.

3. Инсон тақомилининг учинчи даври ижодий давр ҳисобланиб, унда мустақкам билим, эътиқод, ўзгаларни тушуниш устувор мавқе касб этади.

4. Инсон комиллик сари интилар экан, ўз тақомилининг туртинчи даврида донолик, файласуфлик мақомига эришади. Бу даврда унинг адолати ва мухаббати ҳам мукамал даражага етади. Муҳими, у нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам бахт-саодат сари етаклай олади.

Абу Наср Фаробийнинг фикрича инсон ўз-ўзидан бахтли бўла олмайди, у бахтли бўлиши учун жамият унга маънавий унсурларни тақдим қилиб бериши керак. Бунинг учун аввало одамларни ахлоқий жиҳатдан фозиллаштириш даркор. Демак одамларни фозиллаштириш учун қуйидагиларни билиш лозим.

1. Кишини туйғу қуввати озиклантиради ва туйғу ҳаёл суришига турки беради.

2. Хаёл тафаккурини ҳосил қилади.

Кишилардаги энг бирламчи қувват-тўйғудир. Тўйғуси улган киши ахлоқий-руҳий жиҳатдан ривожланмайди. Шу сабабли Фаробий тўйғу ҳаёлнинг, ҳаёл тафаккурининг манбаи бўлишини ўқтиради. Одамлар ўз тўйғуларини авайлаши керак, бу билан ҳаёл суришга йўл очилади, ҳаёл туфайли фикрлаш ва англаш келиб чиқади. Фаробий бу уч тўйғуни тарбиялашни ўқтиргач, энди қалб ва мияни тушунтиради. Қалб баданнинг ҳеч бир аъзосига бўйсунмайди, мия ҳам шундай, лекин у фақат қалбга бўйсунди. Чунки қалб тўйғулар, ҳислар ва сезгилар макони бўлиши билан инсоннинг бутун вужудини бошқаради ва мия ҳам ундан қувват олади. Фаробий миянинг қалбга бўйсунушини таъкидлаш билан маънавий манба ақилда эмас, руҳий тўйғуларда эканлигига ишора қилади. Демак тўйғуларни тарбиялаш билан маънавият ҳосил қилиш мумкин ва бу ҳол ахлоқий фазилатларни ўзликда таркиб топишига олиб келади.

Абу Райхон Беруний (973-1048й.) -буюк қомусий олим ва машҳур мутафаккир. Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари билан шуғулланган алломадир. У ўз умри давомида 160 дан зиёд асарлар яратган. Шулардан машҳурлари “Қадиимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Менерология”, “Сайдана” ва бошқа асарларида тарих, фалсафа, таълим-тарбиядан ташқари геология, астрономия фанларининг долзарб муаммоларига доир тадқиқотлар олиб борган.

Берунийнинг табиий-илмий ютуқларидан бири шунданки, у Ернинг марказ эмаслигини, унинг қуёш атрофида ҳаракат қилиши ҳақидаги гелиоцентрик ғояни илгари сурди. Берунийнинг бу илмий хулосаси ўша даврдан 500 йил ўтгандан кейин астроном Коперник томонидан илмий асосда тасдиқланди.

Берунийнинг машҳур “Ҳиндистон” (Ҳиндистоннинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби) асари 1030 йилда ёзилган. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан юксак баҳоланган. Ҳиндистонда санскрит тилини пухта ўрганиш унинг ҳинд маданияти, адабиёти ва

Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқинлашиши бу мамлакат ҳақида ўлмас асар яратишга имкон берди.

“Ҳиндистон” ҳажми жиҳатдан жуда катта асар. Ҳозирги замон ҳиндистон олимлари Берунийнинг бу асарини ҳинд маданияти тарихини ёритиш нуқтаи назаридан жуда юқори баҳолайдилар ва муҳим манба деб биладилар. Тарихда Америка қитъасини 1492 йилда денгиз сайёҳи Христафор Калумб кашф қилганлиги қайд қилинган. Аммо бу борада Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. Олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида ер юзининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида гапириб, Ернинг чораги маъмураидир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томондан муҳит ураб туради. Беруний Европалик олимлардан 450 йилча олдин. Америка қитъаси ҳақида ўз асарларида ёзган.

Беруний биринчидан бўлиб Аристотелнинг фан соҳасидаги хизматларига юксак баҳо бериши билан танқидий фикрларни ҳам билдиради. Беруний Аристотелнинг “Табиий жой”, “Дунёнинг ягоналиги”, “Оғирлик ва енгиллик” каби тушунчаларини танқид қилади. Аристотелнинг “оғир ва енгил” деган тушунчасидан фарқли равишда Беруний Ибн Синога ёзган эътирозларида ҳамма нарсанинг ер маркази томон тортилиши ҳақидаги фикрини олға сурди. Бу тортилиш кучи ҳақидаги назариянинг ишлаб чиқиш йўлида қўйилган муҳим қадам эди. Берунийнинг бу назарий хулосалари XVII аср бошида инглиз олими И.Ньютон кашф этган “Бутун дунё тортилиш” қонуни билан илмий жиҳатдан асосланди.

Беруний ёшларни илмга ўргатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан ўтган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва ўрганиши лозим бўлган фанларни ҳақиқий фанлар (тил, адабиёт, фалсафа, тарих, этнография, шеърят, психология, математика, физика, жуғрофия, геодезия, фалакиёт, минерология, тиббиёт)га бўлади. Бу фанларнинг ҳар бирига ўз давригача бўлган билимларни умумлаштириб, ўзининг янги хулосалари билан катта ҳисса қўшди. Жумладан, Беруний умуман тил, тил илми ҳақида гапириб, тил кишилар ўртасидаги алоқа ва фикр алмашуви воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосини ўрганиши калити дейилади.

Беруний ўз даврининг энг кўзга кўринган илм-фан ҳомийси эди. У мамлакат равнақини фан, маърифат ривожига кўрган. Илм-фан, маърифат саховатли хизматини ўташи мумкин деб ҳисобланган. У шундай ёзади: “Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим – билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим.

Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Инсоннинг энг олий фазилати бошқалар ҳақида, айниқса, ёшлар ҳақида ғамхурлик қилишдан иборатдир. Беруний доимо халқларнинг дўстлигини, иноқ, иттифоқ бўлиб яшаши учун курашиб келди. У инсониятга, у яратган маданиятга киргин келтирувчи урушларни қоралади. Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътиболр берган алломадир.

Марказий Осиёда уйғониш даврининг энг машҳур мутафаккири Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ибн Сино (980-1037йй.) фалсафа, табобат, табиатшунослик, фалакиёт, тилшунослик, мантиқ, адабиёт, педагогика, психология, физиология, фикҳ, мусиқа каби фан соҳиларига бағишлаб 450 дан зиёд ёзган асарлари билан жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган ва ўз даврида “Шайх-ар-раис” (Олимлар раиси) унвони билан тақдирланди.

Олимнинг фалсафага оид асарларининг энг йириги “Китоб аш-шифо” бўлиб, мантиқ, физика, математика, метофизика ва илоҳиёт қисмларини ўз ичига олади. Мантиқнинг ўзи 9 китоб, физика 8 китоб, математика 4 китоб, илоҳиёт 1 китоб, жами 22 та китобдан ибрат. “Китоб ан-ножат”, “Аш-шифо”нинг қисқартирилган тури бўлиб, табиат, илоҳиёт, риёзиёт қисмлардан иборатдир. “Данишнома” ҳам мантиқ, илоҳиёт, табиат, геометрия, астронимия, арифметика, мусиқа каби қисмлардан иборат. Саломон ва Исбол” фалсафий асар. Ибн Сино билан Берунийнинг ёзишлари-физикага ва фалсафага оид 18 та мактуб. Ибн Синонинг мактубларига Берунийнинг эътирозлари номли рисола чоп этилган.

Ибн Сино фалсафада Аристотел таълимоти издан бориб, Фаробий

ғояларини янада камолотга эриштирди. Файласуф Шарқ алломаларига хос бўлган хусусият, яъни ахлоқ, одоб, инсон психологиясининг камолотига алоҳида аҳамият беради.

Айниқса, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида талқин этилган таълим-тарбия хусусидаги фикрлар ғоят муҳимдир. У бола тарбиясини туғилмасдан она қорнидалигиданоқ бошлаш масаласига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, бола туғилганидан бошлаб эса аёққа тургунча маълум тартибда тарбияланиб бориши лозим. Бу тартиб ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, йўргаклаш, ухлатиш каби муайян тартиб ва қоидалардан иборат. Бола табиатини мустаҳкамлашдаги муҳим воситалар аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула айтишдан иборат бўлиб, яхши ухлайди.

Тебратиш унинг танасига, мусиқа унинг руҳиятига ором бахш этади. “Болага дўқ қилма, ёмон бўлма қўпол, уйқу қочар, курқар, охир булур баттол, юмшоқ ўрни ўхлаганда, қаронғулуқ тушуб турсин мисли тундай... Уйғоқ чоғи ёруғликдан айирмагил, юлдуз – само кўрсун бола шодлинур дил. Ранг-тусларни кўрсат унга турли-туман, кундуз куни, этмоқ эрсанг кузни равшан. Гар истасанг, ўргатмоққа сўзи калом, эркалатиб овоз чиқар ҳар хил муқом”.

Зеро, боланинг ўспиринликка ўтиш даври тарбияси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу даврда уларда хулқ-атвор шаклланади. Ибн Сино назарида, “Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан икки манфаат бор. Бири боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшлиқдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчилик бу унга айрилмас малака бўлиб қолади.

Иккинчидан –унинг бадани учундир, чунки ёмон халқ турли мижоз бузилишидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади..”.

Ибн Сино болани камолотга эришишининг биринчи мезони ҳисобланган илму маърифатни эгаллашга даъват этар экан, илму маърафат инсонни маънавий юксакликка кўтаради ва жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади, дейди.

5-Мавзу: Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини

5.1. Ислом динида инсон маънавияти ва маърифати масалалари

Мазкур мавзу бир жиҳатдан қараганда ҳамма учун тушунарлидек кўринади, бунга сабаб кундалик турмушда, турли йиғинларда, маракаларда диний суҳбатларнинг тингланишидир. Иккинчидан, мустақиллик туфайли дин ва диний урф-одатлар, анъаналар, маросимларга оид бўлган китобларни эркин чоп этила бошлаганлиги, сотувда бўлишидан кенг китобхонлар оммосининг бахраманд бўлишидир. Учинчидан, радио, телевидение эшиттиришларида мунтазам суратда диний - ахлоқий мавзуларда турли суҳбатларнинг бериб борилиши.

Ислом дини кўп халқлар орасида кенг тарқалган динлардан биридир. Бу динга эътиқод этувчилар - мусулмонлар жаҳонда 2 миллиардга яқин кишини ташкил этади.

Ислом дини Арабистон ярим оролида VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида келиб чиққан. Унинг асосчиси пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом (570-632) Маккада Қурайш қабиласига мансуб Хошимийлар хонадонида туғилган. У 609-610 йилларида Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот бошлаган. Аммо задогонларнинг қаршилигига учрагач, 622 йилда ўз тарофдорлари билан Мадинага кўчади. Шу йилдан мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби бошланади.

630 йилга келиб, Макка ҳам мусулмонлар кўлига ўтади ва мусулмон давлати шакилланади. Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин, бу давлатни унинг ўринбосарлари, яъни ноиблари (халифалар) бошқарадилар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда “Араб халифалиги” деб ном олган. Дастлаб араб халифалиги катта ҳудудларни эгаллаган эди. Ўрта Осиё ерлари – Мовароуннаҳр VIII аср бошларидан VIII аср ўрталаригача араблар томонидан истило қилиб, улар билан бирга Ислом дини кириб келди. Ана шу даврдан

бошлаб Марказий Осиёда Ислом минтақа маданияти, маънавияти ва маърифати ўзига хос равишда шаклланди ва тараққиёт босқичини бошидан кечирди.

Ислом диний таълимотининг асослари – Қуръон ва Ҳадис тўпламларида, шунингдек, VIII-XII асарлар давомида вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Қуръони Карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан Муҳаммад алайҳиссаломга нозил этилган. Бу муқаддас китоб ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳқомлар манбаидир. Қуръони Карим саҳифаларини бир китобга жамлаш халифа Абу Бакр даврида бошланиб, халифа ҳазрати Усмон даврида якунланган ва кейинчалик беш нусхада кучирилган. Ана шу кўчирилган дастлабки нусхаси Мовароннахр мусулмонлари диний идорасида сақланмоқда. Бундай муқадас китобнинг юритимизда бўлиш Оллоҳнинг бизнинг юртимизга бўлган инояти деб билмоқ лозим.

Илоҳиётда Ислом дини уч элементдан – имон, Ислом, эҳсондан ибодат деб эътироф этилади. Имон талаблари 7 та ақидани – Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг Оллоҳдан эканлигига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади.

Ислом талабларига, яъни дин асослари - арқон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Булар – калима келтириш, номоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконияти топилса ҳаж қилиш талаблари. Эҳсон ақидаларига сидқидилдан ишониш ва маросимларни адо этишдир.

Ҳадислар Ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба. Ҳадислар тўплами суннат деб аталади. Ҳадиси шарифларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари баён этирилган.

Ҳадиси шарафларни йиғиб, китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотидан кейин амалга оширилган.

Бу шарифли иш хижратнинг III асрига келиб кенг қулоч ёзди ва у ҳадисшуносликнинг олтин даври деб аталади. Ислом оламининг ўша давридаги маданий марказлардан саналган Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб буларни имом Бухорий, имом Абу Муслим, имом Абу Давуд, имом Ат-Термизий, имом Ан-Насавий ва имом ибн Можжо тузишган. Бу буюк муҳаддасларнинг тўрт нафари туронизаминлик бўлгани бизнинг фахримиздир. 1998 йилда Имом ал –Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бутун мусулмон дунёси, шу жумладан юртимизда кенг нишонланди.

Мустақил Ўзбекистонда шу муносабат билан халқаро анжуман ўтказилди. Муқаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат иш бўлганки, у муқаддисдан ақл-заковатни, куч-қувват, фидоийлик, юксак иқтидор ва ҳофизани талаб қилади. Масалан, имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “Саҳиҳ” ва 200 минг “Ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд билганликлари айтилади.

Исломда ахлоқий – ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуи шариат XI-XII асрларда тула шакилланган. Шариат қонун-қоидалари қуръон ва суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб қоидалар “Ҳидоят”, “Виқоя”, “Мухтасари ҳадоя”, “Мухтасари виқоя” номли китобларда жамланган. Шариатда қонунлар муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар бир мумин-мусулмон ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Оллоҳнинг бандаси сифатида бирдай амал қилиши талаб этилади.

Юқорида Ислом, унинг муқаддас илоҳий китоби Қуръони Карим, ҳадислар ва шариат ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Энди умуман Ислом динида, хусусан Қуръони Карим, ҳадислар ва шариатда инсон маънавияти, ахлоқ-одоб, маърифати ҳақидаги қарашларнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида факр юритамиз.

Қуръони Карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони Карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, имон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамыз.

Айниқса, Ислом ҳаром ва ҳалол масалаларига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига руҳсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига руҳсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазозини бериши айтилган. Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганимиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслаб туриш жоиздир.

Булардан айримлари қуйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотикда фирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғрилик, қароқчилик, ароқхурлик, ғийбат, тухмат, бухтон, жосуслик, қотиллик, порахурлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат. Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли – динёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилиқ, тўғрилик, ростгуйлик, софдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилади.

Ҳадисларда ахлоқий камолот масалаларида айтилган баъзи фикрлардан намуна келтирамыз. Мунофиқнинг белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир;

-омонат қуйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг,

-ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг,

-қачонки, бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;
2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан.
3. Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишдан.

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:

Улимдан аввал тирикликни, беморликдан аввал саломатликни, бандликдан аввал бўш вақтни, кексаликдан аввал ёшликни, фақирликдан олдин бойликни.

Исломда илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш эканлиги қайта-қайта таъкидланади. Бешиқдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилинишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳодислардаги “Садақанинг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир”.

Илм ибодатдан афзалдир” каби фикрлар ҳам таҳлилга муҳтож эмас.

Қуръони Каримда “Илм сўзи асосида “Алима”-билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга илк нозил бўлган оят ҳам “Икра..” ўқи” сўзидан бошланади. Ушбу оят шундай: “Ўқи” сенинг ўта қарамли Парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатади” деб нозил қилинган. Кўринадикки, Ислом эътиқоди аввали бошданок инсонни ўқиб- ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга тарғиб этади.

Ислом маънавиятида инсоннинг ер юзида халифа қилиб белгиланиши унинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва муқаррам қилиб яратилгани, унга еру-осмондаги барча нарсалар бўйсиндирилиб қўйилганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Инсон Оллоҳнинг халифаси сифатида билим эгаси, ёруғ дунёнинг барча билимларига унинг идроки етади. Фақат кибрга берилиб кетмаса, ўзини ҳаммадан ортиқ кўя бошламаса бас. Парвардигор бизни инсон қилиб яратган экан, ақл-хуш, илму-амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур

қилиб, дунёвий илмларни-дунёни ўрганиб, дунё орқали Оллоҳнинг илм-фанларини кашф этиб яшашимиз керак. Дин-руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни ва охиратни билиш қуроли, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи керак. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай бўлган.

Ривоят қилишларича, Абу Али Ибн Сино билан машҳур шайх Абусаид Абдулхайр учрашибдилар. Улар бир кеча бир-бирларига ҳеч нарса демай “суҳбатлашиб” чиқибдилар. Эрталаб шайхнинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганларида, Абусаид Абдулхайр: “Мен нимани важд (интуиция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган” дебди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: “Мен ниманики ақл билан билган бўлсам, у кўнгил билан идрок этади”, деб айтган экан. Кўринадик, Ибн Сино дунёвий илмлар олими, Абусаид Абдулхайр эса тасаввуф шайхи, илоҳиётчи, аммо улар бир-бирини тушунган ва ҳар икки илм ҳам кераклигини англаганлар.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, Ҳамадоний, Ғиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидоийлиги, эътиқод - имонининг поклиги билан бизларга ибратдир.

Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорларни ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қилади. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини англаса, унинг Оллоҳни англаши, имони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Гап ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар иккисини ҳам эгалламай нодон, жоҳил бўлиб қолмасликдадир. Ҳар икки илмни эгаллаган киши икки дунёсини обод қилади.

Ислом бу фақат ақида эмас, авало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига назар ташласак, Муҳаммад пайғамбаримизгача бўлган давр арабларда “жоҳилия” даври деб аталади. “жоҳилия” нодонлик даври дегани. Ислом ана шу нодонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, маданият вужудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантиради, ўзига хос маънавият ва маърифатни яратди. Бизнинг улуғ боболаримиз Ислом маънавияти ва

маърифати тараққиётимизга улкан ҳисса қўшиб, калом илми, фикҳ, тасаввуф таълимотини ривожлантирдилар.

Яқин ўтмишнинг ёмон асоратларидан бири шуки, собиқ шуро тузумида дунёвий илм ва диний-фалсафий таълимот бир-бирига қарама-қарши қўйилди. Улар бир-бирини инкор этадиган ҳодисалар тарзида талқин этилди. Диний тафаккур дунёвий илм ривожига монелик кўрсатадиган чиркин бидъат сифатида қораланди.

Биз бугун бундай қарашларнинг тубдан зарарли ва тарихан-асоссиз эканлигини очиқ айтишимиз мумкин. Дунёвий ва диний илм юқорида кўрсатганимиздек, ўтмиш асрларда доимо ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келганлигини тарихни ўзи тасдиқлайди.

“Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида учмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо ал-Хоразмий, имом Мотурдий ва Имом Термизий ва Абу Носир Фаробий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади”¹

Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилиш имкониятига эга бўлдик.

Қуръони Карим ва пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Улардаги ота-онага, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, вафо ва садоқат, камтарлик, самимият, ростгўйлик ва бошқа чин инсонийлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши барча инсоният учун бебаҳо умуминсоний маънавий бойлик тизимини ташкил қилади.

Жисмоний ва маънавий покликка интилиш Ислом ахлоқининг, Расуллоҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзу йўналишидир. Таҳорат, ғусл масалалари ташқи озодлик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, ғийбат, тухмат, ўзга

¹ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон” 2000, 18-бет.

ҳаққиға хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл қўйилмаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир.

Буларнинг ҳаммаси Қуръони Карим ҳамда Расууллоҳ ҳадисларида ва уларга асосланган шароитда жуда қатъий қилиб қўйилган.

Хуллас, ислом барча мўминларни юксак маънавийликка чорловчи, инсонпарвар дин эканлигини айтиб ўтишимиз зарур. Шундагина диндан маънавий ва маърифий тарбияда фойдаланиш заруриятига тўғри ёндашамиз.

5.2.Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари

Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) таълимоти VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (тарқидунёчилик бу дунё хою-ҳавасидан воз кечиш) ҳаракати кўринишида бўлиб Боғдод, Басра, Куфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган.

Асли тасаввуф сўзи “Суфий” сўзидан, “Сўфий” сўзи эса арабча “Сўф” сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони атайдилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар, бошқа оддий кишилардан ажралиб туриш учун жундан тикилган чакмон (у ҳирқа деб ҳам аталган) ёки пўстин қийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмоқ қийиб юритувчилар, яъни суфийлар деб атаганлар. Суфий бошқа одамлардан ўзини пок ва ғарибона турмуш кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қушилишни мақсад қилиб қўйиши билан ажралиб туради. Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Оллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга банда-ю, на бировга ҳожа, у ёлғиз Оллоҳга банда, у ёлғиз Оллоҳга эҳтиёж сезади. Хамма нарсадан воз кечиш, охир оқибатда ўзликдан кечиш-сўфийлик таълимотининг маъноси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: Ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг. Ҳазрат хожа Баҳоуддин айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша “ҳеч нарса” кетидан югуриб ғам ташвишда ҳам эмасмиз.

Эгнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф – суфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади “кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига хирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафас таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштиради. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубилик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: “Ўз нафсинг ёмонлигидан таниш ўзлигини танишдир.” Демак, тасаввуф илми-инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илмидир. Биз бу илмдан 70 йил давомида беҳабар эдик. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизматлари беқиёс бўлган. Хожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотридий ас-Самарқандий, Хожа Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Шайх Нажмиддин Курбо, Хожа Али Ромитаний, Юсуф Ҳамадоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий марифат йўлининг раҳнамолари бўлганлар. Улар яратган таълимот **ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳозирги** кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳикматларида

илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, имонли бўлишга чақиришда файдаланиш ўринли.

Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш-нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ-қул, нафсдан устунликка эришган ғариб-шоҳдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний кадр-қиммати ҳеч ким паймол қила олмайди, -деб билган ўз ҳикматларидан бирида шундай дейди:

Нафс йўлига кирган киши раво бўлур, йўлдан озиб, тойиб, тузиб гумроҳ бўлур. Ётса –турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур... нафс мени йўлдан уриб хор айлади, термултириб халойиққа зор айлади,-деб нафс бешдаларига танқид этади.

Нафс инсондаги бутунликни, иймонни синдиради, маънавий жиҳатдан жарликка қулатади. Шу боис “Нафсни таниб меҳнат этса роҳат”,-деб хитоб қилади. Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз, тарбиямиз учун ғоят муҳим.

Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотида хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам қайд этишимиз лозим. Нақшбандида таълимоти ҳайратларли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маъно ва моҳиятга, ҳаётий мазмунга эга. Нақшбандида маънавий-ахлоқий таълимотига, ҳур фикрликка кенг ўрин берилган. Бу суликдагилар меҳнат қилиш илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириши, ҳаммага яхшиликни раво қуришни афзал билганлар.

Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби бўлган ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қронғуда бул, деган эканлар.

Хожа Баҳоуддиннинг “Кўнгил Оллоҳда бўлсину, қулинг эса ишда” ҳикматларининг инсон-маънавий дунёси такомилидаги аҳамияти беқиёсдир.

Тасаввуф тарақатлари ҳақида ган кетганда, Нажмиддин Кубро асос солган кубровия ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз зарур. Биз Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат бошчисини эмас, балки ўз Ватанини халқини дилдан севган инсонни ҳам кўраимиз. 1221 йилда босқинчи мўғил галалари қадами Хоразмга етиб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни, фуқарони ўз холига ташлаб қочади. Шу калтис дамларда урганчни ҳимоя қилишга 76 ёшлик Нажмиддин Кубро бошчилик қилади ва жангда Қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Унинг сиёмоси халқ қаҳрамони сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Нажмиддин Кубро асос солган Кубравия тариқатининг қоидалари ўнта бўлиб, уларда бу тариқат йўлини тутган суфийнинг ички маънавий дунёси қандай бўлиш кўрсатилган. Инсоннинг сабр – тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пасткашлик, риё, макр ва ҳийла-найрангга бормаслик, ҳайвоний хусусият-шаҳвоний хирсларга берилмаслик ғоялари илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф илми-инсон ҳақидаги илмдир. Инсон қалбига сайқал бериш илми. У инсон одобини –яъни маънавиятини янада юксалтиради. Бутун ислом ахлоқининг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади. Шу тариқа тасаввуф комил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади. Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шу фармонга шарҳда таъкидланганидек: “Ислом оммалашув ва ривож сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирадики, улар бутун Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим рол ўйнади”¹

5.3.Ислом дини ва исломий қадриятларнинг тикланиши.

Яқин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ўташ тақиқланган. Масжидлар, азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳларига қулф урилган, одамларнинг уйларидаги Қуръон, Ҳадис, турли диний адабиётлар териб олиниб, ёқиб

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил, 8-апрель.

юборилган эди. Мана буни “жоҳилия”, нодонлик деса бўлади. Қанчадан-қанча одамларимиз ҳозирги эмин-эркин кунларни қаўмсаб, аммо, кўролмай, армон билан ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустақиллик келтирган неъматлар учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди. Мустақиллик даврдаги исломий қадриятлар тикланди, имон-этиқодимиз ўзимизга қайтди. Бу савобли, эзгу ишларга ҳурматли Президентимиз бош-қош эканлигини ҳар дақиқа эслаб туришимиз лозим. Президентимиз маънавият ва маърифатга оид маъруза ва асарларида Исломнинг маънавий-ахлоқий, маърифий тарбиядаги юксак роли, ўрни, аҳамиятини мунтазам ўқтириб келмоқдалар.

Хусусан бу масалаларга Президентимиз Ислом Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият тўплами, Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлиди”, “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз” каби асар ва рисоаларида жавоб топишимиз мумкин.

“Ислом дини, -деб таъкидлайди Ислом Каримов “Фидакор” газетаси муҳбири саволларига жавобида, ҳаётимизнинг туб-замирига чуқур сингиб кетган. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Миллий қадриятларимизнинг заминлар оша безавол яшаб келишига сабаб-аввало муқаддас динимиз ҳисобидан”¹. Бу ҳолат халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришга Ислом олаmidан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мустақиллик мамлакатимизда ислом дини олаmidан, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, масжидларга, азиз-авлиёлар ётган мақбараларга солинган қулфлар олиб ташланди. Қаровсиз қолган масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Рамазон ва Қурбон ҳайтлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳар йили

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 25-бет

минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умрага бориб келишлари учун имконият ва шароит яратиб берилади.

Улуғ алломалар Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ахмад Яссавий, Замахшарий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матурдий Ал-Марғиноний ва бошқа улуғ зотларнинг юблейлари бўлиб ўтди. 1998 йилда эса Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Қуръони Карим, ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди. Ўтмишда бирорта ҳам диний уламанини юблеи ўтказилмас, диний китобларни нашр этиш тақиқланган эди, юқорида айтганимиздек, борлари ҳам йўқ қилинган эди. 1999 йилда Тошкент Ислом Университети ташкил этилди. Мустақилликнинг 20 йилида ислом дини ва исломий қадриятларни тиклаш борасидаги асрларга тенг амалий ишлар бажарилди. Ислом ва исломий қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда. “Биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Динга ҳурмат ва эътиқод-биз учун ўлмас қадриятдир”¹

Собиқ шўролар тузуми таназзулга юз тутиб, эски ҳукмрон, якка ҳоким большевистик-коммунистик мафкура батамом инқирозга учраб, янги мустақил давлатлар шаклланиши жараёнида маълум муддат ғоявий-мафкуравий бўшлиқ ҳолати вужудга келди.

Ғоявий бўшлиқ нима? Ғоявий бўшлиқ, эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган. Илғор ғоявий қараш тизимининг ҳам шаклланиб улгурмас ҳолатидир. Чунки янги мафкуранинг шаклланиши учун маълум давр талаб этилади.

1990 йилларининг бошларида бундай ғоявий-мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳам намаён бўлди. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Мен кўҳна бир

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон”, 2000. 26-бет.

ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий”²

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррир равишда бегона ва зарурли мафкуралар хуружи бошлашади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг фойдали ёки зарурли эканини ҳамма ҳам дарҳол фаҳмлай олмайди. Ўзбекистондаги мафкура майдонига зарурли, халқимизнинг орзу интилишларига мутлақо бегона ғояларнинг хужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Сўнги йилларда бизнинг диёримизда ҳам таракқиётимиз, осайишталигимизни кўролмайдиган “ваҳҳобийлик” ва “ҳизбут-тахрир” каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлиб қолди. Бундай тўдалар ўзларича масжидларда ғавғо кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини захарламоқчи бўлдилар. Мустақилликнинг берган эркинлигини суйистеъмол қилмоқчи бўлдилар. Бу мутассиб диндорлар ўзларини “ваҳҳобий” ёки “динни тозаловчилар”, “Фундаменталистлар” деб юритиб, аслида эса биринчи навбатда исломнинг ўзига зарба бермоқдалар.

Ваҳҳобийлар бир ярим минг йиллик илм фан, маданият тарихидан, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа юзлаб мутаффақкирлар, сўфийлар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юборишни, мақбараларни бузиб ташлашни тавсия қилмоқдалар.

Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват этмоқдалар. Ахир бу ваҳшилик, нодонлик, Жоҳилликнинг ўзику. Маънавиятли ва маърифатли киши, буни мутлақо қабул қилмайди.

² Каримов И.А. Ўша жой. 26-бет

Ваҳобийлик бизни орқали, жаҳолатга тортадиган, исломни, ислом аҳлини бузадиган хавфли оқим. “Динни тозалаш”, “Соф динга қайтиш” никоби остида ташвиқотлар олиб бориш, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қуяётганлардан миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз лозим.

Диёримизда дин никоби остида иш кўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституцион тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлатини қуриш, халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиши учун турли жиноятлар ва террорастилик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пати қирқилди.

Халқимиз энди эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолатга, қўллик тўзоғига қайтадимиз? Албатта йўқ. Аммо, ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмаслик, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда. Айниқса, ёшларимизни уларнинг зарарли таъсиридан асраб қолиш ҳозирги тарбия ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим. Бегона ва зарарли, моҳияти ғайри инсоний бўлган ғояларга қараши тўра олиш учун ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Иммунитет деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаш, ўзини тули хусусиятлар эга таъсирлардан, ташқи инфенциялар кириб кетишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади.

Лекин инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш ижтимоий-сиёсий ҳаётини эҳтиёж саналади. Чунки кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс ҳар қандай ошқора ёки пинхона кўринишдаги мафкуравий таъсирларга бардош бера олади. Ёшларимиз доимо ва ҳар он огоҳ ва яна огоҳ, сергак бўлишлари замон талаби. Бунинг учун ёшларимиз онгига мустақиллик ғоясини чуқур сингдиришимиз лозим. Токи

улар миллий илдизлари баққувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тарақиёти билан баравар қандам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг “даъвати ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Президентимизнинг “Туркистон-пресс” ахборот-агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида таъкидлаганларидек: “Биз ўз динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ тушурмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини мусулмон фуқароларимизни таққирлашга, жамиятимизга хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман”¹.

Президентимиз айтганларидек ҳар биримиз ҳамиша, ҳар сонияда огоҳ бўлишимиз лозим. Бу мустақил юрт ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. “....Муқаддас динимиз шаънига доғ тушурмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишини истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз”²

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний қадриятларга муносабатларимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин.

Бу йўл Президентимиз асарларида баён қилиб берилган. Унинг моҳияти, мутадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички ботиний оламни поклаб, Оллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму-урфон билан камолат сари бориш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунёвий илмни эгаллаб, замон билан ҳамкордан олға бориш.

Хулоса шуки, мустақиллик берган ҳидоят йўлини турли ёт унсурлардан асраш, уларга берилмаслик, уларнинг кириб келишига йўл қўймаслик лозим

¹ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. “Халқ сўзи” газетаси. 1999 йил 6 март.

² Каримов И.А. Озод ва аבוד Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пиравард мақсадимиз. 26-бет.

бўлади. Тараққиёт яқдиллик, фидойилик ва умуммиллий ғояларимизнинг моддий кучга айланишидадир.

6-Мавзу. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида маънавиятнинг юксалиш

6.1. Амир Темур буюк давлат арбоби, юксак маънавият соҳиби.

Амир Темур –буюк шахс кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, толантли мемор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртни, халқни севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Майда тарқоқ феодалларини бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди. Мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта.

Биринчидан; у мамлакатда юқорида айтганимиздек, кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз тўғри остига бирлаштира олди, муғуллар зулмига барҳам бериб, марказлашган йирик феодал давлатни яратди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун “Темур ва темурийлар маданияти”, “Темурийлар давлати”, “Улуғбек астронимияси мактаби”, “Навоий”, “Бобур” каби қутлуғ сўзлари нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бу гапларнинг заминида албатта, Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади.

Иккинчидан, Амир Темур бир катор халқлар ва юртларни мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдорларидан ҳисоблаган Боязид Йилдиримни тор-мол келтириб, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтатишни икки марта тор-мор этиб, Россияни Мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишни тезлаштирди.

Амир Темур замонида ёзилган асарларни кунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилик, мурувватлилик, эл-юртига меҳр-муҳаббат ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин.

Амрир Темурда ватанни севиш, халқни улуғлаш фахрланиш ва ғурурланиши сингари олий маънавият фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомий ва Шарфиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арлбшоҳнинг “Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари” ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насихатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқороларнинг ташвиши, ранятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиши ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўғитлардир.

Амир Темур 1370 йилда Мовороуннаҳрнинг барча вилоятларини бирлаштириб, мустақил давлатга асос солди. 1370-1405 йиллар давомида мазкур давлат асосида Осиёнинг 27 мамлакатини ўзида бирлаштирган улкан салтанат тузуб, бу давлатнинг ҳар томонлама тараққиёти ва тинчлиги, шунингдек, маънавий маданиятининг юксалиши, гуллаб-яшнаши, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланиши учун шароит яратди. Амир Темурнинг салоҳияти ва буюк маънавият эгаси эканлиги қуйидагиларда намоён бўлади. Азиз жонини гаровга қўйиб Турон ва Хуросондаги феодал тарқоқликни бартараф қилиб, марказлашган давлатга асос солди. Ана шу ҳудуддаги сиёсий зиддиятларга бурканган амиру бекларнинг қаршилигини гоҳ қилич, гоҳ сиёсий келишув билан бартараф

килиб, уларни мураса-..... келтирибгина қолмасдан, уларнинг барча куч-имкониятларини Ватан равнақи, юксалиши сари буриб юборади.

Иккинчидан, давлатни бошқариш ишлари адолат устунига қурилиб, бу бошқарувга иймонли, диёнатли Ватан, эл-юрт манфаатини устун қўядиган, мардлик ва олийжаноблик сифатларини уйғунлаштира олган давлат амалдорларни танлаб жой-жойига қўйди.

Учинчидан, эълон қилинган қонун ва ҳукмлар сўзсиз ўз ижросини топди. Бу қонунлар халқ ва давлат манфаатлари билан ҳамоҳанг эди. Бу қонунлар оддий халққа ҳам, ўқимишли зиёлига ҳам тушунарли, содда, аммо ҳаётнинг муаммолари ечимини топа оладиган мазмун ва моҳиятга эга эди.

Тўртинчидан, турли табақалар, айниқса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалар равнақини таъминлайдиган адолатли солиқ тизими ишлаб чиқилган эди.

Амир Темурнинг фикру-ёди Ватанни, халқ куч-қудратини улуғлаш, бошқалар томонидан эътироф этилишини кўзлаб фаолият юритди. Шу билан Турон халқлари кучу маҳоратида, жангу жадаллардаги жасоратида, фан, ишлаб чиқариш каби барча соҳаларда дунёда бирон бир халқ ёхуд давлатдан кам эмас, балки биринчилардан эканлигини ўзи бош бўлган давр мисолида исботлаб берди.

Амир Темур ўз маънавий оламининг кучи ва юксаклиги билан жаҳонга таъсир-қиладиган имкониятларнинг мавжудлигини кўрсатди, уни эркин, бир вақтда фавқулотда жасорат ва қатъийлик билан амалга оширди. Шу билан дунё сиёсий-худудий харитасини жаҳон халқлари манфаатлари йўлида ўзгартира олган буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда мақомига кўтарилди. Соҳибқурон бобомиз дунёнинг унлаб давлатлари бирлашиб амалга ошира олмаган сиёсий–ҳарбий ишларга қўл урди. Бунга дастлаб Тухтамишдек ҳукмдор билан кейинги навбатда эса Осиё, Африка ва Европа қитъасини титратган Кичик Осий ҳукмдори Йилдирим Боязид билан бўлган ҳаёт –мамот бобидаги сиёсий ҳарбий тўқнашувларда ғалаба қозониб, жаҳондаги ўзигача ўтган давлат ва ҳарбий арбоблардан ҳам юқорига кўтарила олди. Жаҳоннинг кейинги тарихи ҳам унинг бу баландлик ва буюклик поғонасини эътироф этади. Шу боис Амир Темурнинг

сиёсий ҳарбий манфаатлари тўқнашуви ва унинг оқибатлари мисолида яққол кўриш мумкин. Тухтемиш Оқ Ўрда ва Рус князликлари ҳудудларини босиб олгач, бутун жаҳонда ҳукмронлик даъвосини амалга ошириш тўғрисида фикрлай бошлади. Бунинг учун биринчи навбатда Амир Темурни сиёсий-ҳарбий майдондан юлиб ташлаш лозим эди. Ўзининг ҳарбий даҳосига ортиқча баҳо бериб, ғалабасига ишонган Тўхтамишхон Мўғилистон Ҳудудларидан то Болтиқ бўйларига қадар ҳудудлардан лашкар тўплаб, 1391 йил ёзида Самара атрофларида ўзининг сон-саноксиз лашкарини Амир Темур қўшини билан тўқнашувга ҳозирлади. Жанг жаҳон тарихида энг оғир тўқнашув бўлди. Ҳар икки томон бемисл қурбонликлар берди. Соҳибқурон Амир Темур тўла ғалаба қозонди. Бироқ Мухтамиш бу мағлубиятни тасодифга йўйиб, орадан 4 йил ўтиб, яна Амир Темурга қарши чиқади. Бу жанг, Шимолий Кавказ ҳудудида содир бўлди. Терек дарёси бўйидаги бу жанг аввалгисидан ҳам қирғинли кечди.

Амир Темур Тухтамишни мағлуб қилар экан, ўз салтанати ва Ватани равнақи учун қулай бўлган имкониятларга эга бўлди. Аввало Шарқий Европа ва Дашти қипчоқ, қозоқ даштлари томонидан солиниб турган хавф-хатардан бутунлай ҳолос бўлди. Шунингдек Чингизхонгача Ўрта Осиё орқали ўтган ва унинг босқини билан юзилиб ташланган Буюк Ипак йўлининг Штмолий – ғарбий ва шимолий-шарқий йўналиши қайта тикланди. Бу эса Амир Темур давлати иқтисодий ҳаётига катта ижобий таъсирини ўтказди. Хитой ва Шарқий ва Ғарбий Европа билан савдо, дипломатик алоқалар қайта тикланди.

Амир Темур давлатини дунёга танитган ва уни жаҳоннинг саркардаси ҳамда давлат арбоби даражасига кўтарган хизматларидан яна бири Илдиirim Боязиддек салтанат эгасини сиёсий майдондан четлатиб, енгилмас армиясини ўз пойтахти-Анқара остонасида мағлуб этганлиги бўлади.

Айниқса Европа давлатлари Амир Темурни ўзларининг чинакам ҳалоскори деб билардилар. Ўз миннатдорчилигини билдириб, ушбу давлатлар қироллари элчиларини Тоғли Қарабоғ ва Самарқандга соҳибқирон ҳузурига жунатиб, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий шартномалар имзолашди. Хавфсизлигини таъминлашда Амир Темурнинг куч-қудратга таяндилар,

соҳибқурон сиймосида буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, ишончли иттифокни кўрдилар.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, ханоқоҳлар, сароилар, бозорлар, калъалар, каналлар ва бошқа иншоотларнинг сон-саноғи йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳномалиги бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гури Амир, Ахмад Яссавий, занги ота макбаралари, Оксарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилқуш, Боғи Беҳит, Боғу Баланд сингари унлаб гўзал сарой боғлар ва бу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарих бу кўхна дунёда жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг “қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ун ғишт қуйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим” деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчанлик фаолиятининг тасдиғидир. “Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг”, деганда Амир Темур, аввало ўз халқига, келажак авлодларга мурожаат қилгай, десак янглишмаймиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатимиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки Фармонларини мадрасалар барпо этишига, илм толибларга нафақалар тайинланган билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало, ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қулар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган “Куч-адолатда” деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган десак-тўғри бўлади. Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, қабилари тахт ворисларига қолдирган ўғитлари.

“Темур тузуклари”да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли

катламлари-ранятининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, синрехларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган. “Темур тузуклари”да соҳибқироннинг фалсафий ҳуқуқий – сиёсий, маънавий-маърифий қарашлари ўз ифодасини топган. “Тузуклар” Амир Темурнинг буюк давлат арбоби салоҳияти, даҳолик ҳарбий санъат назариётчилиги, инсонийлик дунёсининг маънавий руҳий қувватлари билан мардлик ва шижоатининг ҳудудий кенгликлари ҳақида тўла тасаввур беради. Бинобарин тузукларда ифодаланган ғоялар орқали Амир Темур маънавий оламининг турли жабҳалари ёрқин кўзга ташланади. Бир инсон эга бўлиши мумкин бўлган фазилатлар, истеъдодлар, воқеаларга ақл-идрок, теран зеҳин ва тафаккур билан баҳо бера олиш, ҳар қандай оғир вазият ва шароитларда вазминлик, пировард натижада уни ўз давлати, халқи фойдасига ҳал этиш каби соҳибқиронга хос сифатлар ҳар бир инсон учун бугунда шунингдек келажак авлодлар учун ҳам ибрат мактаби, собоқ бўлиб қолади.

Соҳибқироннинг “Темур тузуклари”дан қуйидаги ситрларни мамнуният билан ўқиш мумкин:

“Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.”

“Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”.

“Кимки бировнинг молини зурлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар”.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли хислатлари намоён бўлган. Буни у бошқаларидан ҳам талаб қилган. Кечиримли бўлиш инсон учун энг яхши фазилат саналади:

“Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қурқув бўлса, унут бўларди”.

“Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат териға ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим”.

“Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Туимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим”...!!

“Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат”.

Амир Темурнинг дўстлик ҳақидаги панду-насихатлари ҳам ҳалигача биз учун ибратдир.

“Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қуйидаги уғитларидан ҳам билиш мумкин:

“Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки қориз кўрса ё бирор боғ кўкартирса, ёхуд бирор хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар...”.

“Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар-бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мискинларга лангахона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар”.

Амир Темурнинг қуйдаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрт, Ватан ҳақида қайғуришга чорлаб келади.:

“Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни куринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг”. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Бу жумлаларда Амир Темур маънавияти жамул-жам бўлган бўлса не ажаб.

Буюк соҳибқурон мафкурасининг асосий моҳиятини ташкил этган- “миллат дардига дармон” бўлишга чақириғи ҳозирги кунда ҳам сув билан ҳаводек зарур даъватдир.

“Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч- бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унигн руҳига қаноат бағишлайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган”¹

6.2.Темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривож.

Амир Темур ва темурийлар даври, умуман Шарқ, хусусан Ўрта Осиё илм-фани, маданияти, адабиёт ва санъати ривожига муҳим босқич, янги тарихий давр туб бурилишдир. Бу даврдаги маънавий-маърифий ҳаётдаги кўтарилиш ва юксалишининг манбаи, бошланиши IX-XII асрларга бориб тақалади. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Ўрта Осиёнинг маданий, маънавий ва маърифий камолоти IX-XII аср маданияти, маънавияти, маърифатининг давомидир. Ўрта Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда шаклланди ва ижод этди.

Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, олимлар – Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушни, файласуф шоирлар-Абдурахмон Жомий, Алишер

¹ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 10-бет.

Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий, мусаввирлар – Камолиддин Бехзод, Қосим Али, Мириқ Наккош; ҳаттотлар-Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад хандон, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукамал билиб ва ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларининг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм, ақл эгалари бўлганлар.

Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серқирра ижодлари тенги йўқ ва такрорланмас илмий-фалсафий, бадий, тарихий асарлари асрлардан асрларга, даврлардан даврларга эсан-омон ўтиб, барча алғов-далғовларга бардош бериб бизларгача етиб келди.

Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилган мусаввирлик санъати Шарқ уйғониш даврининг ютуқларидан биридир. Бехзод ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб жой маҳорати билан нафақат Шарқда, балки, бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдиргандир. “Иккинчи Моний”, “Шарқ Рафаэли” деб юксак даражада эъзозланган Бехзод машҳур сўз санъаткорлари – Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг симоларини яратган юксак маънавият эгасидир.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожини Мирзо Улуғбекнинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат хомийси, буюк омил ва мунажжим. У ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб борувчи 100 дан ортиқ илм аҳилларини тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Ахмад, Муҳаммад Хавофий, Абдул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби замоннинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек шу асосда Самарқандда “Улуғбек академия”сига асос солган эди. “Зижи жадиди Курагоний” (Курагонийнинг янги астронимик жадвали) ва “Турт улус тарихи” номли асарларининг муаллифидир.

Мирзо Улуғбек фан хомийси бўлиши билан бирга, мамлакатда маърифат ривожига ҳам катта аҳамият берган алломадир. У Мовароуннахрда учта мадраса курдирди. Булардан бири Самарқандда (1417-1420), иккинчиси Бухорода (1417) ва учунчиси Ғиждувонда (1433)дир. Ҳатто, Бухородаги мадраса пештокига ҳадисдан: “Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир”, -деб ёздириб қўйди.

Мирзо Улуғбек кўпроқ буюк олим, илм-фан, маърифат хомийси бўлгани учун ҳам янада қадрлидир. У геометрия, математика, астронимия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқа илмларини билган. Қуръон, Ҳадис ва фикр илмларидан яхши хабардор бўлган алломадир. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астронимиянинг ривожига Мирзо Улуғбекнинг хизматлари бекиёсдир. Унинг даҳоси бугун ҳам инсониятга хизмат қилмоқда.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожига ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, халқлар осойишталиги ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишланган икки буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501) ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдурахмон Жомий Ўрта Осиё халқлари маънавий оламида, бадиини тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, ўлмас из қолдирган. мутафаккирлардан биридир. Абдурахмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкураси бўлмиш нақшбандийчиликка ихлос қўйган, уни қабул қилган, ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган. Нақшбандтлик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, ғирром йўллар билан мол-мулк топишни қоралаган. Бу таълимот инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлайган. Унинг “Дил ба ёру даст ба кор” – “Кўнгил Оллоҳдаю, қўл меҳнатда” шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийлик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этганлар.

Абдурахмон Жомий “Хирандноми Искандар” (Искандар ақлномаси) асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу додига кулоқ тутувчи ҳукмдор сиймосини яратади. Ҳукмдор адолатли ва одил бўлиши лозим деб, одиллик ва адолатни нурга ўхшатади.

Агар чикса адолатнинг куёши,
Таралгай ҳар томон нури зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдан,
Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси-деб хитоб қилади.

Жомий эл-улусга, инсонга яхшилик қилиш, уларга нисбатан мурувват кўрсатиш инсон жонини улуғлайди, деб шохларни, ҳукмдорларни шунга чақиради:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,
Қачонгача тожумуҳр қолади?
Мулку бойлик бари кетади бир кун
На замон, на замин на Наҳр қолади.
Қўйилган келганча яхшилик қилғил,
Жаҳонда сенга шул меҳр қолади., -
деб ёзган Жомий нечоғлиқ ҳақ эканлигини англаб ётмоғимиз даркор.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди. У адабиёт санъатининг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. “Чор девон”, “Ҳамса”, “Маҳбубул қулуб”, “Муҳоқамат у-луғатайн”, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ўз асарларида золим, мустабид, нодон маишатпараст шох ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, халқпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғанидин ғами.

Мазкур байт Алишер Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Алишер Навоий бутун умри давомида инсонпарварликни, одамийликни ўйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: “Шоҳи ғарибон”, яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи.

Алишер Навоий саховат ва мурувватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича хайрия ишларига сарфлаган.

Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган. Муҳтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган.

Алишер Навоийнинг бундан қарийб 550 йил аввал илгари сурган ғоялари асрлар оша аҳамиятини, ҳаётийлигини йўқотмаган. Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик, халқлар тинчлиги учун олиб бораётган кураши билан ҳамоҳанг бўлиб янгирамоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс ва беназирдир. Буни ҳаммамиз тўғри англамоғимиз лозим, ул улуғ зод ила фахирланишимиз барчамизнинг барчимиз.

6.3. Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган маънавий меросини маънавий тикланишида тутган ўрни

Миллий мустақиллик туфайли жаҳон маънавияти ва маърифати соҳасида ўз ўринларига эга бўлган пиру-комил аجدодларимизни ва улар қолдирган бой маънавий-маърифий меросни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш имконияти юзага келди. Буюк давлат арбоби, маърифат ҳомийси, юксак маънавият эгаси Амир Темур ва унинг авлодлари қолдирган, абадийликка дахлдор мероси бугунги кунда халқимиз руҳий-маънавий покланиши ва миллий ўзлигини англашнинг битмас-туганмас чашмасидир.

Биз бугун яшаётган Мустақил Ўзбекистон давлатидаги тарихий гўзал мақонларнинг кўпчилиги Амир Темур ва темурийлар даврида вужудга келган. темурийлар даври ҳар соҳада чинакам уйғониш даври бўлди. 150 йиллик мустамлакачилик, 70 йилик қарамлик йилларида шундай буюк зот, дунёга машҳур давлат арбоби, улуғ бунёдкор Амир Темур шахсиятининг асл моҳиятига холис ва ҳаққоний баҳо бериш имконидан маҳрум бўлиб яшадик. Шўро тузуми соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқатни халқдан яшириб келди. Бобокалонимиз тўғрисида икки оғиз илиқ сўз айтилган барча манбалар кўздан яширилди, тақиқланди ёки сохталаштирилди. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек. “Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора буёқ билан ўчирилди, унитишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан, миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди”. Ёки Президентимизнинг яна қуйидаги сўзларини эслайлик. “Шуро даврида бизга Амир Темурни босқинчи, золим, қонхур жаллод, бориб турган жоҳил, деб ўқтириб келишди.. Амир Темур ҳақидаги бу уйдирма-соф сиёсий мақсадларни кўзлаган тухматдан иборат. Биласизми, бу ишларнинг тагидаги мақсад битта бўлган, яъни бизнинг ўзлигимизни, тарихимизни унуттириш бизни манқуртга айлантириш. Шунинг учун ҳам биз Амир Темурнинг

хурматини жойига қуяр эканмиз, биринчи галда шу савобли иш орқали халқимизнинг, миллатимизнинг иззат-хурматини жойига қўйган бўламиз. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур. Ўзлигимизни англашимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз ҳам қарз, ҳам фарз”.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ Президентимиз Ислоҳ Каримов бой маънавий меросимиз, дану-имонимиз, қадриятларимиз, шу жумладан улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темури ноини, у ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга шахсан раҳнамолик қилиб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги бизга буюк соҳибқиронни ҳам қайтариб бергани билан алоҳида қадридлир. Хорижда сиймоси йиллар давомида театр сахналаридан тушмай келган, Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин китоблар ёзилган, кўпдан-кўп сувратлари ишланган, қисқаси, дунёга машҳур бўлган улуғ зот Амир Темури яна халқимиз қалбидан муносиб ўрин олди.

Истиқлолимиз энди кўртак отаётган даврда Тошкентнинг марказидаги хиёбонда соҳибқиронга ўрнатилган мухташам ҳайкал мустақиллик пойдеворига қўйилган олтин ғишт бўлди.

1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги 1996 йилда эса соҳибқирон таваллудининг йиллиги муносабати билан дунё миқёсида улкан тадбирлар ўтказилди. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган юбилей тантаналари муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра “Амир Темури” сайрия жамғармаси ташкил этилди. Дунёнинг таниқли сиёсат арбоблари, олимлари, ёзувчилари, тарихчилари иштирокида илмий – амалий анжуманлар ўтказилди. Президент фармони билан юксак мукофот Амир Темури ордени таъсис этилди. Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши республикаимиз, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Юбилей муносабати билан куйлаб тарихий-илмий асарлар, рисолалар, албомлар ва бошқалар. Шу ўринда Амир Темурининг ўзи яратган “Темури тузуклари” рисоласини академик Бурибой Аҳмедовнинг “Амир Темури” тарихий романини, Эркин Азимовнинг “Амир Темури салтанати” рисоласини, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърий драмасини, Шарафиддин Али

Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг “Зафарнома” асарларини Ф.Ашрлфийнинг “Темурийлар даври миниатюраси” каби нашрларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Юқорида айтганимиздек, ўзоқ йиллар давомида мустамлака ва қарамлик исканжаси остида кун кечирган халқимиз Амир Темур каби ўз ватандошини кадрлаш, унинг тарихий мавқеясини муносиб ўрнига қўйиш имконидан маҳрум эди. Бунга интилган, ҳаракат қилган олим, файласуф, тадқиқотчига миллатчи, ўтмишни идеаллаштирувчи деган тамға босилар эди. Мустақиллик туфайли буларнинг ҳаммасига барҳам берилди. Мустақилликнинг манашу нурафшон кунларида юртимиз узра Амир Темурнинг руҳи биздан рози бўлиб кезиб юрган бўлса не ажаб!

“... давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайратшижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз”¹.

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик туфайли ўзбек халқининг маънавий тикланиши борасида олиб борилаётган кенг жабҳадаги хайрли ишлардан бир нишона холос.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима учун Амир Темурни буюк давлат арбоби ва саркарда деймиз?
2. Амир Темурнинг юксак маънавият эгаси эканлигини изоҳланг.
3. “Темур тузуклари” қандай асар?
4. “Темур тузуклари” асаридаги адолат, тўғрилиқ, ҳалоллик дустларга садоқат, ватанпарварлик тўғрисидаги фикрлардан мисоллар келтиринг.
5. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
6. Улуғбек академиясида фаолият кўрсатган олимлардан кимларни биласиз?
7. Нима учун Алишер Навоийни “Сўз мулкининг сулатони” деб атаймиз?

¹ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Т., “Шарқ” 1998. 15 бет.

8. Алишер Навоий маънавиятини ифодаловчи қандай хислатларини биласиз?
9. Алишер Навоийнинг қандай асарларини биласиз?
10. Мустақиллик ва Амир Темур, Темурийлар даврига муносабатдаги ўзгаришини тушунтириб беринг.

7-Мавзу. Жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва уларнинг халқ маънавиятини қўтаришда тутган ўрни

7.1. Жадидчилик ҳаракатининг мазмуни ва унинг умумхалқ маънавиятини қўтаришдаги роли.

Маърифатнинг луғовий маъноси билиши, таниш билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятни оширишга қаратилган таълим тарбия жараёнларидир. Маърифат сўзининг кўпликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида-табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани-билимни, муайян соҳада маълумоти бор демакдир.

Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак маърифат –билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир. Маърифат асосан умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаб ва касб-ҳунар коллежларида тарқатилади. Маърифат тушунчаси маориф тушунчасидан кенг бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари, шакллари ва соҳаларини ўз ичига олади.

Жамиятда маърифат, яъни билим маърифатпарварлар орқали ёйилади. Маърифатпарвар-маърифат учун курашувчи илм, билим чироғини ёқувчи, маърифат хомийси ва тарафдори демакдир.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замоннинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидоий, элим, юртим деб яшавчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билин шуғулланадилар.

Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим ғояларни илгари сурадилар, шу ғояларни амалга ошириш учун кураш олиб борадилар.

Маърифат маънавий қарамлик, кўркув ва ҳадиқни бартараф этади. Инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Шунинг учун озодлик учун курашчилар мамлакат, миллат озодлигини халқнинг маърифий уйғоқлигида деб биладилар ва маърифат учун курашадилар.

Туркистон маърифатчилиги мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Махмудхўжа Бехбудий, Мутававварқори Абдурашидхонов, Абдулқодир Шакурий, Ашӯра Зоҳидий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Ибрат ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан холос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидоий зодлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, жаҳон халқларининг илму-маърифати, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина парчаламоқ, озодлик сари бошламоқ мумкин эканлигини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожланишида ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар. Кўринадик, жаҳидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятни юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир.

Жаҳидчиликнинг асосида “Жаҳид” сўз ётади. Жаҳиднинг маъноси “янги демадир, у шунчаки “янги” ё бўлмаса “янгилик тарафдори” дегани эмас. Балки “янги” тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган.

Жаҳидчилик ғояси Миллат ва Ватаннинг ҳаёт–момот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг уради. Чакмоқдек чарақлаб унинг бағридаги жароҳатларни ёритади. Обираҳмат бўлиб, она-Туркистон кўксидаги маориф, матбуот, театр ниҳолларига ҳаёт бахш этади. Бу ғоянинг асосида миллий уйғониш, миллий мустақиллик учун кураш ётади.

Жаҳидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун кўрашгача бўлган қизғин ва ҳаёжонли жараён ташкил қилади. Бу

ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Жаҳидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий топтоғи учун биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етадилар ва тинч халқни уйғотишга алоҳида эътибор берадилар.

Халқ эса, Пўлатхон ва Дукчи Эшон воқеаларидан “Туркистон” мухторияти” моҳиятини англаш ва қўллашгача бўлган масофани босиб ўтди. Жаҳидларимиз сиёсий ишлар ҳақ-ҳуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Айни пайтда, мактаб - маориф ислоҳ қилина бошланди. Миллий матбуот йўлга қўйилди. Театр пайдо бўлди. Янги адабиёт шаклланди. Бир сўз билан айтганда, янги тафаккур майдонга келди. Бу миллий ўзликни англаш ва мустақиллик мафкураси эди.

“Жаҳид” атамаси Туркия туркларида илк марта Султон “Салим ҳукмронлиги (1739-1802) даврида пайдо бўлди. Австрияга элчи қилиб юборилган Абубакр Ратиб афанди шоҳга ёзган билдирувларида у ерда кўрган идора тизимини “Низомии жаҳид” деб тушинтиради. 1789 йилги Француз инқилобидан кейин қурилган янги тизимни эса “Франсия низомии жаҳиди” дейила бошланди. Шу йиллари “Низомии жаҳид”-тор маънода аскарий тизимни оврупалаштиришни, кенг маънода илм-фан, маориф, саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни кўзда тутди. Жаҳид ва қадим ибораси кейинги асрларда майдонга келган бўлсада, у моҳиятдан эскилик ва янгилик, тараққиёт ва турғунлик ўртасидаги, эски курашдир. “Юнон қадимчилари милoddан аввалги IV асрда Сукроатни Жаҳидчилик қабоҳати билан айблаб, қатл эттирдилар”, -деб ёзади. Исмоил Гаспириский “Қадимчилик-Жаҳидчилик” (“таржимон”, 1909 йил 19-сон) мақоласида. Шундан ҳозиргача, масалан, ҳатто замонамизнинг энг маданий, энг мутараққий инсонлари ўлан инглизлар орасида ҳам қадимчилар ғоят кўпдир”, -деб давом этади муаллиф ва буларнинг тепасида ҳатто оламга машҳур олимлар, сиёсатчилар, иқтисодиётчилар турганини айтади.

Абдулла Авлоний “Бу кунда маданий миллатлар урушларини саноат ва тижоратга айлантирдилар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар”, -деб ёзади. Фитрат ва Чўлпон бўларни “маданият ваҳшийлари” деб атайдилар. Моҳият ўша-ўша, ўзгарган эмас. Фақат шакллар ҳар хил.

Самоварни сувининг ичида ўт ёнади, бу ерда сеҳр бор, бинобарин ношаръий, томеъларининг шамларини электр билан алмаштиришга тиш-тирноқлари билан қарши чиқиши “усули жаид” мактабини, замонавий фан-техникасини рад эт иш, газета, театрга “шайтоний иш”, “шаккоҳлик” деб қараш ва уларнинг ҳаммасидан кофирлик излаш жаид-кадим курашининг бир кўриниши сифатида намоён бўлган эди. Жаидлик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий маърифий ҳаракат яқингача ҳам у фақат маърифатчилик ҳаракати деб келишди. Бу атайлабдан қилинган эди. Мақсад- жаидчилиكنи доирасини торайтириш, социалистик-коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаш мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди. Аслида эса:

1. Жамият барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкуракси бўлиб хизмат қилди:

2. Мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан дунё қурган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатларнинг дастлабки натижаси эди;

3. Маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқарди.

“Русия жаидчитлиги”, “Бухоро жаидчилиги”, “Туркменистон жаидчилиги” деган атамаларни учратамиз. Бизнингча, ҳаракат умумий, кўринишлар конкрет бўлганлиги учун фарқли, моҳият битта янгиланиш. Бу турли жойда турлича намоён бўлди. Масалан, Туркияда 1839 йилдаги машҳур Мустафо Раший Пошо томонидан ёзилган, Гулхони хатти “Хумоюн” номи билан қириб, “Танзимотни” бошлаб берган давр ҳам, бизча, янгиланишдир - жаидчиликдир. Тўғри, у асосан, ғарблашишни тамал қилиб олган эди.

Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, бунга қарама-қарши равишда “туркчилик”, “усмончилик”, “исломчилик”, “турончилик” каби миллий ғоялар ўртага ташланди. Оврупалашиш бизда ҳам жаидчиликнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган. Чор ҳукумати бундан маҳаллий халқни руслаштириш йўлида фойдаланди ҳам. Лекин мезон-маҳаллий халқнинг ўз дини ва эътиқодини

дахлсиз қолдириш. Овропа илм-фанини шуларнинг муҳофазасига хизмат қилдириш учун кураш кетди. Туркчилик, исломчилик, маҳаллий ўзбекчилик кабиларнинг бу ерда ҳам майдонга келиши бежиз эмас. Аслида бизнинг жадиждларда фикр ва ғоя қоришиқлиги жуда кучли. Мана, масалан, янги ўзбек адабиётининг шаклланиши бошида турган Муқимий, Фурқатларни олинг. Улар 30-йилларда жаид адабиёти вакиллари сифатида тўғри талқин қилинган. Муқимий ўз ҳажвий асарларида савдо ва саноатнинг, яъни капиталистик турмуш тарзининг миллий ахлоқимизни бузаётганини танқид қилади. Фурқат эса, унинг ҳаётимизга кириб келаётганини мадҳ этади. Бири тасдиқ, иккинчиси инкор йўлидан боради. Ёки Дукчи Эшонни олинг. У куч, зўрлик билан мустақилликка эришиш тарафдори, у ҳам жаид: дин ислоҳотчиси, сиёсий курашчи. Жуда кўп жаидларимиз уни рад этдилар. Бир қатор жаидларимиз онгли суратда советлар билан ҳамкорлик қилдилар, коммунист бўлдилар. Бу билан ҳам ҳисоблашмоқ керак. Бу ҳол, айниқса, мустақиллик учун олиб борилган курашда яққол кўринди.

Бу борада 3 йўлни кузатиш мумкин:

1. Русияга тобеликдан зўрлик билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи Эшон кўзғолони, 1916 йил мардикорлик ҳаракати, босмачилик).

2. Мураса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (И.Гасириали, М.Бехбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга киритиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний).

Жаидларнинг пойдевори, тамал тоши усули жаид мактаби эди. Бу табиий, ҳамонки мақсад жамиятни янгиламоқ экан, уни янги авлодгина қилиши мумкин эди. Янги авлодни эса, етиштирмоқ лозим. Эски анъанавий усулда бу ишни амалга ошириш қийин. Чунки замон ўзгарган. У тезкорликни талаб қилади. Иккинчидан, бугунги ўқувчи тарих, жуғрофия, иқтисод, физика, кимё,

математика каби замонивий фанларни билиши керак. Сунчи уч-тўрт аср дунё тақдирини бошқа ўзанга солиб юборди. Оврупани олдинга олиб чиқди. Энди Оврупо илм-фанини эгалламасдан дунё билан баробар яшаб бўлмайди.

Бу илм-фанни ўзлаштирмоқ учун Оврупа тилларини билмоқ керак. Айни пайтда ўзликни ҳам сақламоқ лозим. Дин-диёнат ҳам зарур. Хуллас, яшамоқ учун учала жиҳатни ҳам ушламоқ керак бўлади. Ушлаганда ҳам ҳеч бирини суистеъмол қилмасдан. Акс ҳолда мувозанат бузилади. Мувозанат бузилиши эса, ёмон оқибатларга олиб келади. Масалан, ёлғизгина дин ушланса, дунё кўлдан кетади. Фақат ўзлик, миллат десак, яна дунёдан ажралиб қоламиз. Бировнинг биз билан иши бўлмайди. Оврупалашсак, ўзлик йўқолади. Бу ҳам фожиа.

Бугун биз юзма-юз бўлиб турган миллий ғоя, миллий мафкура масалалари бундан юз йил олдин жаҳидларимиз томонидан ҳам кун тартибига қўйилган ва қизғин муҳокама қилинган эди.

Аввало, “миллат” ва “миллийлик” ҳақида. Маълум бўлишича, миллат тушунчаси илк бор қадим юнон файласуфи, бундан салкам икки ярим минг йил муқаддам яшаган Демокрит томонидан қўлланилган экан. У бу тушунчани “ҳар бир мамлаканинг ягона соҳиби” деб тушунтиради. Дин ва ирқ масаласи, миллат ва мазҳаб масаласи туркий халқларда ҳеч бир замонда четга суриб қўйилган эмас. Аксинча, ҳамиша диққат-эътиборда келган. Буюк Навоий замондошларини таърифлар экан, -“шамс ул-миллат”, “зайнул-миллат”, “нур ул-миллат” сифатларини қўллайди.

Энди ғоя ҳақида. Халқлар ҳаётидаги барча воқеаларнинг тоғ-заминида у ёки бу ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало улар ҳақидаги орзу-ниятлардан бошланган. Ислом ғоялари ярим дунёни бир ҳовуч араблар атрофига бирлаштирди. Москва атрофига бирлашув ғояси қудратли Русияни майдонга келтирди. Тенглик ва озодлик ғояси французлар мавқеини Оврупада сарбанд қилди.

Ғоясизликчи! Тарих неча марталаб ақлу истеъдодига гувоҳ бўлган Шарқ халқлари нега бундай залолатга ботди? Неча юз миллион хитойлар, ҳиндлар

сўнги минг йил давомида ўзларини кўрсата олмай, нега бошқалар етовига тушиб қолдилар. Сабаби-ғоясизлик

Бир миллатнинг – қувват ва матонати унинг саодати ва фароғати аҳлининг оз-кўплиги билан эмас, аъзоларидаги маданият ва тараққиётга омил ҳаётий хусусиятларининг даражаси билан ўлчанади. Илму-хунар ғайрат ва меҳнат билан кўлга киради. Ғайрат ва меҳнат эса илму хунар туфайли самара беради. Булар ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Қавмининг кўпчилиги жисман соғ бўлиб, илму хунардан бебаҳра қолиши ва ҳаёти паришон бўлиб, ўзини ҳимоя қилмоқдан ожиз ҳолда тушиши мумкин. Илм-маърифатда қувватли Оврупо миллатларининг соғлом Африкани асоратга олишлари бежиз эмас.

Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Маърифатга эҳтиёт, илм-фанни эгаллаш ғояси миллатнинг кўпчилиги томонидан англаниш керак. Дарҳақиқат, жадиждларимиз олиб борган барча ишлар матбуотнинг йўлга-қўйилиши, “усули жаид” мактаби назарияси ва амалиёти, театрчилик, ҳамма-ҳаммаси шунга хизмат қилдирилди. Шу тариқа ҳар бир ғоянинг миллий ғояга айланиши, жадиждларимиз фикрича икки шартни тақозо этади.

1. Ғоя миллатнинг туб, асл эҳтиёжларидан, туриш-турмушидан, асрий анъаналаридан, ўзлигидан ва табиийки, имкониятидан келиб чиқмоғи лозим.

2. Мазкур ғоя миллат томонидан англаниши, ҳис қилиниши, бошқача айтганда, онгига жойлашиб, юрагидаги ўтга айланмоғи, сўнгсиз иштиёқ ҳосил қилмоғи керак.

Табиийки, ҳар бир миллат тараққий топмоғи учун жаҳон илм-фани янгиликларидан, умуминсоний ғоялардан фойдаланмоғи шарт. Лекин муҳим бир шарт билан. Бу фикр-ғоялар миллатнинг қалби ва онгидан ўтмоғи, “Миллийлашмоғи” керак. Шундагина у миллат йўлида хизмат қила олади.

Миллат тушунчаси бирликни талаб қилади. Бирлик дейилганда, асосан лисоний, ирқий, диний муштараклик кўзда тутилади. Шулар асосида миллатнинг уйғониши, ўз-ўзини англашида муҳим рол уйнаган, лекин сўнгроқ асоссиз равишда айблов восиқасига айлантирилган панисломизм, пантуркизм,

пантуронизм, маҳаллий миллатчилик каби тушунча ва атамалар пайдо бўлди. Уларнинг айримлари ўз даврида миллий ғоя даражасига кўтарилди лекин сиёсий жиҳатдан амалга ошириш имконияти бўлмагани учун замон қатларида қолиб кетди.

Дунёда яшаб турган ҳар бир миллатнинг ўз феъли-табиатидан, ҳаёт шароити ва турмуш тарзидан, маслак –эътиқотидан келиб чиққан, асосий тарихий тажрибалари билан мустаҳкамланиб, такомиллашиб борган ва борадиган фикр-қарашлари тизими бор. Бу тизим миллатнинг борлиқ ва табиатга муносабатидан тортиб, жамият, ахлоқ, сиёсатигача бўлган қарашларини қамраб олади. Давлатчилиги, унинг қамоли ва заволи, идора тузуми, аскар тутуми. Зеҳнияти, завоқи –диди, имон-эътиқоди каби миллатнинг тарихи, турмуши билан боғлиқ унлаб масалаларни ойдинлаштирмасдан у ҳақда аниқ фикр билдириш қийин. Лекин шуниси аниқки, миллий мафкура жамият ҳаётининг жон томири. У қуриса, миллат ўсишдан тўхтабди, жамият бузилади.

Унинг асослари тарихда, урф-удум, анъаналаримизда. Уни тиклашнинг зарурлигини биринчи бўлиб жаҳидларимиз сездилар.

“Мафкура”–“фикр”дан олинган. Фикр-ғоя, демакдир. Фикр-ғоя кўпроқ “ҳикматли сўзлар”да мақолларда сақланиб қолган. Мирза Бобур 1527 йилда бир кўнгилсиз воқеа муносабати билан Ҳумоюн ва Камронга ҳат ёзади. Жумладан, Камронга мактубида “Севарларнинг итини ҳам севарлар” деган оталар сўзини келтиради.

1505 йилда Ҳусайн Бойқаронинг темурийлар қўшинини Шайбонийга қарши бирлаштириш муҳокама қилинадиган йиғинга таклифига жавобан эса, “Эл аёқ била борса, биз бош била боргаймиз. Эл таёқ била борса, биз тош билан боргаймиз”, -деб ёзади. Бу миллатнинг муҳаббатига, садоқатига тимсол. Муҳаббат ва садоқатнинг бу миллатда ҳеч қачон чала-чулпа бўлмаганлигига, ҳамиша бутун келганига далил.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллатимизнинг руслар томонидан “Сарт” аталишига исён қилиб чиққан бир мақоласида ёзади: “Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтурганларни қул-марқуқ (манкурт шундан

олинган) дерлар”. Демак, бу миллатнинг тарихини таниши, номус-ифтихор туйғуси баланд бўлган.

Мафкура тукилмайди, яратилмайди. Асрий анъаналардан шаклланади. Бу ерда тарих муҳим. Тарихнинг ҳам адабиёт, фалсафа этнография, психология билан туташ нуқталари айрича аҳамиятга эга.

7.2. Жадинларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдири.

Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларида Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Суфизода, Тавалло, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Исҳоқжон Иброт қабила ғоят оғир шароитларда тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолатини юксалтириш, унинг кадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилдилар.

Маърифатчи жадидлар моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш давларида миллатнинг онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар.

Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очарда, улар ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик қаби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил равожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур. Биз эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари интилоқдимиз. Бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш, Президентимиз Ислам Каримовнинг “Туркистон” газетаси муҳбирини саволларига берган жавоблари, яъни “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан кўрмоқдамиз”да: “Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, энг аввало, таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масала кенг

жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш. Мактаб-маориф тармоқларига хомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур”¹.-деб таъкидлаганларида юқорида биз каламга олган фидоий, сахий, миллатпарвар инсонлар каби бўлишга чорлаётган бўлсалар, не ажаб!

Фитрат (тахаллуси асл исм шарифи Абдурауф Абдурахим ўғли) (1886-1938) – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. Биринчи ўзбек профессори

Туркия, Ҳиндистон, Арабистон ва Россиянинг йирик шаҳарларида бўлган. Ўқишни давом эттириш мақсадида Туркияга бориб, 1909-1913 йилларда Истамбулда яшаган. Фитрат ўша вақтда Туркияда кучайган ёш турклар ҳаракати таъсирида Туркиядаги бухоролик ёшлар ёрдамида “Бухоро таълими маориф жамияти”ни тузади. Жамият Бухоро ва Туркистон маорифининг олға силжишига доир муҳим ишларни амалга оширади.

Фитрат Туркияда таҳсил олиш, маърузалар ўқиш билан бирга самарали ижод ҳам қилган. 1909 йили Истамбулда унинг форс тилида ёзган “Мунозара”, “Сайҳа” (“Наъре”) шеърий мажмуаси, 1912 йилда эса “Сайёҳи ҳинди” (Баёноти сайёҳи ҳинди) асарлари нашр этилади. Кейинчалик Фитратнинг миллатчи, туркпараст ва исломпараст ёзувчи сифатида қораланишига сабабчи бўлган бу асарлар XX аср бошларида Туркистондаги миллий уйғониши ҳаркатининг норасмий дастури бўлиб хизмат қилган. Айниқса, “Мунозара” ва “Сайёҳи ҳинди” асарлари ёшлар дунёқарашининг кескин ўзгариши ва уларнинг жадиदлар сафига келиб қушилишига сабабчи бўлган.

Фитрат ватанига қайтгач жадиदчилик ғояларини кенг тарғиб этди. Ёш бухороликлар ҳаракатининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланди.

1915 йилдан эса ёш бухороликлар ҳаракатининг сўл қанотига бошчилик қилди. 1917-1918 йилларда Самарқандда, 1918 йил мартдан Тошкентга келган.

1919-1920 йилларда Афғонистонни Тошкентдаги воколатхонасида таржимонлик қилган, “Чигатой гурунги” маърифай-адабий уюшмасини, шунингдек, “Тонг” журналинини ташкил этиб, ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга киришган.

БХСР ташкил топиши билан Фитрат 1921 йилда маориф, 1922 йилда хорижия –ташқи ишлар назари, халқ хўжалиги кенгаши раиси, МИК ва Халқ нозирлари шўроси раисининг ўринбосари ва бошқа лавозимларда ишлади.

У шу даврда БХСР маблағи ҳисобига 70 нафар туркистонлик истиқболли ёшларнинг Германияга бориб ўқиши, Бухорода Шарқ мусиқаси матабининг ташкил этилиши, фан ва маданият тарихига доир халқ қўлида сочилиб ётган ноёб қўлёзмаларни тўплашда ташаббускор бўлди.

Фитрат 1923-1926 йилларда Москвада Шарқшунослик илмий текшириш институтида ишлади. 1927 йилдан 1937 йилгача Самарқанд Олий педагогика институти ҳамда Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида фаолият олиб боради

Мунавварқори Абдурашидхонов (1878, Тошкент 1831 Масква) – Ўрта Осиё жади́дчи́лик ҳаракатининг йўлбошчиси. XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларди бири, адиб ва шоир.

Мунавварқори ҳам бошқа жади́длар каби Ватан равнақи ва миллий тараққиётнинг асосий омили деб халқини саводли ва маърифатли қилишни тушунади. У ана шу фикрдан келиб чиқиб Тошкентда 1901 йилда усули жади́д мактабини очган ва шу мактаблар учун махсус ўқув дастурлари тузган, дарсликлар ёзган. 1904 йилдан бошлаб ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётга аралаша бошлаган. 1906 йилдан “Ўрта Осиёнинг умргузорлиги”, “Тараққий” газеталарида адабий ходим. Шу йили ношр ва муҳаррир сифатида “Хуршид” газетасини ташкил этган. “Шухрат”, (1907), “Тужжор” (1907), “Осиё” (1908) газеталарини ғоявий бошқарган ва адабий ходим вазифасини бажарган. Сунг “Садойи Туркистон” (1914-1915) газетасида масъул муҳаррир муовини, “Ал-ислоҳ” журна́ли. (1915-1917)да махфий муҳаррир. “Нажот” ва “Кенгаш” (1917) газеталарида масъул муҳаррир.

Мунавварқори турли жамият ва уюшмалар ташкилотчиси. У “Жамият Имдодия”(1909), “Турон” (1913), “Туркистон” кутибхонаси (1914), “Умид” (1914), “Мактаб” (1914), “Кумак” (1921) жамият, ташкилот, ширкат ва уюшмаларида муассис, муовин, раис.

Муновварқори бир қанча дарсликлар муаллифидир. Унинг “Адиби аввал” (1907), “Адиб ус-соний” (1907), “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк” “Тажвид” (1911), “Жавоййжи диния”. “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” (1912), “Ер юзи” (1916-1917), 4 қисмдан иборат “Ўзбекча тил сабоқлари” (Шорасул Зуннун ва Қаям Рамазон билан бирга) дарсликлари бир неча марта чоп этилган.

Европа савдо-саноат, илм-фанини ўрганишга чақирган, маънавий қолоқликни қоралаган. Чор ва шуро ҳукуматлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатиға қарши изчил кураш олиб борган. 1917-1924 йилларда “Шурий ислом” “Турк одам марказият”, “Иттиҳод ва тараққиёт”, “Миллий иттиҳод”, “Нашри маориф” каби жамият, фирма ва ташкилотлар фаолиятиға раҳбарлик қилган.

У виждон эркинлигини инкор этмаган дунёвий демократик давлат тарафдори бўлган. Умр бўйи ўз ватанини мустақил кўришни истаган.

Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919) – маърифатпарвар, Туркистон жадиличилик ҳаракатининг раҳнамоси. У янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси: янги мактаб ғоясининг назорийчиси ва амалётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист.

Ёшлигидан илм-фанга қизиқди, ҳисоб, ҳуқуқ, дин соҳасини, шунингдек араб, форс, рус тилларидан чуқур сабоқ олди. У Маккага, Мадинага борди, ҳаж зиёратини адо этиб, Миср ва Туркия шаҳарларида бўлди. Претрбург, Минск, Қозон, Уфа, Оренбург ва Нижний Новгород каби Россия шаҳарларида янги давр маданияти билан танишди.

Ёш Бехбудий дунё қарашининг шаклланишида Россия жадиличилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиринскийнинг таъсири катта бўлган.

Махмудхўжа Бехбудий болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган

мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўртага ташлади. У қуйидаги уч қонидани олға суради:

1. Замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш;
2. Миллат тақдири ва истиқболини белгиловчи миллий Қадрларни етиштириш;
3. Миллий биқиқикдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш.

Унинг ташаббуси билан янги усул мактаблари очилди. Адиб бу мактаблар учун 1904-1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол”, “Амалиёти ислом”, “Мухтасар тарихи ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзади.

Бехбудийнинг маърифатни ўстириши учун мактабнинг маориф соҳасидагина хизмат қилиб қолмасдан, драматуругия ва матбуотни ҳам йўлга қўяди. Унинг “Падаркуш” (1913) асари ўзбек драмасининг илк намунасидир. Муаллиф “Миллий фожия” деб аталган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда эди. Бу асар ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат панд берганлиги ҳақида ҳикоя қилади. “Падаркуш” дастлаб Самарқандда 1914 йилиги 15 январида сахнага қўйилади. Авлониининг “Турон” театр труниаси томонидан Тошкентда 1914 йилнинг 27 феврилида намоиш қилинади. Бой ролини Авлониий ижро этади. Ўз маишатиға ўралиб, дунёни унутган миллатдошларга спектакль кучли таъсир кўрсатади.

Халқнинг дунёқараши, миллий онгнинг юксалтиришда матбуотнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини билган Бехбудий 1913 йилдан матбуот ишлари билан шуғуллана бошлайди.

У “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналини нашр этишда бош-қош бўлди. “Нашриёти Бехбудия” номи билан ўз хусусий нашриётини очди.

Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Бехбудий илми маърифат халқ оммаси томонидан

Ўзлаштириб олингандагина ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси балан боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. Миллат озод бўлиб, ўзининг мустаҳкам давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди деган хулосага келади.

Бехбудий истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўровонликни рад этади. Унингча зуровонлик ғайриахлоқий. Бехбудийнинг истиқлол олишни Исмоил Гаспириали сингари мурса йўлини танлаб, руслар ёрдамида маърифатга эришиш, маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқларни кўлга киритиши миллий хусусиятларни тиклашда деб билади.

Абдулла Авлоний (1878-1934 Тошкент).

Ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларида бири, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби.

XX аср бошларида Авлоний жадинчилик ҳаракатига қўшилиб, фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. У янги усулда, янгича мактаб очиб, дарс берди ва дарсликлар ёзди. Мактаб-маориф ишларига ёрдам берувчи “Жамияти хайрия” очиб, етим ва боқувчисини йўқотган болаларни ўқитди. Авлоний асос солган янги усул мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий илм-фанни болаларга ўргатишини ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишни таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди.

1905 йилги инқилобий кутарилишлар беҳуда кетмади. Подшо ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. 17 октябр Манифести эълон қилинди. Шахснинг дахлсизлиги, виждон, сўз, йиғилишлар эркинлиги таъминланиши ҳақида ваъда берилди. Манифест матбуот ишларининг юришиб кетишига йўл очди. Русиянинг барча йирик шаҳарларидаги сингари Туркистон шаҳарларида ҳам газета ва журналлар чоп этила бошланди: 1906 йилда Исмоил Обидийнинг “Тараққий” газетаси пайдо бўлди. Кўп ўтман “Хуршид”, “Тужжор”, “Осиё” газеталари чиқа бошлади. Абдулла Авлоний буларнинг майдонга келишида бевосита иштирок этди. 1907 йил 4 декабрда эса унинг муҳаррирлигида

“Шухрат” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. А.Авлоний уни ўз уйида, Саиёрлар кўчасида тайёрлаб чоп этди.

Умуман, Авлоний ижодий ва амалий иш билан қизғин шуғулланди. Ўз шеърларини “Ҳижрон” тахаллуси билан эълон қилди. Мақолаларини эса “Мулла Абдулла”, “Авлоний”, “Абдулла Авлоний” номлари билан босдирди. Сўнгроқ унинг кўп ишлатган лақабларидан бири “Индамас” бўлган эди.

1909 йилда “Жамияти хайрия” очди ва маҳаллий халқ болаларининг ўқиб билим олиши учун пул йиғиб, мактабларга тарқатди. 1913 йилнинг охирларида тошкентлик машҳур жадидлар-тараққийпарварларнинг ташаббуси билан “Турон” жамияти майдонга келди. Жамиятнинг 73 моддалик ушбу низомида унинг мақсад – вазифалари қуйидагича белгиланган.

а) аҳоли ўртасида сахна ишларига, эзгуликка муҳаббат уйғониш, жиддий муносабат ўстириш;

б) халқ учун спектакллар қўйиб бериш ва улар орқали халққа соғлом ҳордиқ бағишлаш;

в) маънавий ва моддий аҳволини яхшилашга муҳтож бўлган. Туркистон ўлкаси доирасидаги мусулмон эътиқодига мансуб кишиларга ёрдам бериш.

Авлоний труппаси сахналаштирган биринчи асар Бехбудийнинг “Падаркуш”и бўлди. 1914 йил 27 феврал Тошкентнинг 2000 кишилиқ муҳташам “Колизей”¹ театри томошабинлар билан тўла. Галерея ва йўлақларда ҳам одам қайнайди. Сахна очилади. Ўрта бўйли, миқти, европача кийинган киши пайдо бўлади.

-Муҳтарам жамоат! –гап бошлайди у.

-Бугун Тош Канд халқи ҳаётида тарихий кундир”... Нотик театр ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўзлайди.

“Театру уюнбозлик эмас! Масхарабозлик ҳам эмас, -давом этади у.

-Театр бамисоли ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир кимса ўз ҳусну қабиҳини кўра олур...”

¹ 1913 йилда М.Цинцадзе (1868-1919) томонидан қурилган. Узоқ йиллар Свердлов концерт зали бўлиб турди. Ҳозирда савдо биржаси жойлашган.

Юзига ун суртиб масхарабоз шаклига кирган зотлар табиби хозикдирлар...” Нотик театрни ҳар бир халқ, миллий тараққиётининг муҳим белгиларидан деб ҳисоблайди, рус, француз, турк, татар, озарбайжон турмушидан мисоллар келтиради. У машҳур тараққийчимиз Мунавварқори эди.

Спектакл бошланди. У маҳаллий халқ турмушидан олинган, ерли ҳавоскор ёшлар томонидан қўйилган биринчи сахна асари машҳур “Падаркуш” эди. Спектакл декламацияга уланиб кетди.

Тараққийчилик туғён уруб турган “Оила мунозараси” тингланди. Халқ миллий қуйларига солиб ёзилган, ижтимоий дард билан ёниқ қўшиқлар янгиради. Ниҳоят томоша тугади. Кишилар театрдан олган тассуротларини қизғин муҳокама қилганча тарқалдилар.

“Турон” ўз фаолиятини шундай бошлаган эди. Труппа ишида қардошлар ҳам иштирок этдилар. Жумладан, А.Авлоний таниқли татар режиссёри 3 аки Боязидский, машҳур Озорбойжон санъаткори Сидқий Руқилло билан ҳамкорлик қилди. Масалан, труппонинг спектакллари Заки Боязидский сахнага қўйган эди. Сидқий Руқилло эса 1916 йилда А.Авлонийнинг таклифига биноан Тошкентга келади ва шоирнинг ўйнда труппа кўмагида “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Мажнун ролини Сидқий Руқиллонинг ўзи ўйнаган Муллони А.Авлоний ижро этади.

Труппанинг ғоявий-бадиий раҳбари А.Авлоний эди. 1914 йилнинг 26 декабрда труппа “Туркистон” номи билан Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқди, бир қатор шаҳарларда гастролда бўлди. Агар сиз уша йиллари чиқиб турган вақтли матбуот саҳифаларига кўз ташласангиз, труппанинг Қўқон (1915 йил 7 январ), Андижон (9 январ), Наманган (21-24 январ), Ўш (29 январ)да қўйган спектакллари ва уларда А.Авлонийнинг фаол иштироки, хусусан ижрочилик маҳоратига оид эҳтирос билан ёзилган мақолаларига дуч келасиз.

“1915 йилда маҳалла халқи, домламиз” “театрчи” бўлди, “масхарабоз бўлди”, -деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалласидаги бошланғич мактабни ёпдилар”, -деб ёзади А.Авлоний ўз таржимаи ҳолида.

Иккинчи томондан ҳукумат сиқарди. Театрчилигини эмас, янги мактабни ҳам, “усули жаид”, “усули савтия” номи билан тарихга кирган бу мактаблар аслида чинакам фидоийлик намуналари эди.

Шунга қарамай А.Авлоний ижтимоий фаолиятда қизгин давом этди. Жумладан, унинг шу йилларда “Нашриёт”, “Мактаб” каби ширкатлар тузишда бош-қош бўлганини эслаш кифоя. Адиб буларни кейинроқ ўз таржимаи ҳолида шундай изоҳлайди. “Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди. Дарҳақиқат, бу жамиятнинг иштирокчилари хусусан Мунавварқори, шоир Товалло, Низомиддин Хўжаев, Убайдулло Хўжаевлар Туркистоннинг маълум ва машҳур кишилари эдилар.

А.Авлоний 1917 йил Феврал воқеаларидан кейин “Яшасин халқ жум хурияти!” шиори остида “Турон” газетасини чиқарди. Газета ўз маслак-мақсадини “Мусулмонлар орасида кўп йиллардан бери давом ўлан удумга зурлик, бидъат ва одатларни битирмак, келажакда бўладурғон жумхурий идорага халқни тайёрламоқ” деб эълон қилди.

1908 йилда А.Авлонийнинг Миробаддаги мактаби ёпилади. Бунинг сабаблари кўп бўлиши керак. А.Авлоний назаримда, ўз таржимаи ҳолида шулардан биттасини келтиради: “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақида суҳбатлар ўтказилмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени кофир бўлдинг, деб мактабимни ёпдилар”¹ Адиб-1909 йилди Дегрез маҳалласида яна бир мактаб очади. А.Авлоний дарс бериш жараёнида очилаётган янги усулдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қўлай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруриятини ҳис қилади. Негаки, янги мактабнинг афзаллигини шунчаки тарғиб қилиш, ўз ўқувчилари мисолида кўрсатиши ҳали кифоя эмас эди. Янги ўқув системасининг кенг ёйилиши учун унинг принципларидан келиб чиқиб ёзилган дарсликлар ҳам керак эди.

А.Авлоний ёзади, “Бизим Туркистон мактаби исломиясинда аввалдан охира қадар таълим ўлинажак китоблар: “Чор китоб”, “Саботул ожизин”,

¹ А.Бобохонов, М.Махсумов. Абдулла Авлоний. Педагогик фаолият. “Ўқитувчи” Т: 1966, 43-бет.

“Фузулий”, “Навоий”, “Хўжа Ҳофиз”, “Бедил, “Маслак ул-муттақин”лар каби шеър китоблар ўлдиғи жумланинг маълумидир. Бу китобларнинг баъзилари эътиқод ва амалиёти исломга таллуқ мушкул масалалардан иборат ўлғонларидин ҳамда аксарлари форсий тилда ёзилғонлари учун ёш болаларнинг онлардан истифодалари, бир нарса англамоқлари имкон хорижинда эди.

Шунинг учун ҳам адибнинг 1909-1917 йиллар давомида махсус мактаб болалари учун ёзилган ундан ортиқ китоби майдонга келди. Унинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” сингари дарсликлари; “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўплами инқилобга қадар бир неча бор қайта босилиб чиқди ва Туркистоннинг жуда кўп янги усул мактаблари учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

“Муаллим афандилар ва адабиёт муҳиблари баним бу асари ночизоналаримни илтифотсиз қолдурмадилар. Туркистоннинг энг машҳур муаллимлари дарс жадвалини киритуб, майдони таълима қуйдилар”, -деб ёзган эди Авлониё мамнуният билан.¹

Мукаммал инсонни ўйлаб.

1913 йилда Авлониёнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари босилиб чиқди. 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинди. Китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига дарслик сифатида ёзилган. Лекин асримиз бошларидаги ўзбек жаҳид маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан бўлган бу асарнинг аҳамияти фақат мактаб доираси билан чекланмади. У адабиёт ва ахлоқ ҳавоскорлари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди. Асарда инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илм –ахлоқ ҳақида фикр юритилади.

Ахлоқ, бу- ҳулқлар мажмуи. Хулқ эса, эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир ҳулқ эзгулик ва олийжанобликнинг ёки разилик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинадилар. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

¹ Ўша асар. 43-бет.

Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар тўғилишидан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия “ё ҳаёт, ё момот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқт, ё фалокат” масаласидур. Тарбия туғилган кундан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади. У икки босқичдан-уй ва мактаб тарбиясидан иборат. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда соғ ақл” деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. Гапни, биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигидан бошлайди.

“Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумок, ўрганмок, ўргатмок учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдир”.

Авлоний масаланинг фалсафий асосига кўчди. Жисм билан руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам таъсири бордир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, мақсадга эришиб бўлмайди.

Жисм билан руҳ, шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи жуда муҳим ва мураккаб бўлиб, Авлоний уни асосан тўғри тушунади ва тўғри талқин қилади. XIX асрнинг машхур мунаққидларидан бири ёзади: “Нимаики мазмунда бўлса, шаклда ўз ифодасини топади. Мана – бу одамнинг мудроқ, тунд кўзларига, бўкиб тўйиб олганидан ҳарсиллаб қолган, бақ-бақалоқ, даванг турқиға назар ташланг. Нақадар ҳайвоний қиёфа! Энди, мана бунисига разм солинг. Бу озғин, ранглар кишининг кўзларидан қандай ўт чақнайди. У нақадар ҳаракатчан, унинг овозида қанчалар эҳтирос бор! Биринчиси-ўлик, иккинчисида ҳаёт яшайди-тўғри эмасми!”

Болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, фикр тарбияси бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суянган, виждонларига юкланган” бўлиб, уларнинг ёрдамига муҳтож. Негаки, “фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги” муаллимга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Болаларнинг фикрлаши тарбиячининг ўзини фикрлаш ва интилиш доираси, савияси билан ҳам алоқадор.

Бу хусусда адибнинг кескин мулоҳазалари бор. Авлоний фикрини ўстириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди.

XVIII аср француз маърифатчилари ақл ва онгнинг ролига жуда юксак баҳо берган эдилар. Жаҳон адабиётидаги маърифатчилик босқичи билан шуғулланган тадқиқотчилар бу давр Европа маданиятининг умуман ҳамма жабҳаларида унинг маълум даражада илоҳийлаштирилганлигини эътироф этадилар. Бу, табиийки, Европа мамлакатларида капитализмнинг ривож, феодализм-патриархал муносабатларнинг таракқиётига тўғанок бўлиб қолиши, жамият ҳаётида илм-фан ролининг бирдан кучайиб кетиши каби қатор омилларга боғлиқ эди.

XX аср бошларидаги Туркистонда ҳам шунга яқин шароит майдонга келди. Ўлкамизда 1905 йилдан кейин яққол кўзга ташланган фикрий уйғониш ва маданий кўтарилиш ўз моҳияти билан XVIII аср француз маърифатпарварчилиги кўп жиҳатдан ухшаш эди. Авлоний маърифатчилигининг илдизи ҳам шунга бориб тақалади. “Туркий гулистон”.. да ақл ва илмнинг, маънавий-ахлоқий оламнинг фавқулодда эҳтирос билан улуғланиши адиб маърифатчилигининг бевосита мазмунидан келиб чиқади. Мана у нима деб ёзади:

“Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, ақл бошловчидир..” Муаллиф ўз фикрини янада аниқроқ ва равшанроқ англаши учун шундай муқояса келтиради: “Хайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадурғон зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшук ва тирноқлар ила қайтарурлар. Лекин инсон ақл ва идроки совиясида ўзига келадурган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, буйнидан бойлаб, ипларининг учини қулларига берган инсонларнинг ақлидур”. Ҳукамолардан бири. “Ҳар нарса кўпайса, арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур”-демиш.

Адибнинг карашларида Навоийнинг инсон ҳақидаги машҳур “инсон-хилқат тожи” нуқтаи назарининг таъсири яққол сезилиб туради. Унинг фикрича ҳам ақл фақат инсонгагина насиб этган сифатдир, жаҳоннинг зийнати оқил инсонлардир. Юқорида Авлоний ақлнинг илм ва тажриба соясида камол топишига ишора қилган эди. Дарҳақиқат булар узвий тушунчалардир. Илм ҳам “инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажоти”, боринги, “дунёнинг иззати”. У-“инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат”. Муаллиф бу фазилатларни шунчаки қайд этмайди, унинг конкрет ҳаётӣ, амалий аҳамияти устида ҳам тўхтаб ўтади. Унинг инсонни камолотга етказишда бош омил эканлигини атрофлича далиллашга ҳаракат қилади.

Илм эгаллаш эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. У ҳар бир кишидан муайян лаёқат ва қобилиятни талаб қилади. Чунончи, синчковлик ҳар бир нарсага ибрат назари билан қарай олиш, саъй-ғайрат, шижоат кабилар шундай сифатлар жумласига киради.

“Инсон ибрат назари ила боқиб, дунё китобидан ўз кадр-ҳиссасини билиб олмоғи лозимдир”, деб ёзади Авлоний. Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оломдан хабардор бўлмак керак. Шунинг учун ақл соҳиблари, фатонат эгалари ўзларига фойдаси бўлса – бўлмаса синчиклаб қараган нарсаларидан бир ҳисса олмай қўймаслар!.

Зийраклик, очиқ фикрли бўлишга интилишнинг ҳам аҳамияти катта. Булар ҳаммаси ёшлиқдан бошланади. Умр-ғанимат, уни беҳуда ишлар билан ўтказиб юбориш жиноятдир. Адиб зеҳн ва идрокни қувватлаштириш учун ўқиш –ёзишни ўрганишга улгурган ҳар бир болани ҳар хил китоблар газета ва журналлар ўқишга ва шу орқали дунёнинг борди-келдисини англаш, у ҳақда фикр юрита олиш даражасига эришишга чорлайди.

Илм олиш риёзат чекишни, саъй-ғайратни талаб этади. Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бадомнинг ичидаги мағиз. Уни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш, чақиб пўчоғидан ажратиб олиш керак.

Авлонийнинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон ақл ва тафаккур мезони. Умуман олганда, бундай ёндашиш

виждоннинг аҳамиятини ва моҳиятини тўғри тушинишга ёрдам беради. Виждон тарозисининг “ақл ва ҳикматга мувофиқ” ишларига “муҳаббат” қўйдириб, “қабоҳат ва ёмон” ишлардан “нафрат” эттиришни аслида тўғри тушунтириш. Бироқ унинг тўғрилиқ даражаси яхши ёки ёмон деб номланадиган муайян ҳодисага нисбатан қўлланилгандагина конкретлашади.

Адибнинг “яхши” ва “ёмон” тушунчаларини англашида эса маълум мавҳумлиқ йўқ эмас. У булари талқин қилганда, кўпинча, ақлга мувофиқ келадиган, мувофиқ келмайдиган деган принципдан келиб чиқади. “Агар аҳмоқ одам бўлса, ўз туғишган биродарини ҳам севмаслиги мумкин, лекин Ватани, у қандай бўлмасин, севмаслиқ мумкин эмас. Аммо бу муҳаббат унинг мавжуд аҳволдан бир умр мамнунлиқ бўлиб қолмаслиги, балки уни мукаммаллаштиришга чанқоқ интилишдан иборат бўлмоғи лозим”, -деган эди донишмандлардан бири.

Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Авлоний Ватан Онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлиқ ва қувончига шерик бўлиш, ғам- ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бўрчи. Ватан ва унинг олдидаги бурчни шундай тушунади.

Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фусункор табиатини, боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини уйламайдиган фарзандлар йўқ эмас. Ватанни, у қандай бўлмасин, севиш керак.

“Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлиқ, иссиқ чўлларини, эскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасилар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз “киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, -демишлар.

Муаллиф ўз фикрини хилма-хил мисоллар билан асослашга ҳаракат қилади. Масалан, у шундай тамсилни келтиради. Айрим кишилар ўз ҳавли-жойларини, мол-мулкларини сотиб, Маккага зиёратга боришади. Ҳатто шуларнинг ҳам аксари яна ўз ватанларига қайтиб келадилар. “Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетургон қувват ўз ватанлари тупроқларининг меҳру муҳаббатидур” дейди.

Шоирнинг Мактаб гулистони”га кирган шеърларида бу фикрлар давом эттирилган.

“Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдир.

Ҳар ким сенинг қадринг билмас –ақли пастдир”деб бошланар эди ундаги “Ватан” шеъри.

“Ҳижрон сўзи”да эса она-юртнинг кўркам бой ва улуғвор манзараси чизилади. Бас шундай экан, унинг учун жонларни фидо этмоқ керакдир.

Жадидларнинг қисмати чор ҳукумати, Вақтли ҳокимият ва айниқса, собиқ Шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожияли бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи “пантўркист”, “панисломист”, деган тамға босилиб, қатағон қилинди. Жадидлар ғояларига ва ҳаракатларига қора чизиқ тортилди. Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини яна бир асарга орқага сурди. Жадидчилик бир аср давомида аввал коммунистик ғоянинг тазийқида кейинчалик эса исканжасида бўлиб, тўла равишда намаён бўла олмади. Унинг заминлари шаклланиши тарзини ўрганишга интилганлар ҳам тазийқ остига олинди. Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги, миллий давлатчилик ғоялари, маърифати учун курашган ватанпарварларнинг муборак номлари тикланди, асарлари чоп этилди.

Жадидчилар умуммиллий маърифатни кўтариш, миллий онгни ривожлантириш, миллий бирликка эришиш, жаҳон маданиятини эгиллаш каби ғоялар билан миллий маънавиятимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бугун ҳаётимизга татбиқ қилинаётган миллий истиқлол мафкураси – “Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобоқолонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади”¹. Жадиқчилар ғоялари ана шу меросимизнинг ўзвий қисми сифатида миллий маънавиятимиз ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 43-бет

8-Мавзу. Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик

8.1. Миллий маънавият ва унинг хусусиятлари

Жамият ривожланиб борган сари инсонлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги маънавий муносабат, алоқалар ривожланиб бораверади. Маънавиятни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси- шахс маънавияти.

Иккинчиси- миллий маънавият.

Учинчиси – минтақавий маънавият.

Тўртинчиси – умуминсоний маънавият.

Шахс маънавияти – ҳар бир шахсга тегишли бўлиб, унинг ички рухий ҳолати, ҳатти-ҳаракатлари, муносабатлари ва бошқа қирраларини ўз ичига олади.

Миллий маънавият - муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Минтақавий маънавият – муайян жуғрофий минтақа миллатларига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойликлардир. Масалан, Ўрта Осиё халқларининг ёки славян халқларининг маънавиятидаги ёки янада кенгроқ доирада оладиган бўлсак, Шарқ ва Ғарб маънавиятидаги муштараклик, ўхшашликни олишимиз мумкин.

Минтақавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига яқинлиги, турмуш тарзи ва моддий ҳаёт шароитларига хос муштарак жиҳатлари намоён бўлади.

Умуминсоний маънавият- бутун инсониятга , жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Шахс маънавияти – ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, миллат вакили, давлат фуқароси деб билгани ҳолда ўз Ватани тупроғи, суви, ҳавоси-жамики бойликларни асраш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, иззатини жойга қўйиш, йўлида чин дилидан, иймон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довураклик, беғаразлик, ҳурмат, фидоийлик ва ақлий

теранлик билан фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламнинг мажмуини англатувчи тушунча.

Шахс маънавияти жамиятда ижтимоий ҳаётда шахснинг бахтли яшаши учун тўғри фикрлаш, сўз ва амалнинг бирлиги, рост сўзлаш, ҳалол меҳнат қилиш, хуш ахлоққа эга бўлишдан иборатдир.

Шахс маънавияти даражаси унинг кишилик жамиятининг юксак ахлоқий қадриятларига қай даражада риоя қилиб яшаши билан белгиланади. Ахлоқ инсон маънавиятининг муҳим мезонларидан бири бўлгани боис шахс маънавияти деганда, авваламбор, унинг ахлоқан баркамоллиги, ўз фаолиятида маънавий қадриятларга, чунончи, адолат, гўзаллик ва эзгулик ғояларига таяниб иш кўришни назарда тутилади. У инсонни бунёдкорлик фаолиятига, эзгу амалларга етаклайди, жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларини ўзида тўлиқ мужассам этадиган куч сифатида намоён бўлади.

Шахс маънавияти деганда халқимиз узоқ тарихи давомида турли синовлардан ўтган, сайқал топиб келаётган ва фақат ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган маънавий-ахлоқий қадриятлар тушунилади. Шахс маънавияти халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда анъаналарига, унинг бой оғзаки ва ёзма ижоди, мумтоз адабиёти ва санъатига сингиб кетган бўлиб, инсон маънавий тақомилида беқиёс аҳамият касб этади.

“Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”;

”Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”;

“Ўзингга раво кўрмагани бошқага ҳам раво кўрма”, “Ёмон ўз ғамида, яхши – эл ғамида” сингари ҳикматларда ҳам аجدодларимиз ардоқлаб келган юксак маънавий фазилатлар ифодаланган.

Миллий маънавият тарихи миллатнинг маънавий тақомил жараёни билан боғлиқ, унда баъзан асрлар кунларга, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Миллий маънавий камолоти замонда, яъни миллатнинг бутун тарихи давомида юз беради. Инсоният тарихий жараёни учун бир нарса аёнки, тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўтиб кетади, моддий **маданият** унсурлари емирилади, аммо,

маънавияти юксалиб, бойиб, тобора кенгрок кўлам ва теранрок мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксрият қисми маънавий таназзулга юз тутган фожиавий шароитларда ҳам миллий маънавият йўқолмайди, кўлами ва мазмуни жиҳатдан ўзи етишган камолот босқичини тўқтатмайди йўқотиш учун (шу жумладан, умуман миллий маънавиятни ҳам) аجدодлар яратган барча маънавий меросни мавҳ этиш, инсонлар хотирасини тамомила ўчириб ташлаш, улардан хатто ирсий хотирани ҳам барбод қилиб-манқурд айлантириш керак бўлади.

Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавиятни йўқотиш учун қанчалик ҳаракат қилинса, шунчалик миллийликни, миллат маънавиятни сақлаш учун кураш кучаяди.

Кўринадики, миллий маънавият ҳодисаси ҳам тарихий, ҳам бугунги кунда мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли воқеикдир. Инсон маънавий олами ўлчамлари чексиз бўлиб, уни ҳеч бир нарса билан ўлчаш, қиёслаш мумкин эмас. Миллий маънавият аввало, миллий онгда ривожланиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан буён миллий онгни ривожлантиришни тарбиявий ишнинг муҳим бўғини сифатда олиб қарамоқдамиз. Миллий онгнинг ривожланиши пировард ўзликни англаш сари етаклайди.

Миллий маънавиятимизнинг асосий белгиси ва ўзаги миллий ахлоқ саналади. Бизнинг миллий ахлоқимиздаги белгилар бошқа халқлар ахлоқий қарашларида муайян тарзда намоён бўлади.

Миллий маънавиятимизда – миллий ҳис, туйғу, руҳият ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, замона тақозоси билан бошқа юртга сафарга бергудек бўлсак ва уша ерда миллий куй, қўшиқни этишгудек бўлсак, бизнинг вужудимизни ажиб бир ҳис, туйғу қамраб олади ва ундан руҳий ҳузур оламиз, қаноат ҳосил этамиз, яъни маънавий озукланамиз.

Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятимизнинг давоми бўлиб уларга дўстлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик,

фазилатлилик, саҳийлик, хушмуомалалилик, жамоа ичида ўзини тутта билишлик, ҳаётлилик, сизлаб муомала қилиш, озодалик, хушчақчақлик, мардлик, самимийлик, лутфи карамлилик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она-юрт ва халқига муҳаббатлилик, инсофлилик, диёнатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ору-номуслилик, тўғрилиқ, поклик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, инсофлилик, миллий ғурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва бошқа миллий-маънавий –ахлоқий фазилатлар киради.

Миллат, халқ бор экан унинг маънавий дунёсида миллий жиҳатлар доим сақланиб келади. Ўзбекларнинг миллий маънавияти, эркак ва аёлларнинг ўзига хос шарқона ахлоқий фазилатлар у, ота-она, фарзандлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-куй алоқалари, ҳалолик, виждон билан боғлиқ маънавияти фақат ўтмиш садоси эмас, балки ҳозирги кун учун ҳам ҳосдир.

Ўзга миллатларнинг маънавий қадриятлари қанчалик таъсир кўрсатмасин катталарга, ота-онага ҳурмат, камтарлик, ҳалоллик, иймон, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари миллий-маънавий фазилатларимиз барқарор. Чунки бу маънавий ҳислатлар авлоддан-авлодга ўтиб, қон-қонимизга сингиб кетган. “Аёлларимиз қанчалик замонавийлашмасинлар, улар ҳаё, ибо, номус бобида, оила, қариндош-уруғларга нисбатан муносабат бобида шарқона, ўзбекона фазилатларини тарк этмайдилар. Миллат бор экан, унинг маънавияти сақланиб қолади ва ривожланаверади.

Одатда кишилар кўпинча икки ишда катта хатога йўл қўядилар. Биринчиси – ёшларни ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, иккинчиси – кексаларни қария деб четга суриб қўйганида. Ёшларда келажакка интилиш билан боғлиқ бўлган катта ташаббус, куч ва ғайрат бўлади. Кексалар эса ҳаёт йўлида кўп иссиқ ва совуқ кунларни бошидан кечириб, бой тажриба орттиргани учун уларда узоқни ўйлаб, босиқлик билан иш қилиш, етти ўлчаб бир кесиш сингари маънавий бойлик ва етук тафаккур салоҳияти бор. Ўзбекларнинг “қари билганни пари билмас” деган ҳикматида кўп маъно бор. Ёшларнинг ташаббуси, кучи ғайрати кексаларнинг бой-ҳаётий тажрибаси билан боғлангандагина яхши ижобий

самара беради. Кекса авлоднинг билими, ҳаёт тажрибаси ёшлар учун маънавий камолот ва ибрат мактабидир.

Совет-тоталитар тузуми шароитида маънавий-ахлоқий фазилатларнинг миллий жиҳатлари, анъаналарини инкор этиш ёки камситиш кучайди. Уларни маънавий қолоқлик ифодаси сифатида талқин этилди. Шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг минг йиллик маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган ҳадислар, шариат ҳукмлари диний хурофот сифатида қораланди.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон кадр-киммати тўғрисидаги маънавий қадриятларга зид бўлган европача анъаналар ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли маънавий тубанлик юзага келди. Ёшларда асрий, миллий маънавиятимизга зид бўлган бағритошлик, қотиллик, худбинлик, маиший бузуқлик, гиёҳвандлик каби маънавий қиёфа юзага келиб, илдиз ота бошлади.

Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарвар фидоийлар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятдан таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ахлоқий юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини қайд қилган эдилар. “Тарбия – деган эди Абдулла Авлоний, - бизлар учун ё ҳаёт - ё момот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”.

Совет тоталитар тузуми барбод бўлиши, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши жамиятимиз маънавиятида чуқурлашиб бораётган инқирознинг олдини олиш учун тангрининг инояти, халқимизнинг бахти бўлди. Миллий мустақиллик туфайли жамиятимизда, миллий-маънавиятни покланиш, ўнгланиш, тикланиш жараёни юз берди.

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш ҳозирги кундаги миллий-маънавий тарбия ишининг асосий мақсадидир.

Миллий тарбия – у ёки бу миллатни элатни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданияти, меросни, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

Миллий тарбиянинг асосий йўналишларини миллатпарварликни, халқпарварликни, ватанпарварликни, меҳнатсеварликни, юксак инсонийликни ривожлантириш, меросни, урф-одатни, қадриятларни, фан-техника, технологияларни ўзлаштиришга интилишни ривожлантириш, меҳр-оқибат, иймон-этикод, ор-номус, инсоф-диёнат, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини тушуниб етиш ва унга амал қилиш руҳиятини шакллантириш кабиларни ташкил этади.

8.2. Умуминсоний маънавий ва унинг заминлари

Умуминсоний маънавият - ҳар бир инсон, жамият ва барча тоифадаги кишилар учун энг олий қадрият сифатида эъзозланадиган ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлган маънавий ҳодисалар, маданий бойликлар, адабиёт, фан, санъат ютуқлари, дин, сиёсат, ҳуқуқ соҳасидаги натижаларни англашдаги тушунча. Умуминсоний маънавиятнинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мисол ва далиллар билан атрофлича тушннтириб берилган.

Мутахассислар бу тушунчага, хос бўлган кундалик тасаввур билан унинг маънавий мазмун-моҳияти ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайдилар. Кундалик ҳаётда кишилар умумбашарий аҳамиятга молик маънавий бойликлар, кашфиётлар, қадриятлар, дин, фан, адабиёт билан боғлиқ хусусиятлар, жиҳатлар жараёнларнинг ўзини умуминсоний маънавият сифатида тушунади. Маънавий мазмун касб этадиган нарса ва ҳодисаларга нисбатан ишлатиладиган умуминсоний маънавият ҳар қандай халқ, жамият ва давлат ҳаёт тарзининг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. “Умуминсоний маънавият” тушунчасида маънавиятни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одамзотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар (ижтимоий

субъектлар) учун аҳамияти ҳам ўз аксини топади. Умуминсоний маънавиятнинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини ижобийлик ҳамда фойдалилик хусусиятларини доимо сақлаб келадиганлар ҳам бор, уларга инсон вужудининг тириклиги, унинг ижтимоийлиги, инсон умри ваҳаёти, сихат – саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлар, меҳнати, билими, муомаласи ва шу кабилар киради. Улар инсон ва жамият бор экан, ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб қолади, уларнинг қарама-қарши бўлган ўлим, касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир.

Умуминсоний маънавиятнинг энг олий шакллари маънавий идеал сифатида қаралди. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар ана шу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайдилар, кундалик ҳаётда ва илмий адабиётда энг олий идеаллар бир қатор ибора ва тушунчалар орқали ифодаланади:

- Маънавий ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси – яхшилик;
- Нафосат белгиси – гўзаллик;
- Билимларимиз ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги – ҳақиқат;
- Инсон ҳуқуқларининг олий ифодаси – эркинлик ва тенглик;
- Сиёсатнинг тўғрилиги – адолат;
- Одамлар ўртасидаги ижобий муносабатлар – дўстлик;
- Энг ҳокисор ва беғараз туйғулар асосидаги қалбларнинг муштараклиги – муҳаббат;
- Орзу – умидларга эришиш – бахт-саодат;
- Ўз юртини севиш ва ардоқлаш-ватанпарварлик ва шу кабилардир.

Воқеликда ушбу идеаллар билан бирга, уларнинг зидди – ёвузлик, ёмонлик, хунуклик, ёлғон, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат, ҳиёнат кабилар ҳам муайян тарзда намоён бўлади. Тарихий тараққиёт жараёнида умуминсоний маънавиятни барқарорлаштириш йўллари ва усулларининг бу борадаги мақсадлар билан уйғунлаштириши ижтимоий-сиёсий

Ўзгаришларни амалга ошириш даврида ниҳоятда қатий аҳамият касб этади. Бу ўринда уч асосий жиҳатга эътибор бериш лозим.

1. Кишиларнинг умуминсоний маънавий ва уларга эришиш йўллари ҳақидаги қарашларида ўтмиш авлодлардан мерос қолган орзу-умидлар, тасаввурларнинг ҳам аҳамияти бекиёсдир. Зеро, ҳар бир авлод умуминсоний маънавиятни барқарорлаштириш ва олий мақсадларга эришиш борасида ўтмиш авлодларнинг тасаввур ва хулосаларини мерос қилиб олади, ўз фаолияти, замонасидаги ўзгариш ва жараёнларга ҳам ана шундай нуқтаи назардан адашади.

2. Ҳар бир авлоднинг ўтмишдошларидан мерос бўлиб келган умуминсоний маънавият тўғрисидаги тасаввур ва орзу – умидлардан ташқари, ўзи тўплаган тажриба, ана шу тажриба асосида вужудга келган қарашлар ҳам бор. Демак, ҳар қандай даврда маънавий идеалга эришиш йўлида ҳаракатлар бошланганда, уларни амалга оширишнинг режа ва дастурлари тузилаётганда, кишиларнинг руҳий-маънавий тайёргарлиги бу борадаги мақсад, қизиқиш, эҳтиёж ва талабларни ҳисобга олиш зарур.

3. Умуминсоний маънавият тўғрисидаги тасаввурлар эҳтиёжлар, интилишлар асосида вужудга келган турли режа ва дастурларда кўпроқ бу борадаги фаолиятнинг назарий, умумий жиҳатларига эътибор берилади. Бу ҳол айниқса, жамият тараққиётида туб бурилиш ва чуқур ўзгаришлар юз бераётган даврда яққол намоён бўлади.

Аммо бу борадаги режалардан амалиётга ўтилганда, тажрибада мақсадларга эришиш учун бевосита ҳаракат бошланганда кутилмаган ҳолатлар юзага чиқа бошлайди. Булар эса ўз навбатида, бош мақсадга эришиш борасидаги кундалик фаолиятда турли ҳил йўллар, усуллардан фойдаланишни талаб қилади. Умуминсоний маънавиятнинг баъзи шакллари билан боғлиқ яна бир масала бор; уларнинг ҳаётда қарор топиши муайян тўсиқ ва қийинчиликлар орқали кечади. Натижада, идеал мутлоқ тўла-тўқис амалга ошмайди, унинг баъзи бир жиҳатлари ҳаётга татбиқ этилади, бошқалари эса келажак авлодларга

мерос бўлиб қолади. Одамзод эса идеалсиз, унга интилмасдан, келажакка умид кўзларини тикмасдан яшай олмайди.

Инсон ҳаётда фақат идеаллар, уларга эришиш тўғрисидаги орзулар билан қаноатланиб қолмайди. У ўз идеалларга эришиш, уларни барқарор қилиш йўлида бошқа эҳтиёж, талаб ва қизиқишларни қондириши, ўзга кишилар билан муносабатда бўлиши, жамият талабларини бажарилиши, ўз бурчини адо этиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритиши лозим. Шу маънода, кишилар доимо идеалга интилиб, реал ҳаётдаги вазифаларни бажариб, орзу-умидлар билан реал воқелик орасида умр ўтказадилар. Идеалларга интилиш орзуси билан реал ҳаётда яшаш зарурати ўртасидаги муайян зиддият одамзодни яшашга ундайдиган, умрининг энг қийин, мураккаб даврларда ҳам умид учқунлари сақланиб қолиши учун асос бўладиган умргузаронликнинг асосий тамал тоши, инсон ҳаётининг мазмуни, маъноси ва қадрини белгилайдиган объектив жараёндир.

Умуминсоний маънавият омилкор фаолиятга чорловчи оптимистик ғоялар, шиорлар ролини ўйнаши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар кишини амалий ишлар қилишга ундайдиган, унинг фаолиятига маъно ва мазмун бағишлайдиган, мақсадини аниқлаш имконини берадиган, бирор жараёнга, жамиятда амалга оширилаётган вазифаларга нисбатан шахс ёки ижтимоий-субъектларнинг қандай муносабатда бўлаётганини ойдинлаштириш имконини берадиган маънавий мезонганга айланади.

Инсоннинг яшаш жойи, ўтмиш авлодларининг хоки яширинган замин, ўзи туғилган юрт билан боғлиқ умуминсониятга ҳос бокира туйғулари бор. Бу туйғулар туғилган уйдан, маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб бўлган тарихий бирлик, унинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий ҳудудга нисбатан муносабатда намоён бўлади. Ҳар бир киши Ер сайёрасининг фарзанди эканлигини, ўзи учун суюкли ҳудуд, сайёранинг таркибий қисми бўлган Ватаннинг талабига мос келадиган инсон даражасига кўтаради. Сайёрамиз кишиларига ҳос умуминсоний маънавиятнинг шаклланиши ва такомиллашуви учун Ер юзида тирикликнинг вужудга келиши,

ривожланиши, одам зотининг онгли фаолияти, меҳнати, маданият ва маънавий камолотга эришиш босқичлари, табиат ва жамиятда амалга оширилган ишлари билан боғлиқ жараёнларни ифодаладиган тарих ҳам ўз аҳамиятига эга.

Тарих – одам зотининг вужудга келган илк даврдан бизнинг кунимизгача яратилган моддий ва маънавий бойликларни, инсоният ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ҳозирги авлод ва келажакка етказиб боришга хизмат қилади. У авлодлар руҳи олдидаги қарздорлик туйғусини қўзғатган, ўтмиш воқеаларини ўрганиш зарурати туғилган ва келажак режаларни тузиш жараёнида ривожланишнинг аниқ йўл ва усулларни танлаб олинаётган даврларда юксак маънавият мезонига айланади. Бугунги кунда мамлакатимизда тарихий хотирани тиклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳоли қалби ва онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдиришга катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Бу эса, ўз навбатида ҳалқимизга хос миллий маънавиятнинг умуминсоний маънавият хазинасига муносиб хисси бўлиб қўшилиши, юртимизга юксак маънавият тамойилларининг устуворлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

8.3. Бозор иқтисодиёти шароитида миллатлараро

маданий-маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви

Иқтисоднинг маънавий қирралари – иқтисодий муносабатлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишонччилик каби фазилатларнинг амал қилишини англатадиган тушунча. Иқтисодиётнинг ўзига хос объектив қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Уларни менсимаслик нафақат иқтисодий салоҳиятнинг етишмаслиги, балки маънавий қашшоқлик белгиси ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларда маънавий масалалари, хусусан, инсонийлик талаблари ва меъёрлари етарлича, ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, иқтисодий ривожланиш

бўлишига қарамай, Жамиятда ахлоқий муносабатлар таназзулга учрайди, ўзаро ишончсизлик кучаяди.

Айрим кишилар, эркин бозор иқтисодиёти шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий кадриятларнинг қиймати тушиб кетади, маданият ва маънавият иккинчи даражага айланади, маънавий қашшоқлик авж олади деб даъво қилишади. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиздир. Аслида, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларни амалга ошириши мумкин.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ҳамда бир-бирига таъсири қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг уйғун ҳолда ривожлантириб боришига алоҳида аҳамият берилмоқда. “Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда”- деб таъкидлайди Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида, - биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришни доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз”.

Истиқлол йилларида иқтисодий ва маънавий тараққиётларнинг ўзаро мутаносиб уйғун тарзда ривожланиб келаётгани мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор қилмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

Ҳозирги кунда юртимизда иқтисодий ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканмиз, бу фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уларнинг амалга ошириш борасидаги ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда

улар маънавияти юксак комил инсон ҳақида бутун бир маънавий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар.

Маънавияти юксак киши бировнинг ҳақиға, давлат, жамоа мулкига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, элу юрти, ҳалқи учун жонини фидо этишга тайёр туради. Бунинг акси ўлароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, ўғри, қаоллоб бўлиб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди.

Ўзбекистон келгусида юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши мамлакатимиздаги ислохотларнинг асосий мақсадидир. Бунга эса иқтисод ва маънавият, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишга аҳамият берилгандагина тўла эришиш мумкин. Цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат, ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизда бунёд этилиши мумкин. Бу борада ҳаммамиз масъул эканимизни чуқур англашимиз лозим. Негаки, маънавиятли ва маърифатли, иймонли кишиларнинг ҳалол меҳнати билан бойлик яратади, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тadbиркор, эл-юрт дардига малҳам бўладиган ҳақиқий ватанпарварга айланади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат ва жамият иқтисодий тарққиёт поғоналаридан юқорига узлуксиз кўтарилиб бораверади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида кўп миллатли давлатлар учун миллий сиёсатни тўғри, аниқ кўзланган мақсад асосида олиб бориш жуда муҳим. Бу эса тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам беради. Миллатларнинг ва улар маданиятларининг бир-бирига таъсир кўрсатиш кўп миллатли давлатларда яшаётган ҳалқларнинг маънавий-ахлоқий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қилиб келган.

Миллатлараро тотувлик – миллатлараро аҳиллик, ҳалқаро дўстлик; миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакиллариининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда

миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, рухияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, давлатга ўз номини берган миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллатлар ўртасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин.

Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудидан қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллат низолар бўлмагани ҳалқимизнинг азалдан бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ер юзида 7 млрдга яқин аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат яратганнинг мўжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслаги, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг шартларидан саналади.

Давлатлар бу борада кўп миллатлар (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар

манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётининг ҳал қилувчи омиллариддан бири ҳисобланади.

Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар ўртасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқули муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Шу билан бирга бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг кондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя-бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, таъкидлаганидек: “Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданият – маънавий хусусиятларини сақлаб қолиши учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун, уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, деб аниқ белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишдаги фаолияти, биринчидан, ўз вакиллари ми миллий тарих, урф-одат ва анъаналардан хабардор қилишга, иккинчидан, халқнинг ўз-ўзини англашга таъсир этиб, миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият қандай гуруҳларга бўлинади?
2. Миллий маънавият нима?
3. минтақавий маънавиятга нималар киради?
4. Умуминсоний маънавиятни қандай тушунаси?
5. Миллий ва умуминсоний маънавиятнинг ўзаро боҳлиқлиги?
6. Ўзбек халқи миллий маънавиятнинг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг?
7. Иқтисоднинг маънавий қирралари деганда нималарни тушунаси?
8. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро деалектик боҳлиқлиги?
9. Ўзбекистондаги миллий-маънавий сиёсатнинг моҳияти?
10. Қандай миллий-маданий марказларни биласиз?

9-Мавзу: Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

9.1.Иқтисодиёт ва маънавият бирлиги.

Иқтисодёт тушунчасига турлича таърифлар берилиб келинмоқда. Улар қанчалик турли-туман бўлмасин, бу таърифларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Берилаётган таърифларнинг турли-туманлиги муаллифларнинг фан ўрганаётган масаланинг у ёки бу томонга кўпроқ эътиборни берганлиги билан уйғун ҳолда қараш тўғри бўлади. “Иқтисодиёт деганда кишилар ҳаётини таъминлайдиган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва унинг исътемоли билан боғлиқ барча соҳаларнинг йиғиндиси ва айни жараёнда иштирок этаётган одамларнинг фаолияти улар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар, муносабатларнинг яхлит бирлигини тушунмоқ керак”¹.

Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу боради юзага келадиган муносабатларни иқтисодиёт фани ўргананди. Абу Али Ибн Сино фанларни тасниф қилар экан, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фалсафий фан доирасига киритган.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши кишилар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари омадлар кўзини қувонтириб, ҳайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва Ғарбий Оврўпа мамлакатларига етказиб борганлар. Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига “Буюк ипак йўли” яққол мисол бўла олди. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатиладиган бозор иқтисоди ва унинг моҳияти нима? Уни

¹ А.Абдуллаев Маънавият ва иқтисодий тафаккур Т., “Маънавият”. 1999. 7-бет.

қисқача ифодалайдиган бўлсак, у қуйидагиларни англатади. Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир.

Бозор иқтисодиётининг асосий шарти ва талаби мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Худди шу талабларни амалга оширишнинг энг қулай шароитларини капитализм даври юзага келтирди. Натижада инсоният кейинги брш аср ичида ундан олдинги ҳамма тарихдагидан кўп моддий ва маънавий қадриятлар ярата олди. Бозор иқтисоди ҳукмрон мамлакатлар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қайнар булоғига айланди. Бу даврда инсониятнинг ҳақиқий ахлоқий салоҳияти, яратувчилик имкониятлари намоён бўлди.

Жаҳон тажрибаси, шу жумладан, ўзимизнинг мамлакатимиз тажрибаси ҳам иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожлантириб борганлигини кўрсатади. Бозор муносабатларининг қонунларини назар-писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётини оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, собиқ иттифокда 70 йилдан ортиқроқ давр мабойнида бозор иқтисодиётига алоқаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга уриниб кўрилди. Бу собиқ мустабид тузумга ва унинг халқига жуда қимматга тушди.

Иқтисодиётнинг ҳам ўз объектив қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳар доим иқтисод ўз йўлидан бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас. Кимки иқтисод қонунларини назар-писанд қилмаса, боши берк кўчага кириб қолиш муқаррардир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг у қайси йўлдан бориши керак деган масала олдимизга кўндаланг бўлиб туради. Юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, мустақил Ўзбекистонимиз бундан буёнги тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч ҳосил этди.

Аммо, бозор муносабатларининг қайси йўли, қайси шакли биз учун мақбул, қайси бирини ўзимизнинг бундан буёнги тараққиётимиз учун танлаб олишимиз кераклиги масаласи олдимизда турган муаммо эди. Бозор муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа мамлакатларда 100-150 йил мобайнида, Япония ва Курия мамлакатларида 20-30 йил давомида шаклланган.

Юқорида айтганимиздек, бозор муносабатларига ўтиш давр талаби. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Буни Республикамиз аҳли тўғри англаб етди.

Аммо кутиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт, давр ниҳоятда тизиз. Тезкорлик билан мустақил Республикамизнинг бозор муносабатларига қандай қилиб, қайси усулда ўтишини танлаб олиш, бунда жаҳоннинг барча илғор тажрибаларини умумлаштириш ва фойдаланишни ҳал этиш лозим эди. Бунинг уддасидан чиқдик. Бунда Президентимиз Ислон Каримов катта шижоат кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳонда ортирилган барча ижобий тажрибаларни ўрганиб, халқимизнинг тарихий траққиётига, руҳиятига, менталитетига, миллий хусусиятига, иқлим шароитига, мамлакатимизнинг жўғрофий мавқеига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлини белгилаб олдик.

Ушбу йўлнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан, Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган.

Бу “Ўзбекистон йўли” – “Ислон Каримов йўли” сифатида жаҳон бўйича юксак баҳоланиб келинмоқда. Ушбу танлаган йўлнинг моҳияти Ислон Каримов ишлаб чиққан ва илғари сурилган беш тамойилда ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам тан олинмоқда.

Бу тамойиллар қуйидагича:

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан ҳоли қилиш, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишда мафкуравий манфаатлар нуқтаи назаридан эмас, балки тараққёт манфаатларидан қаралмоғи зарур:

Иккинчидан мамлакатда ўтказиладиган ислохотларда давлат бош ислохотчи бўлмоғи зарур. Ислохотларнинг бошида давлат турмаса парокандалик вужудга келади. Давлат ислохотлар вазифаларини бир тизимга солиб, уларни амалга оширишда етакчилик қилиб туради:

Учунчидан, ислохотларни амалга оширишда қонун устуворлигига, қатъиян амал қилиниши лозим. Мамлакат ҳаётида ва ислохотларни амалга оширишда қонун устуворлигига амал қилиниши турли тўсиқларнинг юзага келишининг олдини олиш имконини беради ва тараққиёт учун кенг йўл очиб беради.

Тўртинчидан, бозор муносабатлари бир кун ёки бир йилда шаклланадиган нарсас эмас, у маълум бир давр ичида вужудга келди. Мана шу давр ичида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарур бўлди. Ижтимоий ҳимоя-аҳолини иқтисодий қийинчиликка тушиб қомислигининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг билан бирга ижтимоий ҳимоя ижтимоий қийинчилик шароитида турли зиддиятлар келиб чиқишининг ҳам олдини олади;

Бешинчидан, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдир. Бу тамойилга биноан ислохотларни бир “зарб” билан эмас, аста-секин эволюцион йўл билан амалга ошириш назарда тутилади. Бу бозор муносабатларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги беш тамойилни қисқа изоҳлайдиган бўлсак, улар қуйидагиларни англатади:

Биринчидан иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилганда, у барбод бўлади. Бунга шўролар мисолида кўришимиз мумкин, на сиёсат на мафкура иқтисодиётни назорат қилиши, унга тазйиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар ҳар қандай мафкурадан ҳоли бўлиши лозим. Бозорнинг қоидаси шундай: кимнинг маҳсулоти яхшироқ ва арзон бўлса, ўша маҳсулотга талаб ҳаммадан кўра кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёсат ёки мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Иккинчидан, Ислом Каримовнинг “Давлат асосий ислохотчи бўлиши зарур. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, ҳиҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини бартараф этиши шарт”¹ деган фикри ўта аҳамиятлидир.

Мустақил Ўзбекистон бошқариладиган маърифатли бозор иқтисодиётига утаётир. Унга фақат давлатнинг бошқарувчилик кучига таяниб ўтиш мумкин.

Учунчидан, Ислом Каримов ўзининг “Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг” рисоласида ҳамманинг қонунга итоаткор бўлиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устун туришини таъкидлаб ўтган. Биз демократик жамият сари борар эканмиз, у ерда қонун устуворлигини унутмаслигимиз, қонун олдида ҳамма тенг, уни бузишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини билишимиз лозим. Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлат барпо этиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Маърифий дунёдаги бозор-бу энг аввало, қонунга ҳурмат демакдир.

Тўртинчидан, республикамызда кўп сонли кишилар турмуш даражасининг пастлиги тоталитар иқтисодий тузумдан қолган мерос. Биз танлаган йўлнинг ўзига хослиги шундаки, фақат аҳоли ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали бозор муносабатларига ўтилишидир.

Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” маърузасида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичларида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланганлиги диққатга лойиқдир. Унда келгусида ҳам давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муқтож бўлган кишилар ва оилалар ижтимоий ёрдам олишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бешинчидан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов доимо ислохот ўтказишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги, уни эҳтиёт билан секин-аста ўтказиш зарурлигини таъкидлаб келмоқдалар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон” йили 102-бет.

Шуни айтиш керакки, ислоҳот биз учун мутлоқо янги иқтисодий тизимни, бозор тизимини яратиши керак. Янгилик ҳеч қачон бирданига юзага келмайди, ҳар доим иқтисодга босқичма-босқич борилган. Ўзбекистондаги бозор иқтисодига ўтиш ҳам шундай.

Президентимиз ишлаб чиққан ана шундай тамойиллар заминиди иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маънавий баркамоллик зурурлиги ўз ифодасини топган. Яъни ислоҳотлар шунчаки ислоҳотлар учун эмас, балки инсон учун, унинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши белгиланган. Инсонлар ва жамиятда маънавият тараққий қилсагина, ислоҳотларни амалга ошириш ҳам енлиллашиб бораверади. Шунинг учун Президентимиз маънавиятни кўтариш масаласини ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишининг муҳим шarti сифатида белгилаб берган. У “Бозор муносабатларига ўтиш-ҳаётий етуклик ва сабр- матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнгилга келган ишни қилаверишга берилишга мутлоқо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва юксалиш муаммоларига алоҳида аҳамият берамиз”¹ деб кўрсатган эди.

Маънавий-руҳий инқироз мавжуд бўлган жойда иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди. Маънавияти юксак инсон, вақтинчалик мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар олдида давдираб қолмайди, у истиқбол билан ҳаракат қилади, фарзандлари, миллати ва мамлакатининг порлоқ келажаги йўлида самарали меҳнат қилишни ўзининг турмуш тарзининг асосий тамойилига айлантира олади.

Бу Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишининг маънавий омилининг иқтисодий тараққиётга таъсири борасида олиб бораётган йўлининг мазмунини ташкил қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995 йил. 141-бет.

9.2. Маънавият ва маърифат жамиятнинг юксак иқтисодий тарақиётга эришиш шarti.

Иқтисод ва маънавият ўзаро чанбарчас боғлиқ. Маънавиятсиз иқтисод ва иқтисодиётсиз маънавият юксак босқичга кўтарила олмайди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини юртбошимиз Илом Каримов бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири экинлигини қайта-қайта ўқтириб келмоқдалар. Бундан айрим кишилар бизга мафкура, сиёсат керак эмас деган нотўғри хулосага келиб, ижтимоий фанларга нисбатан нотўғри муносабат билдира бошлаган даврлар ҳам бўлди. Бу нуноқ, узокни кўра билмайдиган одамлар фикри.

Олдинги мавзуларда қайд этилганидек, маънавиятсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай иқтисодий масалаларни маълум маънавият ва маърифат соҳиблари ҳал этадилар. Мамлакат қанчалик иқтисодий ривожланган бўлса, бу мамлакатда маънавият ва маърифат шунча юксак бўлади. Юксак маънавит ва маърифатга эга бўлган мамлакатнинг иқтисодий куч-қудрати ҳам юқори бўлади. Демакки, маънавияти ва маърифати юксак инсон юрт, мамлакат, халқи олдида ўзига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этади. Шу юрт, мамлакат, халқ учун ҳалол, фидокарона яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан унинг юксакликка парвози учун ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини теран ҳис этади. Шундай қилиб, маънавият ва маърифат юксак иқтисод, юксак иқтисод эса юксак маънавият ва маърифат билан боғланиб кетади.

Айрим кишилар эркин бозор иқтисоди шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий қадриятларнинг қиймати тушуниб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади. Маънавий қашшоқлик авж олади, деб даво қиладилар. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун ҳолда боради.

Мана шунинг учун ҳам жамият маънавиятни янада юксалтириш ХХІаср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги устувоор йўналишлардан бири эканлиги иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида белгилаб қўйилди. Юртбошимиз И.А.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” китобида таъкидлаганидек, ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт¹

Демак, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирги иқтисодий ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканимиз, демак, ишлаб чиқариш тармоқлари ишга тушиб иқтисодий юксалиш юз беради. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир қилади. Хусусан, бунга кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш жараёндаги ишлар яққол мисол бўла олади.

Кейинги йилларда Президентимиз маънавият-иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосидир, деган янги фикрни ўртага ташлади. Шурулар замонида маънавиятнинг ролига бунчалар катта эътибор берилмаган эди. Умуман биз узок йиллар давомида маънавият, маданиятни иқтисоддан кейинги ўринларга қўйишга одатланиб қолган эдик. Эндиликда маънавият олдинги ўринлардан бирига чиқди.

Маънавиятнинг олдинги ўринга қўйилишига иккита сабаб бор: Биринчидан, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибалари кўрсатадики, фақат юксак маънавиятгина юксак иқтисодий ривожланишини таъминлаши мумкин. Маънавият яратувчанлик ва фаолликнинг асосий манбаси ҳисобланади. Иккинчидан, Республикамизда иқтисодий ривожланишни орқага сураётган, унга тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири-маънавиятсизлик эканлигини англаб етдик. Бу ҳаққат аччиқ бўлса ҳам, аммо, уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

¹ И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт провард мақсадимиз. 25-бет.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини бизнинг ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, жиҳат киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кунглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

“Маънавият ва малакага қараб ишлаб чиқариш ҳолати белгиланади. Юқори малака фақат юқори маънавият бор жойда бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот сифати, таннархи ва баҳоси малакага боғлиқ бўлганда, маънавият унинг асосида бўлади”¹

Маънавияти юксак киши бировнинг ҳаққига, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, эли, юрти, халқи учун жонини фидо этишга ўзини аямайди. Бунинг акси улароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирбгар, порахур, ўғри, қаллоблик йўлидан бориб Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук фарзандлари билан ҳам жиҳонни ҳайратга солиши ва унга юз тутиши лозим.

Бунга эса иқтисод ва маънавият, маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишига аҳамият берганимиздагина эришишимиз мумкин.

Биз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз керак.

Маънавиятли ва маърифатли, имонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор эл-юрт дардига малҳам бўлувчи ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай

¹ Каримов А. Маънавиятнинг иқтисодий тамойиллари. Т., “Маънавият”. 1999 йил. 28-бет.

фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт поғаналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Маънавиятли ва маърифатли кишиларда яхшиликка мойиллик ва ёмонликдан, тийилиш ҳисси кучли бўлади. Демакки, турли ёмонликлардан тийилиш ҳисси жамиятда осойишталик ва фаровонликка олиб келади.

Келажак ёшларники бўлганлиги учун мамлакатимизда уларни маърифатли, тадбиркор, зукко ва ўз касбининг устаси, имон-эътиқодли, замон талаблари даражасида етук, маънавий баркамол бўлишлари учун Президентимиз бошлиқ ҳукуматимиз ва кенг жамоатчилик барча имокниятларни яратиб бермоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, ҳунар эгаллашни изчиллик билан амалга ошириш иқтидорли ёшларга очилган кенг имкониятдир. Бу борадаги олиб борилган иш Олий Мажлисининг IX сессиясида кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлигида ҳамда бу масала иккинчи чакриқ Олий Мажлис биринчи сессиясида устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланганлигида ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг келажакимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ.

Шундай қилиб, маънавий баркамол маърифатли, маданиятли, тадбиркор, фозил инсон энг олий фаолият - меҳнат, яратувчанлик, бунёдкорлик билан машғул бўлиши учун унинг яшаши ва шароитини тубдан яхшилаш тараққиётимизнинг объектив қонунияти бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш ва унинг ривожини тадбиркорлик билан чамбарчас боғлиқ. Зотан, бозор иқтисодиётининг талаби тадбиркорлик ва ишбилармонликдир. Тадбиркор ҳам маънавий пок, маърифатли бўлиш керак:

- тадбиркор ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, ҳаромдан ҳазар қилиши лозим;
- тадбиркор маърифатли, дунёқараши кенг қамровли, бирёқламаликдан ҳоли бўлиши лозим;
- тадбиркор ўзи бошлаган ишга қатъий ишонган бўлиши, аниқ мақсадни ўз олдига қўйган ва унинг натижаларини аниқ тасаввур эта билган бўлиши лозим;

- тадбиркор ўз хатоларини тан ола билиши ва уни ўз вақтида тўғрилашга интилиши керак;
- тадбиркор таваккалчасига ҳам иш юритиши, унга бориши керак;
- тадбиркор фаросатли, инсофли, меҳнатсевар бўлиши керак;

Хуллас, мустақил Ўзбекистон танлаб олган бозор иқтисодиёти йўли шунинг учун ҳам истикболлики, у ҳар бир кишидан ўта тадбиркорликни, ҳозиржавобликни, тежамкорликни, уддабуронликни, вақти соати келганда сабр-тоқатлиликни, совуққанликни, ҳар бир вазиятда ишнинг кўзини билишини, муомалада ниҳоятда эҳтиёткорликни, ҳар бир сўзнинг шакли ва мазмунини ажратиш ва фарқ қилишни талаб этади.

Юқорида тадбиркорлик хислатлари қандай бўлиши ҳақида фикр юритдик. Бу хислат ва хусусиятлар ўзбек халқида азалдан мавжуд. Афсуски уларнинг кўпчилиги турли сабаблар таъсирида кишиларимизнинг ёдидан чиқиб, ҳаёлидан кўтарилган, ёки мустабид тузум ва унинг мафқурасига ёд нарсалар сифатида уларнинг онгидан сиқиб чиқарилган. Энди уларнинг тикланиши ва ҳаётимизда ўзларига хос ўрин эгаллаши керак.

Бозор иқтисоди-демакким, замон талаби, мустақиллик қонуни. Мамлакатимизда кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик иши билан шуғулланишларига барча имкониятлар яратилган ва у қонун билан мустаҳкамланган. Вазифа ана шу қонун доирасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириб, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига олиб чиқишидир. Шунинг учун ҳам ёшлар бизнинг, мамлакатимизнинг келажаги деймиз. Зотан, буюк келажак маънан юксак, маърифатли ёшларимиз қўлидадир.

9.3. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари.

Мамлакатимиз ўзининг кўпасрлик давлатчилиқни шакллантириш, ривожлантириш тарихига эга. Унинг давлатчилиқни вужудга келтириш

тажрибалари мустақилликни мустаҳкамлашимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Айниқса ўзбек давлатчилиги тажрибаларида маънавиятни ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маънавиятни ривожлантиришга ҳам, мавжуд бўлган имкониятлар ресурсларни ишга тушуришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Улардан қанчалик унумли фойдалана олсак, иқтисодиёт ва маънавиятни ривожлантириш борасида ҳам белгиланган мақсадга эришиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий асослари тўғрисида сўз кетганда унинг ноёб табиий хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон келажаги буюк давлат дейилганда худди шу имкониятлар ҳам назарда тутилганини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Юртбошимиз ҳақли равишда айтганидек, Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади. Бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2700 дан зиёд турли фойдали қазилма конлари аниқланган. Уларнинг биргаликдаги қиймати мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар баҳосига кўра 3.3 триллион АҚШ долларида ортиқроқ баҳоланаётир. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5.5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфром, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11 ўринда, уран захираси бўйича 7-8 ўринда туради.

Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион куб метрга яқин, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқ, 350 миллион тоннага яқин нефт захиралари мавжуд.

Ўзбекистон қудратли илмий-маънавий потенциалга ҳам эгадир. Республика ҳудудида фан ишлар академияси, 120 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари, 60 дан ортиқ Олий ўқув юртлари мавжуд.

Илмий ходимлар сони 100 мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида 200дан ортиқ академик, 2200 га яқин фан докторлари ва профессорлар, 14600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор.

Ўзбекистон ривожланган, кўп тармоқли қишлоқ ҳўжалигига эгадир. Пахта Ўзбекистон қимматбаҳо хом ашё етиштирадиган жаҳондаги энг йирик ўлкалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон бу экинни етиштирадиган мамлакатлар орасида жаҳонда тўртинчи ўринни ва пахта маҳсулотини экспорт қиладиган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили мамлакат далаларида, боғларида 5 миллион тоннагача мева ва сабзавотлар етиштирилади.

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар, истеъдодли ва меҳмондўст халқи Республиканинг чинаккам бойлигидир. Ўрта Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40% га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда барқарорлик ва тинчлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик сақланиб турибди. Яхши қўшничилик ва инсонпарварлик ўзбеклар табиатидаги туғма миллий ва диний фазилат ҳисобланади. Барча замонларда Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай давлат бўлиб қолади. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган 27 миллиондан ортиқ киши яшайди. Тинчлик, ижтимоий тотувлик ва адолат ғоялари бизнинг аجدодларимиз қолдириб кетган маънавий мерос ҳисобланади.

Бу меросни қанчалик чуқур ўзлаштирсак, шунчалик даражада мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, вазминлик, бунёдкорлик, ҳамкорлик, миллат ва мамлакат манфаатлари йўлида фидоийлик каби фазилатларимиз ривожланиб боради. Бу фазилатлар мураккаб ўтиш даври учун катта амалий аҳамиятга молик бўлган омил ҳисобланади.

Хуллас юқорида кўрганимиздек, жуда катта бойликлар мавжудлиги, қудратли саноат базаси, илмий ва интеллектуал салоҳият, маънавий фазилатлар,

давлат суверенитети янги жамият барпо этиш, Ўзбекистонни ривожланган, гуллаб-яшнаган давлатга айлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий асос бўлиб қолади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодиёт фани нимани ўргатади?
2. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиш?
3. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини қандай тушунасиш?
4. Нима учун маънавият ва иқтисод ўзаро боғлиқ?
5. Тадбиркорнинг маънавий хислатларига нималар киради?
6. Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий –маърифий заминлари нималарда деб биласиз?

10-Мавзу. Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс маънавияти белгилари.

10.1. Миллий ўзликни англаш, унинг моҳияти.

Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун маънавий барқарорликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади, чунки у аввало ўзининг кимлигини билиб олса, қайси миллатга мансублигини тушуниб етса, авлод-аждодлари, улар қолдирган моддий ва маънавий меросни ўзлаштирилсагина тўлақонли шахс

даражасига етиши мумкин. Бундай шахслар миллатнинг аксарият кўпчилик қисмини ташкил қилсагина бундай миллатнинг истиқболи буюк бўлади. Шунинг билан бирга ўзини-ўзи чуқур англаб етган, ақли расо, ғоявий-сиёсий жиҳатдан уйғонган ва жипслашган халқ ва миллатни ўтмишда бўлганидек, мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, тили, маданияти, қадриятларини оёқ ости қилиш, бойликларини талаб кетиш, ҳуқуқларини паймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш асло мумкин эмас.

Ўз-ўзини англаш бу халқнинг, миллатнинг ўтмиши, тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболари, насл-насаби, авлод-аждодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир.

Миллий ўзликни англаш-миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч-ғайратини ишга солиш демакдир. Миллат мавжуд бўлиши учун тил, ҳудуд ва маънавият асосий шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади. Ўзликни англаш ўз моҳиятига кўра миллат ва элатлар учун хос бўлган маънавий хусусиятларини ифода этиб, ўз функциясига кўра миллий манфаатларни ҳимоя қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга мансублиги, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш деб аталади. Миллий ўзликни англаш миллат бирлигининг мустаҳкамлигини, миллат манфаатларининг шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини синглаш даражаси билан боғлиқдир.

Миллий ўзликни англаш реал ҳаётда миллат шаъни, қадр қиммати, обрў-эътибори паймол этилганда ёки миллатнинг манфаатларига нисбатан иккинчи бир томондан зўровонлик ҳаракатлари бошланиб кетган ҳолатларда янада

кучли ва якқол намоён бўлади. Бундай ҳолатда, миллатнинг барча вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, қайси даражада бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар ўзаро бирлашиб кетадилар ва миллатнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Миллий ўзликни англаш миллатимиз тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар, ҳудуд ягоналиги, маънавиятдаги ўзига хослигидан иборат белгилари каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил, белгиси эканлиги-миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллат ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан белгиланади.

Миллий ўзликни англаш омиларининг қудрати қўйидаги шароитларда кўпроқ номоён бўлади:

Биринчидан, агар миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, юқорида қайд этганимиздек, миллатнинг манфаатларига, айниқса, шаъни, кадр қиммати, обрў-эътибори паймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган шароитда, миллатнинг барча вакиллари бирлашиб кетадилар, ҳатто миллатнинг ичида ўзаро муҳолифатда бўлган томонлар ҳам миллатнинг шаъни, ғурури, обрў-эътиборини ҳимоя қилиш манфаати йўлида бирлашадилар.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш рухий ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилidir. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг ҳатти ҳаракатларида, интилишларидан ва мақсадларини амалга оширишларидаги салоҳияти орқали билиб олиши мумкин бўлади.

Рухий ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросларнинг “портлаши” миллатнинг характери, хусусиятлари, миллий ғояларни яратувчи, унинг тараққиётида олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Учунчидан, миллий ўзликни англаш омили фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки миллий тараққиёт жараёнида унинг олдида юзага келадиган ички муаммоларни ҳал қилиш ҳамда миллатни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи вазифани ҳам бажаради. Бу муаммолар

мамлакатда иқтисодий, ижтимоий –сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда содир бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатида, фақат унинг манфаатларини ифодалаб ёки ҳимоя қилиш билан чекланмай, балки шулар билан бирга унинг абадийлигини таъминлаб турувчи мустаҳкам қўрғон ҳамдир.

Сиёсий маънавияти, миллий онги ривожланган, миллий жиҳатдан ўзини-ўзи англаб етган халқ, миллат мустақиллигининг буюк кучига айланади. Миллатнинг, халқнинг куч қудрати унинг шани билан ўлчанмайди, балки, сиёсий етуклиги, миллий онгнинг ўсганлиги, миллий ғурури миллий ҳиссиёти, миллий туйғунинг қай даражадалиги, ўз-ўзини англаб етганлиги миллий уюшганлиги билан белгиланади. Ўзлигини англаган миллатни ҳарбий устунлик билан вақтинча қарам қилиш мумкин, аммо уни батамом қарам қилиб бўлмайди. Ундаги миллий ғурур ҳар қандай шароитда ҳам озодликка чиқиши учун кураш олиб боришга олиб келади. Шундай қилиб миллий ўзликни англаш миллатнинг энг муҳим белгиси, унинг ривожланиши ва уни келажагини таъминловчи омили ҳисобланади. Мустақилликни қўлга киритиш ўзбек халқи ҳаётида миллий ўзликни англаш йўлидаги буюк инқилоб ҳисобланади. Чунки чоризм томонидан бу улкани босиб олиниши оқибатида Туркистон халқларининг маънавияти, маърифатига етказилган катта зарарлар ва Россияда амалга оширилган октябрь тунтаришидан кейин ўрнатилган шуролар ҳукумати томонидан давом эттирилган зуравонлик сиёсати халқимизнинг ғурурини паймол этишига, унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўринга салбий таъсир кўрсатган эди. Шуролар даврида ўзбек миллати номи фақат собиқ СССР хўжжатларида қайд этилсада, у халқаро ҳаётда мустақил субъект сифатида тан олинмай келинар эди.

Мустақиллик учун кураш, гарчанд чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати давридан бошланган бўлса ҳам, у шўролар тузуми даврида янада кескин тус олди. Аммо, ўзбек халқининг кўзга кўринган миллатпарвар фарзандларининг

изчиллик билан босқичма-босқич қириб юборилиши, миллий ўзликни англаш жараёнининг оммавий равишда юксалиш имконини бермаган эди.

80-йилларга келиб СССР иқтисодиётидаги инқироз, унинг сиёсатда халқаро Шандармга айланишга интилишни ва маънавий ва маърифатдаги қашшоқлашуви, бу тузумнинг миллатларни тараққий эттиришга ноқобиллигини яна бир бор тасдиқлаган эди. Бу жараён собиқ СССР таркибига қирган миллатларнинг мустақилликка интилишини, ўзликни англашнинг зимдан ўсиб боришини тезлаштириб юборди. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида миллатлараро муносабатларда турли низолар ҳамда фожиаларнинг келиб чиқиши миллий ўзликни англашнинг яшрин қудрати юзага қалқиб чиққанлигини билдиради. Бу қудратли жараён “Метиндек” мустаҳкам бўлган қудратли СССР давлати ва бутун жаҳон социализм тизими ҳалокатга учради. Собиқ халқлар турмаси ўрнида мустақил давлатлар вужудга келиб, миллатнинг ўзлигини англашга интилиши кучайиб кетди.

Ана шу мураккаб кураш жараёнини ўз бошидан кечирган ўзбек халқи мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ўзининг мустақил миллат мақомини тиклаш учун дадил ҳаракат қилди. Хусусан, мустақиллик йилларида босиб ўтилган тарихан қисқа давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта ишлар амалга оширилди. Бу йилларда миллатимизнинг ўзлигини англаши жадал ривожланиб борди. Бу миллий ўзликни англаш жараёнининг юксалиб бориш хусусиятлари қуйидагиларда намаён бўлди:

Биринчидан, собиқ тузум шароитида, маънавий-маърифий соҳаларда бу тузумни маҳд этувчи шулар зўравонлик ва маккорлик билан қайси шаклда ва усулда амалга оширилмасин, миллатимизнинг дунёқарашини бутунлай ўзгартира олмади. Халқимиз ҳарқандай шароитда ҳам ўзлигини қайтиш қайфияти ва руҳияти билан яшаб келди. Чунки шўролар тузumi бермоқчи бўлган маънавий ва маърифат, уни шакллантириш миллий маданиятлар ривожланишининг объектив қонунларига асосланмай, балки, субъектив кучнинг, яъни коммунистик мафкуранинг зўрофонлигига таянган эди. Бундан, ташқари собиқ тузум бермоқчи бўлган маънавий ва маърифат миллий

маданиятларнинг ўзаро таъсири ва асосда бойишига эмас, балки рус миллати маданияти ва маърифатини бошқа “йирик” миллатга сингдиришга қаратилган эди.

Собиқ совет жамияти маданиятининг модели “назарий” жиҳатдан “асосланган” бўлса ҳам, аммо, у амалга мавҳум тушунча эди (мазмунан социалистик, шақлан миллий). Моҳият жиҳатдан эса ўзбек халқи аجدодлари томонидан асрлар давомида яратилган ва бугунги авлодларга мерос бўлиб ўтган маънавият ва маърифатга мутлақо зид эди. Мустақилликка эришшимиз билан бундай ҳолатларга Президентимиз раҳномалигида барҳам берилди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки босқичларида миллий ўзликни, англашнинг характерли хусусияти шунда бўлдики, миллий қадриятлардан кўра диний қадриятларни кўрсатиш устуворликни ташкил қилди. Бунинг объектив сабаби бор эди. Хусусан ўзбек халқи маънавияти ва ривожланишининг шурулар тузуми ўрнатилгунча бўлган даври ислом маънавияти ва маърифати билан чамбарчас боғланган бўлиб, у миллатимиз онги ва руҳиятининг муҳим қисмини ташкил қилиб келган. Худди шунинг учун ҳам большевиклар исломга қарши кураш йўли билан миллатни ҳам йўқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва шу сиёсатни изчиллик билан амалга оширишига интиланлар, уларнинг бу ҳаракатлари бежиз эмас эди. Чунки Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишига интилади”¹. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий хотирани ва диний қадриятларни тиклаш миллий тикланишнинг , ўзликни англашнинг муҳим омили сифатида устувор бўлиб келди. У миллий бирликни мустаҳкамлашда ва миллий тараққиётни янги босқичга кўтаришда амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, миллий ўзликни англаш жадал суръатлар билан ўсиб кетишига қарамасдан, Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқоролараро низоларнинг

¹ Каримов И.А. миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон”, 2000. 11-бет.

бўлмаганлиги, уларнинг олди олинганлиги ўзбек миллати учун вазминлик, бағрикенглик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат кабилар хос бўлган хусусиятлардан саналади. Аслида, 1990 йилларда собиқ СССР тузимида бўлган собиқ иттифокдош республикаларда бўлгани каби парокандалик, тараққиёт йўлининг ноаниқлиги Ўзбекистонда ҳам бўлган эди. Аммо, ўзбек халқининг ўзига хос мерос ақл-заковати, босиқлик вазминлик хусусиятлари, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг вазиятни тўғри англаб, шунга мос равишда сиёсат олиб бориши пирокандалик йўлини тўсиб қўйди.

Тўртинчидан, Ўзбеклар ўз атрофида яшаётган бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, ўзбек халқига хос меҳр-оқибат туйғуларини сақлаб қола олганлиги миллий ўзликни англашдаги яна бир хусусият ҳисобланади. Ваҳоланки, мустақилликка эришган айрим республикаларда мустақиллик шарафати олдида давдираб, ўз атрофларида яшаётган, яқиндагина қардошим деб юрган миллий вакилларига ҳурматсизлик билан қараш юз берганлиги сир эмас. Ўзбекистонда бундай ҳол юз бермаганлиги, халқимизнинг юксак маънавиятини кўрсатади. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепциясида таъкидланганидек “миллатлараро ҳамкорликка раҳна солувчи иллат бу – тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушган жамият ҳалокатга юз тушиши муқаррар. XX асрда Европа халқларини асоратга солган ва айрим давлатларнинг таназзулига сабаб бўлган фашизм ғояси бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадамдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади².

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир ўзбекистонлик фуқоро миллатлараро тотувлик, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки, мустақил давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда, ўзбек халқининг миллий ўзлигини қанчалик англаб етганлигига ҳамда мамлакатимиз ҳудудида ўзбеклар ва бошқа миллат халқ

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 60-бет.

вакиллари ёнма-ён истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодларидан қатъий назар, бир-бирининг кўнглини ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларни боғлашга, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиб берилган. Бу эса мамлакатнинг барқарор ривожланишнинг кафолатидир.

Хуллас, миллий ўзликни англашни ўстириш йўлида мустақилликни мустаҳкамлаш фидоий бўла оладиган, Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, “Биз фидоий ватанпарварларни тарбиялашимиз”, “Элим деб, юртим деб яшовчи, шу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган”, “Ўзидан сўнг озод ва обод Ватан қолдирадиган” фарзандларни тарбиялашимиз замон ва мустақиллик талаби” Бунга юртимизда яшаётган ҳар бир киши миллатидан қатъий назар масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота боболарининг муқаддас қадриятларини асраб авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш маънавий тарбия ишимизнинг марказида турмоғи лозим.¹

Агар биз бугунги миллий ўзлигимизни англаш борасидаги вазифалари талаб даражасида амалга ошира олсак:

Биринчидан, мустақиллигимизни абадийлаштиришга, обод ва озод Ватан, фаровон ҳаётини қуришига, мамлакатимизни жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлашга, ўзимизнинг жаҳон цивилизациядаги адолатли ва муносиб ўрнимизни катта тиклашга эришамиз.

Икинчидан, миллий ўзлигимизни англашимиз, авлод аجدодларимиздан қолдирилган бой меросимизни ўзлаштиримизга олиб келади. Бу фақат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш вазифалари даражаси билан чегараланибгина қолмасдан, балки миллатимиз авлодининг ворислигини таъминлашга имкон

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон”, 2000. 11-бет.

беради. Демакки, бу вазифаларни амалга ошириб биз кейинги авлодларимиз олдидаги вазифамизни ҳам адо этган бўламиз. Шунинг учун ҳам миллий ўзлигимизни англашни ривожлантиришимиз бугунги куннинг ва истиқболнинг авлодлари олдидаги вазифаси эканлигини ҳар бир миллатимизнинг тушуниб етиши катта амалий аҳамиятга моликдир.

10.2. Ҳуқуқий саводхонлик-маънавий етуклик мезони.

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш куриши, хохиш-иродасининг амалга оширилиши, згу ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим.

Шу кафолат ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни, мустақилликнинг барқарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Юқорида айтилган кафолат Республикамиз Конституциясида ўз ифодасини топган. Бу ҳақида Президентимиз Илом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ун биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция берди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституцияда белгиланган, тегишли Қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат куриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”, -деб кўрсатган эди.

Олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонга эркин ва равон фикрлайдиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишига қодир, ўз вазифаси ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқароларни тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби.

Демократик, ҳуқуқий давлатнинг бунёдкорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эришса оламиз.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқарони, Сиз каби ёшлар қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Ҳуқуқни билмаган одамнинг ҳаёти охир-оқибатда фожиаи тус олиши мумкин. Бунинг яққол мисоли Президентимизнинг юқорида қайд этилган нутқида ҳам кўришимиз мумкин: “Мадомики мақсадимиз, аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, -деб нутқини давом эттирган эди юрт бошимиз, - авлодларимиз, фарзандларимиз келажаги хавф соладиган, милат шаънига доғ туширадиган, хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўлаяпти” Бу ўринда Президентимиз бундай қалтис хатти-ҳаракатларга қўл урган кимсаларнинг қонуннинг билмаслиги, билса ҳам унга менсимасдан қараши, ҳурмат қилмаслигида эканини, уларда ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги, етишмаслигини айтади.

Шундай экан, табиий равишда ҳуқуқий маданият нима деган савол туғилади? Ҳуқуқий маданият бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси маданияти, умумийсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабатларини белгилайди. Шахснинг ички маънавияти унинг ташқи одобини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб фаол қатнашади.

Кўпинча кишилар ҳуқуқ, қонун, бурч адлия каби атамаларни, баъзан тасодифан қонунбузорлик қилиб қонун олидда жавобгарлик ҳолатига тушуб қолганларидагина эслайдилар. Нега қонунга рўпара бўлдинг деб сўраганда. Бундай бўлишидан хабарим йўқ эди, деб кўзини милтиллашиб, адвокатдан нажот кутиб турадилар. Шунинг яхши англашимиз керакки, қонунни билмаслик ҳеч қачон айбни енгиллаштирмайди. Биз қонунга менсимаслик билан қарасак, уни ўрганмасак, ҳурмат қилмасак шундай ноқулай аҳволга тушиб қоламиз. Қонунни

билиш, ҳурмат қилиш жиноятдан жиноят олаmidан йироқ юришнинг бирдан – бир йўлидир. Қонунга ҳурмат инсон маданияти ва маъновияти бўлиб қолганда, бундай жамиятни бошқариш ҳам, адолатни қарор топшириш ҳам осон бўлади.

Мана шунинг учун ҳам ҳуқуқий саводхонликни юқори даражага қўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоғи лозим. Президентимиз ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги вазифа -“ўз ҳақ – ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қудратига таяниб яшайдиган, актрофида руй бераётган воқеа –ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор”¹

Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирмай туриб қонунни менсимайдиган бузғунчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ –одобсизликлар, қурқоқлар, қотилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушқил бўлади. Бундай қонунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни ҳимоя қилиш зарур. Юртбошимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда “... давлат давлатчилигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур... бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак. Қонун олдида ҳамма баравар. Мамлакат қонунларига барча фуқаро ёшидан, миллатидан, ирқи, динидан қатъи назар барча барабар бўйсунмоғи фарз”.

Юқоридагиларни бажариш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатли давлатнинг маънавий ва маърифий вазифаси. Бизнинг вазифамиз эса фуқаролар манфаатини кўзлавчи қонунларга тўлиқ риоя этишдан иборат.

Қаерда қонунларга итоат қилинмас экан, у ерда адолат бузилади, зўравонлик вужудга келади, ижтимоий сиёсий зиддиятлар кучаяди ва охиروқибатда жамият маънавияй қашшоқликка гирифдор бўлиб, парокандаликка учрайди. Шунинг учун қонунларга итоат қилиш ҳар бир шахснинг маънавий юксаклик белгиси бўлиши билан бир вақтда жамиятнинг барқарор ривожлантиришининг ҳам асосий шarti ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон” 2000, 12-бет.

10.3.Демократиянинг маънавий-маърифий жихатлари.

Демократия - “Халқ ҳокимияти” демакдир. Демократия кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродаси, хохиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Инсоният жамияти таракқиётининг ҳар бир янги даврида демократия ҳам янгидан-янги мазмун, моҳият ва шакл касб эта борган. Демократия жамият таракқиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жихатларини, аҳоли умумий дунёкарашини ўзида акс эттиради.

Демократия тушунчаси негизида аҳолининг Озодлик, хурриятга эришиши, эркин яшаши, ҳақиқат ва адолат сингари мазмун ётади. Буюк бобомиз Амир Темурнинг “Куч адолатда” деган сўзи негизида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, ғоят инсонпарварлик мазмуни ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг барча эркинликлари ҳам мужассамлашган. Юқорида айтилган фикрлар ҳозирги замон демократик ҳаракатлар илғор тажрибасининг ўқ илдизларини, бош йўналишини ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимий шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жихатдан ҳимоя қилинган ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб инсон озодлиги ва ҳатти-ҳаракатлари, эркинлиги таъмин этилган эди. Бу айти демократик жамиятнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Энди биз бутунлай янги тарихий шароитда яшаймиз. Бундай шароитда демократияни шунчаки “Озодлик”, “Эркинлик”, “Халқ ҳокимияти” сифатида содда равишда тушунмаслигимиз керак. Демократиянинг ҳар бир элементи янгича чуқур мазмун билан бойиб борапти. Чунончи, демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммолар ҳал этишгача бўлган низо, мурса ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифаларни ҳам қамраб

олмоқда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сари, уларнинг демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда.

Тоталитар тузумдан эркин фуқаролик тузимига ўтилаётган бир шароитда демократияни англаш, унинг моҳиятини тушуниш ва масъулятини зимага олиш анча қийин иш. Энг аввало, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўз-ўзини тайёрлаб бериши, эркин яшаш ва эркин фикрлаш куникмасини ҳосил қилиши даркор. Ҳар бир фуқаро маънавий-руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлиши лозим. Қотиб қолган тушунчалар қобиғини синдириш, фикрсиз ва танбаллик, боқимандалик руҳиятидан холос бўлиш осон. Биз ҳозир ана шундай мураккаб жараёни бошдан кечирмоқдамиз.

Демократия бир йўла қурилган бино ёки доимий бир хил тарзда ўзгармай турадиган буюм эмас, балки у доимий ҳаракатдаги жонли ҳодисадир. Айни пайтда у жамият тарақиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини-ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда, янгича мазмун касб этиб боровчи тарихий воқеликдир. Қисқаси демократия тажрибага асосланган ва доимо мазмунан бойиб, шаклан такомиллашиб, моҳиятан чуқурлашиб борадиган доимий ва узлуксиз ҳаракатдаги фаолиятдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятни вужудга келтиришни олий мақсад қилиб қўйди. Унга эришишнинг ягона йўли эса демократияни чуқурлаштиришдир.

Шуни айтиш керакки, демократик жамиятни барпо этишнинг тамойиллари, дунё тан олган, эътироф этган барча учун умумий бўлган ўз йўриқлари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради: бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Булар деярли барча мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қатъий белгилаб қўйилган демократиянинг тартиб қоидаларидир.

Демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи ахлоқий мезонларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун демократияни бирдай жорий қилишининг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. Мана шундай демократиянинг ғарб ва шарқоналиги ҳақидаги қарашлар келиб чиқаради. Бу ҳақда Республикамиз Президенти Ислон Каримов: “шарқда демократия жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққиё топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб айтганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”¹ деганда демократияни жорий этишнинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қаби орқали амалга ошириш қаби ўзбекона тамойиллари борлигини кўрсатди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда Туркия, Олмания, Франция, Англия қаби мамлакатлар бизга ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Тўғри бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Бироқ давлатимиз раҳбари Ислон Каримов бу таклифларга ўзининг аниқ муносабатини билдирди. Бу масалага ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи руҳиятидан келиб ёндашиш зарурлигини айтди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона қучириш асло самара бермайди. Бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ғарб демократиясини тўғридан-тўғри шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга таҳлид қилиш қутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Эркинликка ортиқча йўл бериш давлат ва бошқарув апаратининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995. 10-11-бетлар

бушашиб кетиши, ҳокимият жilовининг ўз хошишига қўйилган минг-минглаб хонадонлар бошига оғир кулфатлар келтириш билан якунланишини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Ғарб демократиясида очикдан-очик муносабат, кескин инқилобий ҳаракат устунлик қилади. Шарқ демократиясида эса аксинча андишалик, босиқлик. Ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда ўзидан катталарга, оқсақолга ҳурмат билан қараш, босиқлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд.

Бази одамлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни шакиллантириш факт қоғозда, шунчаки оғзаки гап, амалда фуқароларнинг барча имкониятлари чекланаётир, деб даъво қилмоқдалар. Бу гапни айтганлар нукул Ўзбекистонни Америка, Олмания Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билиш солиштиришга уринадилар. Бу ўринда бир насага эътибор беришимиз талаб этилади. Юқорида қайд этилган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз йил ва ундан ортиқ йиллар мобайнида, оғир кураш ва синов йўлларида ўтиш орқали вужудга келган. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт мабойнида, кечаги кундан бугунги кунга ўтган куннинг ўзида Ғарб давлатларидакидек кенг миқёсли тадбирни амалга оширишни талаб қилиш ақлга сиғмайдиган ҳолат. Одамлар дунёқараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Шахсининг фақат ўзини ўйлаши, барча ташаббуслар остида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатларини устун кўриш каби кайфият демократиянинг чуқурлашишига тўсқинлик қилади. Боз устига асрлар давомида халқ турмушига айланган қадриятларга ҳам зиддир.

Шундай қилиб, содда қилиб айтганда, демократияни қуйидагича тушунмоқ керак: демократия онгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли, ақл-идрокка таянган муносабат. Демократия —юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти: демократияни англаш шахсининг барча учун

бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш: аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти: демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган барчанинг қонунга бўйсуниб яшашини ўргатади ва талаб этади.

Аксинча бўлган жамиятда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади ва оқибатда бундай жамият ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши соҳасидаги хусусиятларини кўрсатиб берар экан, “сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойиллари гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш¹”ни муҳим вазифа сифатида белгилаб берди.

Мустақиллик туфайли эркинлик, демократия нималигини ва ўзлигимизни кашф этдик. Том маънавий камолатга етмагунча, то ҳатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу-идрок ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократияни мазмуни ҳам, кўлами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги, дунёқаракшини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишдан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда давлатимиз, ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккб ва узоқ муддатли жараён билан боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов: “.. демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди.” Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тукиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукгини обдан тортиб, кейин айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов вақ урашларга, мардона бардош берибгина эришиш мумкин²”,-деган эди.

Шуни ҳисобга олиб, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган жамиятни эркинлаштириш концепциясида демократик жараёнлари чуқурлаштириш сиёсий соҳадаги стратегик вазифа қилиб белгиланган. Шунга биноан миллий истиқлол

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., “Ўзбекистон” 2000, 13-14-бетлар

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995. 10-11-бетлар.

ғоясининг асосий вазифаси “Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш-мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жиҳатларнинг энг асосий йўналишидир”¹ деб белгиланди. Демак, ана шу мураккаб жараёнларга ҳар биримиз алоҳида тайёргарлик кўришимиз, ўзимизни демократияга тайёрлаб боришимиз, ички бир маънавий қудрат билан ўзимизни тарбиялаб боришимиз керак.

Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш, ҳуқуқий саводхонлик, қонунларга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат, демократик кадриятларга содиқлик бир томондан жамият маърифий тараққиёт йўлидан боришини таъминлайдиган омил бўлса, иккинчи томондан шахс маънавий комиллигини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади.

Жамиятда комиллик мезонига жавоб берадиган кишилар аксарият кўпчиликка ташкил қилинсагина маънавий баркамоллик ва иқтисодий юксакликка эришиш мумкин бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий ўзликни англашнинг моҳиятини изоҳланг.
2. Миллий ва миллий ўзликни англаш муносабатларини қандай тушунасиш?
3. Миллий ўзликни англашни мустақиллик учун курашнинг муҳим омили деб ҳисоблайсизми?
4. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади?
5. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни изоҳланг
6. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик жамиятимизга нима учун зарур?
7. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни қандай тушунасиш?

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 29-бет.

8. Демократия тушунчасининг мазмун ва моҳиятини изоҳланг
9. Шарқ ва Ғарб демократиясининг муштарак томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг
10. Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши ҳақидаги фикрингиз
11. Демократия ва маънавият ўртасидаги муносабат нималарда ўз ифодасини топган?

фанидан ЎҚУВ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА КАЛЕНДАР РЕЖА		«ТАСДИҚЛАЙМАН» Кафедра мудири Қ.Усмонов «__»_____200__й	
факультетининг __курс _____академик гуруҳи учун Маърузачи профессор-ўқитувчи		Амалий машғулотлар ўқитувчиси	

Хафталар т/р. Маълумот	Хафталар т/р. Сана	Фаннинг мавзуси	Ум соат.		Режалаштирилган ва ҳақиқий бажарилган юклама:																						Имзо	
					маъруза				Шу жумладан тарқатма материаллар асосида				Баҳолаш шакли	Амалий (семинар) машғулот				Шу жумладан, интерфаол методлар асос.				Баҳолаш шакли	Мустақил иш					Баҳолаш шакли
			р		х		р		х		р			х		р		х		р			х					
			р	х	сана	соати	сана	соати	сана	соати	сана	соати		сана	соати	сана	соати	сана	соати	сана	соати		сана	соати	сана	соати		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28
		«Маданиятшунослик» фанининг предмети, методологик асослари ва аҳамияти.	4			2																						
		«Маданиятшунослик» фанининг предмети ва уни ўрганишнинг аҳамияти.													2													
		Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари	4			2																						
		Ворисийлик – маданият таракқи ^а тининг муҳим қонунияти.													2													
		Қадимги Шарқ маданияти.	6			2																						
		Қадимги Шарқ маданияти.													2													
		Қадимги дунёнинг етти мўжизаси																					2					

		XVIII- XIX асрлар Европа маданияти.												2														
		Алфред Нобел халқаро мукофотининг таъсис эътилиши ва унинг фан-техника таракқиётидаги ўрни																		2								
		XX аср жаҳон маданияти.	4			2																						
		XX аср жаҳон маданияти, фан- техника инқилоби											2															
		Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданият таракқиёти	3			2																						
		Ўзбекистонда миллий истиқлол даврида архитектура ва эстрада санъатининг равнақи																		1								
Жами:			56			22								20							14							

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Молия институти
«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
Кафедра томонидан таълим йўналиши(мутахассислиги)нинг 2 курс 2 семестрида ўқитиладиган
«Маданиятшунослик» фани бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ (ТЕХНОЛОГИК) ХАРИТА

Тузувчилар: _____
Кафедра мажлисида тасдиқланган: Баённома № _____ « _____ » _____ 200__ й. Кафедра мудири _____
Факультет декани _____ Ўқув бўлими бошлиғи _____

Хафталар т/р. Маъруза	Хафталар т/р. Семинар	Фаннинг мавзулари (ишчи ўқув дастури бўйича) ва баҳолаш турлари (ЖБ, ОБ, ЯБ)	Мавзу бўйича умумий соатлар	Машғулот турлари бўйича режалаштирилган ва хақиқий бажарилган юклама ва баҳолаш шакллари:												Мавзу бўйича бажарилган умумий соатлар	Мавзу бўйича асосий ўқув адабиётлари (ишчи ўқув дастурига асосан) тартиб рақамида (1,10,25 ва ҳ.)	
				маъруза		жумладан тарқатма материаллар		Баҳолаш шакли	Амалий (семинар) машғулот		жумладан, интерфаол методлар	Баҳолаш шакли	Мустақил иш		Баҳолаш шакли			
				режа	р	ҳ	р		ҳ	р			ҳ	р				ҳ
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
		«Маданиятшунослик» фанининг предмети, методологик асослари ва аҳамияти.	4	2				КТ ОС										2,3,6,7,8,16, 17,21,22,23,24
		«Маданиятшунослик» фанининг предмети ва уни ўрганишнинг аҳамияти.							2				СЖ					
		Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари	4	2				КТ ОС										2,3,6,7,8,16, 17,21,22,23,24
		Ворисийлик – маданият тараққиётининг муҳим қонуният.							2				СЖ					
		Қадимги Шарқ маданияти.	6	2				КТ ОС										16,17,19,21,22, 24,31
		Қадимги Шарқ маданияти.							2				СЖ					
		Қадимги дунёнинг етти мўжизаси												2		КТ ОС		

		Антик Европа маданияти.	6	2				КТ ОС										15,16,17,18,20, 21,22,24,29
		Қадимги Европа маданияти.							2				СЖ					
		Византия маданияти											СЖ	2				
		Ўрта асрлар Европа маданияти	4	2				КТ ОС										15,16,17,19,21, 22,23,24
		Ўрта асрлар Европа маданияти							2				СЖ					
		Шарқ уйғониш даври маданияти	8	2				КТ ОС										5,10,14,16,17, 19,21,22,24,25, 26,27,30,32
		Шарқ Уйғониш маданияти.							2				СЖ					
		Боғдод Мамун академияси, унинг илм-фан таракқиётидаги ўрни												2			КТ ОС	
		Хоразм Мамун академияси, унинг дунё илм-фан таракқиётидаги ўрни												2				
		XIV-XIX асрларда Шарқ, маданияти	5	2				КТ ОС										12,14,17,18,21, 22,24,26
		XIV-XIX асрларда Шарқ, маданияти							2								КТ ОС	
		Улугбек академияси, унинг илмий мероси												1				
		Европа Уйғониш даври маданияти.	6	2				КТ ОС										16,17,21,22,24
		Европа Уйғониш маданияти							2				СЖ					
		Европа университет таълимнинг вужудга келиши ва ривожланиши												2			КТ ОС	
		XVIII- XIX асрлар Европа маданияти.	6	2				КТ ОС										16,17,21,22,24
		XVIII- XIX асрлар Европа маданияти.							2				СЖ					
		Алфред Нобел халқаро мукофотининг таъсис этилиши ва унинг фан-техника таракқиётидаги ўрни												2			КТ ОС	
		XX аср жаҳон маданияти.	4	2				КТ ОС										1,2,3,5,8,9,16,17,21, 22,26
		XX аср жаҳон маданияти, фан-техника инқилоби							2				СЖ					
		Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданият таракқиёти	3	2				КТ ОС										1,3,7,14,24,32,43,44,47
		Ўзбекистонда миллий истиқлол даврида архитектура ва эстрада санъатининг равнақи												1			КТ ОС	
		ЖАМИ	56	22					20					14				

Изоҳ: ОС - оғзаки сўров
СЖ – савол-жавоб
КТ- конспект текшириш